# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

**24-сон (368) 2009 йил 15 июнь**


*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

## МУНДАРИЖА

*Учинчи бўлим*


268. «Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 июндаги 150-сон қарори

269. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 15 майдаги ПҚ–1112-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 июндаги 152-сон қарори

270. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулкини

ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 июндаги 153-сон қарори

271.«Айланма маблағларни тўлдириш учун тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш ҳисобига экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 июндаги 156-сон қарори

272.«Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда рухсатномалар олиш тартиботларини такомиллаштириш ва соддалаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 10 июндаги 158-сон қарори

273.«Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 апрелдаги ПҚ–1087-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 июндаги 159-сон қарори

274.«Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган маълумотларни эълон қилишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 июндаги 160-сон қарори

## *Бешинчи бўлим*

275.«Бюджет ташкилотлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган давлат мулкини бошқа корхона ва ташкилотларга ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2009 йил 2 июндаги 59, 01-16-18/13-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 869-2*)

276.«Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишга қамраб олиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2009 йил 20 майдаги 16/ҚҚ, 22, 155, 25 Қ/Қ-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 11 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1964*)

277.«Почта ва телекоммуникация ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон

Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 27 майдаги 27/Б-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 11 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1965*)

278.«Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасига қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 16 майдаги 15/1-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 11 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 773-27*)

279.«Иккиламчи хом ашё тайёрлаш омборхоналари, база ва пунктлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 30 апрелдаги 18/Б-1-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 11 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1966*)

280.«Йиғма темирбетон ва бетон конструкциялар ва буюмлар ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 8 майдаги 19/Б-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 11 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1967*)

281.«Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси томонидан акциялар эгалари реестрини қабул қилиш тартиби ва ҳужжатли акцияларни ҳаракатсизлантириш механизми тўғрисида Вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 6 майдаги 2009-27-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 12 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1968*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 6 июндан 12 июнгача бўлган маълумот

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### 268 Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт потенциалини кўпайтириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ—4058-сон Фармонини бажариш юзасидан, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар, шаҳарлар ва қишлоқлар истеъмолчилари томонидан электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Ўзбекэнерго» ДАК томонидан:

«Ўзбекэнерго» ДАК корхоналарида, Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида ва Тошкент шаҳрининг айрим туманларида Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини синаб кўриш бўйича бошланғич лойиҳалар амалга оширилаётганлиги;

«Ўзбекэнерго» ДАКда Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш» инвестиция лойиҳаси ишлаб чиқилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

«Ўзбекэнерго» ДАК корхоналарида Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш жадвали 1 ва 1а-иловаларга* мувофиқ;

Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш доирасида хўжалик юритувчи субъектларга электр энергиясини ҳисобга олишнинг замонавий электрон приборларини ўрнатиш жадвали 2-иловага* мувофиқ;

Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш доирасида маиший истеъмолчиларга электр энергиясини ҳисобга олишнинг замонавий электрон приборларини ўрнатиш жадвали 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. «Ўзбекэнерго» ДАК Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар, хўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда 2009 йил 1 июлгача бўлган

---

* 1 — 3-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

муддатда ушбу қарорга 2-илова асосида, аниқ муддатларини, молиялаштириш манбаларини ва масъул шахсларни кўрсатган ҳолда, электр энергиясини ҳисобга олишнинг электрон приборлари ва аппарат комплексларини жорий этишнинг ҳудудий ҳамда тармоқ жадвалларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Қуйидагиларга:

«Ўзбекэнерго» ДАК ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раислари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси, вазирликлар ва идоралар, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари зиммасига — Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш доирасида электрон ҳисобга олиш приборларини ўрнатишнинг тасдиқланган жадваллари сўзсиз бажарилиши юзасидан;

«Ўзбекэнерго» ДАК раиси зиммасига — Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини кўрсаткичларнинг нотўғри ҳисобланишидан ва ахборотлардан рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилишни таъминлаш юзасидан шахсан жавобгарлик юклансин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

маиший истеъмолчиларга Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига уланадиган электр энергиясини ҳисобга олишнинг мавжуд приборларини алмаштириш ва замонавий электрон приборларини ўрнатиш «Ўзбекэнерго» ДАК корхоналарининг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади;

хўжалик юритувчи субъектларга электр энергиясини ҳисобга олишнинг мавжуд приборларини алмаштириш ва замонавий электрон приборларини ва аппарат комплексларини ўрнатиш уларнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади;

Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига уланган истеъмолчиларга электр энергияси етказиб бериш олдиндан тўланган ҳақ доирасида электр таъминоти бўйича икки томонлама шартнома асосида амалга оширилади.

6. «Ўзбекэнерго» ДАК Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, хўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда 2009 йил 1 июлдан бошлаб барпо этилган қурилиш объектларининг улар электр энергиясини ҳисобга олишнинг замонавий электрон приборлари ва аппарат комплекслари билан жиҳозланган тақдирда қабул қилиб олинишини таъминласин.

7. «Ўзбекэнерго» ДАК, вазирликлар ва идоралар, хўжалик юритувчи субъектлар 2009 йил 1 июлдан бошлаб:

2009-2010 йилларда янгидан барпо этилаётган объектларнинг Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига мос келадиган электр энергиясини ҳисобга олишнинг элек-

трон приборлари билан жиҳозланишини ҳамда 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган ишлаётган электр таъминоти объектларида кўп функцияли электрон ҳисоблаш приборлари жорий этилишини;

2009 — 2011 йилларда янгидан барпо этилаётган объектларнинг Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига мос келадиган электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозланишини ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаётган электр таъминоти объектларида электр энергиясини ҳисобга олишнинг электрон приборлари жорий этилишини;

Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини кўрсаткичларнинг нотўғри ҳисобланишидан ва ахборотлардан рухсатсиз фойдаланишдан комплекс ҳимоя қилишни таъминласинлар, бунда инсон омили таъсири мумкин қадар камайтирилишини назарда тутсинлар.

8. «Ўзбекэнерго» ДАК:

2009 йил 1 июлгача бўлган муддатда «Ўзбекэнерго» ДАКда Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш» инвестиция лойиҳасини аниқ техник-иқтисодий параметрлар ҳамда электр энергиясини ҳисобга олишнинг электрон приборларига ва аппарат комплексларига нисбатан зарур талаблар билан бирга ишлаб чиқиш тугалланишини таъминласин;

жорий этилаётган Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими доирасида маълумотларни узатиш, йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш тартиботлари бир-хиллаштирилишини таъминласин;

мамлакатимиздаги ва хорижий етакчи экспертларни Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини кўрсаткичларнинг нотўғри ҳисобланишидан ва рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш бўйича комплекс ечимларни ишлаб чиқиш учун жалб этсин;

«Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш» инвестиция дастурини бир босқичда, уларни турли тоифадаги объектларда қўлланиш учун намунавий ечимларни ишлаб чиққан ҳолда амалга оширсин;

2012 йил 1 январдан бошлаб, белгиланган талабларга мувофиқ бўлган электр энергиясини ҳисобга олишнинг электрон приборлари ва аппарат комплексларини ўрнатмаган истеъмолчиларга — хўжалик юритувчи субъектларга электр энергияси етказиб бермасин.

9. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги «Ўзбекэнерго» ДАК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ушбу қарор қоидаларининг амалга оширилишини оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда ёритиб борсинлар.

10. «Ўзбекэнерго» ДАК, Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси, Давлат архитектура ва қурилиш

қўмитаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Р. Шаисматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 5 июнь,
150-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 269 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 15 майдаги ПҚ–1112-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 15 майдаги ПҚ–1112-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг уй-жой фондини давлат йўли билан ҳисобга олиш тўғрисида» 2000 йил 20 январдаги

18-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 1-сон, 5-модда) 1-бандининг бешинчи хатбоши ҳамда қарорга 4-илова;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2005 йил 18 майдаги 127-сон қарорига 1-илованинг 3-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 5-сон, 26-модда);

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2007 йил 1 мартдаги 43-сон қарорига илова 3-бандининг учинчи хатбоши (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 2-3-сон, 13-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомда назарда тутилган турар жойларни нотурар жойлар тоифасига ўтказишга рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартибининг амал қилиши 2009 йил 1 июндан бошлаб тадбиркорлик субъекти бўлмаган юридик ва жисмоний шахсларга татбиқ этилсин.

4. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 5 июнь,
152-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 5 июндаги 152-сон қарорига
ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 11-сон, 49-модда) билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларига қуйидаги мазмундаги 9 — 11-бандлар қўшилсин:

«9. Тадбиркорлик субъектларини туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларида юридик шахсларни ва юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркор-

ларни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун — энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида.

10. Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат солиқ хизмати органларида давлат рўйхатидан ўтказганлик учун — энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан кредит уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун — энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдорида.».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2001 йил 31 декабрдаги 491-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 11-12-сон, 65-модда):

а) Ўзбекистон Республикасида давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги низомда:

23-бандда:

иккинчи — тўртинчи хатбошидаги «70», «50» ва «25» рақамлари тегишли равишда «50», «30» ва «15» рақамлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдорида» сўзлари «энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баравари миқдорида» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошидаги «техника, технология, материаллар, моддалар, маҳсулотларнинг янги турларини яратишга доир ҳужжатлар» сўзлари чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги ўнинчи хатбоши қўшилсин:

«Техника, технологиялар, материаллар, моддалар, маҳсулотларнинг янги турларини яратишга доир ҳужжатлар лойиҳаларининг давлат экологик экспертизасидан ўтказилганлиги учун ҳақ энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баравари миқдорида белгиланади»;

ўнинчи ва ўн биринчи хатбоши ўн биринчи ва ўн иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

илованинг «Давлат экологик экспертизаси ўтказилганлиги учун ҳақ тўлаш тартиби» устунида:

4, 7 ва 10-бандлардаги «70», «50», «25» ва «3» рақамлари тегишли равишда «50», «30», «15» ва «1» рақамлари билан алмаштирилсин;

6-банддаги «70» рақами «30» рақами билан алмаштирилсин;

б) Давлат экологик экспертизаси амалга ошириладиган фаолият турлари рўйхатида:

Атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг I тоифасига кирадиган (ўта хавфли) фаолият турларида:

3-банддаги «ва II» сўзлари чиқариб ташлансин;

14, 25 ва 38-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

20-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«20. Тўғонлар.»;

39-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«39. Фармацевтика заводлари ва фабрикалари (тайёр доривор воситаларни қадоқлаш корхоналари бундан мустасно).»;

Атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг II тоифасига кирадиган (ўртача даражада хавфли) фаолият турларининг 1 — 48-бандлари қуйидаги мазмундаги 1 — 47-бандлар билан алмаштирилсин:

«1. Вилоят аҳамиятига эга бўлган автомобиль йўллари.

2. Аэродромлар.

3. II тоифадаги нефть ва нефть маҳсулотлари базалари.

4. Нефть ва газ қудуқлари қазиш.

5. Вилоят аҳамиятга эга бўлган ер ости сувларини олиш иншоотлари.

6. Республика ва вилоятлараро аҳамиятга эга бўлган сув ўтказгичлар.

7. Ҳажми 200 млн куб метргача бўлган сув омборлари.

8. Қуввати 30 МВт ва ундан кам бўлган гидроэлектрстанциялар.

9. Шаҳар маиший чиқинди полигонлари (100 мингдан 200 минг кишигача истиқомат қиладиган аҳоли пунктлари учун).

10. Йиллик иш унуми 1 млн. тоннагача бўлган кон-бойитиш фабрикалари.

11. Темир йўл деполари.

12. Йилига 2 млн. куб метргача рудани ва кондан олинадиган кимёвий хом ашёни қазиб чиқариш ҳамда қазиб чиқаришда вужудга келган карьерларни рекультивация қилиш.

13. Йилига 30 минг куб метрдан ортиқ умумий тарқалган фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш.

14. Идоравий аҳамиятга эга бўлган темир йўллар.

15. Суткалик иш унуми 50 мингдан 280 минг куб метргача бўлган канализация тозалаш иншоотлари.

16. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва биологик қўшимчалар ишлаб чиқариш комплекслари.

17. Биотехнологиялардан фойдаланувчи, шу жумладан пиллани қайта ишловчи корхоналар.

18. Вилоят аҳамиятига эга бўлган электр узатиш линиялари.

19. Луб саноати.

20. Сув ўтказиш қуввати секундига 50 куб метрдан ортиқ бўлган магистрал каналлар, дарёлар ва лойиҳа бўйича ҳисобланган қуввати секундига 20 куб метрдан ортиқ бўлган коллекторлар.

21. Мебель комбинатлари ва фабрикалари.

22. Ун тортиш комбинатлари.

23. Чиқиндиларни қайта ишлаш заводлари.

24. Вилоят аҳамиятига эга бўлган нефть ва газ қувурлари.

25. 100 гектардан ортиқ янги ерларни ўзлаштириш.

26. Дамбалар.

27. Алкоголли ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхоналар.

28. Чармни бўяш ва локлаш корхоналари.

29. Йилига 300 тоннадан ортиқ газмол ва қоғозни лок билан кимёвий тўйинтириш корхоналари.

30. Хавфлилиги III классга мансуб чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналари.

31. Қурилиш индустрияси корхоналари, асбест ва цемент ишлаб чиқаришлар бунга кирмайди.

32. Қоғоз ва картон ишлаб чиқариш.

33. Ёғоч-қипиқ ва ёғоч-тола плиталар ишлаб чиқариш.

34. Шиша тола ишлаб чиқариш.

35. Инерт газлар ишлаб чиқариш.

36. Пардоз-андоз препаратлари ишлаб чиқариш.

37. Бўёқлар, шу жумладан лок-бўёқ ишлаб чиқариш корхоналари.

38. Полимер буюмлар ва синтетик материаллар, шу жумладан ювиш ва тозалаш моддалари ишлаб чиқариш.

39. Электротехника асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш.

40. Бўяш ва оқартириш цехлари бўлган йигирув ва тўқув фабрикалари.

41. Паррандачилик фабрикалари.

42. Фойдали қазилмаларни қидириб топиш ва разведка қилиш.

43. Радиотехника ва электрон саноати.

44. Эскидан суғориб келинган 1000 гектардан кўпроқ ерларни реконструкция қилиш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш.

45. Вилоят аҳамиятига эга бўлган заҳарли кимёвий моддалар, шу жумладан ўғитлар омборхоналари.

46. Иссиқлик қуввати 100 МВтдан 300 МВтгача бўлган иссиқлик электр станциялари ва бошқа ёндириш қурилмалари.

47. Пахтани қайта ишлаш саноати»;

Атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг III тоифасига кирадиган (паст даражада хавфли) фаолият турларининг 1 — 62-бандлари қуйидаги мазмундаги 1 — 53-бандлар билан алмаштирилсин:

«1. Маҳаллий аҳамиятга эга бўлган автомобиль йўллари.

2. Автопарклар.

3. Автомобилга ёнилғи ва газ қуйиш станциялари.

4. III тоифадаги нефть ва нефть маҳсулотлари базалари.

5. Вилоят аҳамиятига эга бўлган ер ости сувлари чиқариш иншоотлари.

6. Вилоят ва туман аҳамиятига эга бўлган сув ўтказгичлар.

7. Шаҳарча аҳамиятига эга бўлган газ қувурлари.

8. Йилига 30 минг куб метрдан кам умумий тарқалган фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш.

9. Чорвачилик комплекслари.

10. Ҳайвонотчилик хўжаликлари.

11. Суткалик иш унуми 50 минг куб метрдан кам бўлган канализация тозалаш иншоотлари.

12. Гилам фабрикалари.

13. Алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқариш ва қадоқлаш.

14. Хом ғишт ишлаб чиқариш ва уларни ер усти хумдонларида пишириш.

15. Терига ишлов бериш.

16. Ҳар секундда 50 куб метрдан кам сув ўтказадиган магистрал каналлар ва ҳар секундда лойиҳа бўйича ҳисобланган қуввати 20 куб метрдан кам бўлган коллекторлар.

17. Гўшт саноати (сўйиш ва қайта ишлаш).

18. Корхона ва ташкилотларнинг нефть омборхоналари.

19. 100 гектаргача янги ерларни ўзлаштириш.

20. Аҳолиси 100 минг кишидан кам бўлган аҳоли пунктлари учун маиший чиқиндилар полигонлари.

21. Жунни қайта ишлаш корхоналари.

22. Хавфлилик даражаси IV классга мансуб чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналари.

23. Пахта толасини қайта ишлаш корхоналари.

24. Сутни қайта ишлаш корхоналари.

25. Йиллик иш унуми 300 тоннадан кам бўлган газмол ва қоғозни лок билан кимёвий тўйинтириш корхоналари.

26. Қурилишда фойдаланиладиган пардозлаш материаллари ишлаб чиқариш.

27. Пойабзал ишлаб чиқариш.

28. Омихта ем ишлаб чиқариш.

29. Совун ишлаб чиқариш.

30. Шишадан таркибида заҳарли моддалар бўлмаган буюмлар ишлаб чиқариш.

31. Чинни буюмлар ишлаб чиқариш.

32. Бўяш ва оқартириш цехлари бўлмаган йигирув ва тўқув фабрикалари.

33. Паррандачилик фермалари.

34. Тайёр доривор воситаларни қадоқлаш корхоналари.

35. 100 гектардан 1000 гектаргача майдонда суғориладиган ерларни реконструкция қилиш ва мелиоратив жиҳатдан яхшилаш.

36. Двигатель ва машиналарни таъмирлаш, шунингдек уларни бўяш.

37. Майдони 30 гектардан ортиқ бўлган балиқ урчитиш ҳавзалари ва балиқни қайта ишлаш.

38. 50 тадан ортиқ савдо ўрнига эга бўлган бозорлар.

39. Электр асбоб-ускуналарини йиғиш ва таъмирлаш, металлга ишлов бериш.

40. Чўчқачилик фермалари.

41. Сел сувини тўплаш омборлари.

42. Туман аҳамиятига эга бўлган заҳарли кимёвий моддалар, шу жумладан ўғитлар омборлари.

43. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг махсус объектлари.

44. Босмахоналар.

45. 100 мегаваттдан кам қувватга эга бўлган иссиқлик электр станциялари ва бошқа ёндириш қурилмалари.

46. Трамвай-троллейбус депоси.

47. Пахта тайёрлаш пунктлари.

48. Хлораторлар.

49. Нон комбинатлари.

50. Кимёвий тозалаш корхоналари.

51. 50 тоннадан ортиқ сиғимли совутгич қурилмалари.

52. Кальций карбиди ишлаб чиқариш цехлари.

53. Чой қадоқлаш фабрикалари»;

Атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг IV тоифасига кирадиган (маҳаллий таъсир кўрсатиш) фаолият турларининг 1 — 30-бандлари қуйидаги мазмундаги 1 — 32-бандлар билан алмаштирилсин:

«1. Автосервис пунктлари.

2. Умумий равишда фойдаланиладиган ҳаммом ва сауналар.

3. Ички хўжалик аҳамиятига эга бўлган сувўтказгичлар ва сув хўжалиги тармоқлари.

4. Ветеринария шифохоналари.

5. Резино-техника буюмларини тиклаш, вулканизация ва автомобилларни жузъий таъмирлаш.

6. Майдони 30 гектаргача бўлган балиқ урчитиш ҳавзалари, балиқни қайта ишлаш бунга кирмайди.

7. Корхоналар ва ташкилотларга қарашли ҳамда умумий равишда фойдаланиладиган гаражлар ва автомобиль тўхташ жойлари.

8. Қабристонлар.

9. Дон омборлари.

10. Гилам тўқиш цехлари.

11. Тикиш ишлаб чиқариши.

12. Мебель ишлаб чиқариш ва таъмирлаш.

13. Пахта титиш корхоналари.

14. Кичик тегирмонлар.

15. Автомобилларни ювиш.

16. Тошга ишлов бериш.

17. Буғ қозони ва тозалаш иншоотларига эга бўлмаган рекреация ва уй-жой-хўжалик объектлари, шунингдек ижтимоий-маданий-маиший объектлар.

18. Хўжалик ичидаги ерларни ўзлаштириш.

19. Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш майдончалари.

20. Заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш.

21. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва консервалаш.

22. Умумий овқатланиш корхоналари.

23. Пиллани қабул қилиб олиш ва сақлаш пунктлари.

24. 50 тадан кам савдо ўрнига эга бўлган бозорлар.

25. Эскидан суғориб келинган 100 гектардан кам ерни реконструкция қилиш ва мелиоратив жиҳатдан яхшилаш.

26. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш омборлари.

27. Хўжаликлар ичида сув хўжалиги тизимларини қуриш.

28. Теплица ва парниклар, шахсий ёрдамчи хўжаликлардан ташқари.

29. Новвойхоналар, нон-булка ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш.

30. Оҳак ишлаб чиқариш цехлари.

31. Қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш.

32. Қорамол, йилқи ва қўй фермалари».

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 72-модда) билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 10-бандда:

«турар жой биноларини нотурар жой тоифасига ўтказишни расмийлаштириш» сўзлари чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Тадбиркорлик субъекти бўлмаган ва объектлардан тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш ниятида бўлмаган шахслар томонидан турар жой биноларини нотурар жой тоифасига ўтказиш мазкур Низомга мувофиқ Инспекциялар орқали амалга оширилади»;

б) 28-банддаги иккинчи — тўртинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан алмаштирилсин:

«Рўйхатдан ўтказиш Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаларининг рўйхатдан ўтказиш офислари (кейинги ўринларда «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг ҳудудий хизматлари деб аталади) томонидан амалга оширилади»;

бешинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

в) 31-банддаги «архитектура ва қурилиш бош бошқармаси» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари (кейинги ўринларда архитектура ва қурилиш бош бошқармалари деб аталади)» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 37-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«37. Архитектура-режлаштириш (I ва II қисмлардан иборат бўлган) топшириғини ишлаб чиқиш архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдордаги тўлов асосида амалга оширилади (турар жой биноларини нотурар жой тоифасига ўтказиш бундан мустасно).

Қишлоқ жойларда жойлашган тадбиркорлик субъектлари учун архитектура-режлаштириш топшириғини ишлаб чиқиш қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг 5 бараваридан ортиқ бўлмаган суммада белгиланади.

Аниқ тарифлар Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда объектнинг мураккаблик тоифасига қараб белгиланади»;

д) 39-банддаги «рухсат» сўзи «асос» сўзи билан алмаштирилсин;

е) 40-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«40. Объектни қайта ихтисослаштириш ёки реконструкция қилиш учун ариза берувчи Инспекцияга ушбу Низомга 1 ёки 1а-иловага мувофиқ шакл бўйича ариза беради. Аризага мавжуд объектнинг лойиҳа ҳужжатлари ёки кадастр ҳужжатлари нусхалари илова қилинади. Инспекция шу куннинг ўзида тегишли буюртмани ва мавжуд объектнинг тақдим этилган ҳужжатларини туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармасига (бўлимига) юборади»;

ж) 42 ва 43-бандлардаги «туман (шаҳар) кўчмас мулк кадастри хизматида» сўзлари «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг ҳудудий хизматида» сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 46 — 49-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«46. Турар жой нотурар жой тоифасига у уй-жойнинг пастки қаватида жойлашган бўлса ўтказилиши мумкин.

Қуйидаги ҳолларда турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказишга йўл қўйилмайди:

турар жой мақсадли коммунал турар жой фондида бўлса;

алоҳида кириш йўлаги қилиш имконияти бўлмаса;

турар жой авария ҳолатида бўлса ёки нотурар жой тоифасига ўтказиш учун яроқсиз бўлса;

турар жой юзасидан суд муҳокамаси кетаётган бўлса — низо суд тартибида ҳал бўлмагунгача.

Архитектуравий, тарихий ва маданий ёдгорлик бўлган уйлардаги турар жойларни нотурар жой тоифасига ўтказиш архитектура, тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш органларининг розилиги билан амалга оширилади.

47. Турар жойларни (ёки уларнинг бир қисмини) нотурар жойлар тоифасига ўтказиш учун ариза берувчи Инспекцияга ушбу Низомга 1 ёки 1а-иловага мувофиқ шакл бўйича ариза билан мурожаат қилади.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

ариза берувчининг мавжуд бинога мулкий ҳуқуқини ёки бошқа ашёвий ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий хизмати томонидан тайёрланган бино тархи;

бинога биргаликда эгалик қилувчилар ва оила вояга етган аъзоларининг турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказишга нотариал тасдиқланган ёзма равишдаги розилиги;

хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг розилиги;

агар турар жой архитектуравий, тарихий ва маданий ёдгорлик бўлган уйларда жойлашган бўлса — ёдгорликларни муҳофаза қилиш органларининг розилиги.

48. Инспекция бир кун муддатда ҳужжатларни «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий хизмати билан келишиб олади ва уларни кўриб чиқиш учун туман (шаҳар) ҳокимлигига беради, ҳокимлик икки

кун муддатда Инспекцияга туман (шаҳар) ҳокимининг тегишли қарорини беради.

Қуйидаги ҳолларда турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш рад этилиши мумкин:

ушбу Низомнинг 46-бандида назарда тутилган асослар бўйича;

ушбу Низомнинг 47-банди талабларига риоя қилинмаган тақдирда.

Ўтказишнинг рад этилиши юзасидан ариза берувчи томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Турар жойларни нотурар жойлар тоифасига ўтказганлик учун тўлов ундирилмайди.

Ҳокимнинг турар жойни (ёки унинг бир қисмини) нотурар жой тоифасига ўтказиш тўғрисидаги Инспекция томонидан тақдим этилган қарори асосида «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий хизмати томонидан 1 кун мобайнида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш амалга оширилади ва тегишли гувоҳнома берилади.

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий хизмати томонидан рўйхатдан ўтказганлик учун юридик шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи, жисмоний шахслардан эса — 10 фоизи миқдорида тўлов ундирилади.

49. Ариза берувчи томонидан бино параметрларини ўзгартириш хоҳиши билдирилган тақдирда Инспекция туман (шаҳар) ҳокимининг турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш тўғрисидаги қарори олинган кунда мазкур Низомда белгиланган тартибда туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармасига (бўлимига) муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш учун техник шартларни олиш юзасидан тегишли буюртманома беради. Кейинги тартиб-қоидалардан ўтиш мазкур Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш юзасидан ишлаб чиқилган архитектура-режлаштириш топшириғининг қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг 2 бараваридан ортиқ бўлмаслиги керак.

Нотурар жойни қайтадан турар жой тоифасига ўтказиш мулкдорнинг аризасига кўра ҳокимнинг қарори билан амалга оширилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

ариза берувчининг нотурар жой бинога мулкий ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси;

бинонинг туман (шаҳар) кўчмас мулк давлат кадастри хизмати томонидан тайёрланган тархи.

Ҳокимнинг нотурар жойни турар жой тоифасига ўтказиш тўғрисидаги қарори ариза қабул қилинган кундан бошлаб уч кун муддатда қабул қилинади.

Ҳокимнинг нотурар жойни турар жой тоифасига ўтказиш тўғрисидаги қарори нусхаси бино мулкдори томонидан 1 иш куни мобайнида «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий хизматига, солиқ органларига ва коммунал хизматларга тақдим этилади.»;

и) 55-банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошидаги «кўчмас мулк кадас-

три хизмати» сўзлари «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин»;

к) 57-банднинг олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ҳисоб рақами очганлик учун тўлов миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг ярмидан, қишлоқ жойлардаги тадбиркорлик субъектлари учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 0,1 бараваридан ортиқ бўлмаслиги керак»;

л) 61-банднинг иккинчи хатбошидаги «энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан» сўзлари «энг кам ойлик иш ҳақининг 3 бараваридан» сўзлари билан алмаштирилсин;

м) 65-банднинг иккинчи хатбошидаги «энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан» сўзлари «энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан» сўзлари билан алмаштирилсин;

н) 70-банддаги «туман (шаҳар) кўчмас мулк кадастри хизматлари» сўзлари «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин»;

о) 5-иловадаги «Туман (шаҳар) ер кадастри идорасида» сўзлари «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин»;

п) 5а-иловадаги «Туман (шаҳар) ер кадастри идорасида», «(зарур ҳолларда)» сўзлари «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий хизмати», (бинонинг параметрлари муҳандислик таъминоти юкламаларини ўзгартирган ҳолда ўзгартирилган тақдирда)» сўзлари билан алмаштирилсин»;

р) 5б-иловадаги «Техник хатловдан ўтказиш бюроси», «туман (шаҳар) ер кадастри идорасида», «туман (шаҳар) техник хатловдан ўтказиш бюросига» «(зарур ҳолларда)» ва «туман (шаҳар) кадастр хизматининг» сўзлари тегишли равишда «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг ҳудудий хизмати», «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий хизматига», «(бинонинг параметрлари муҳандислик таъминоти юкламаларини ўзгартирган ҳолда ўзгартирилган тақдирда)» ва «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий хизматининг» сўзлари билан алмаштирилсин»;

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 12 августдаги 387-сон қарорининг 4-бандидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 8-сон, 80-модда) «5» рақами «2» рақами билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 сентябрдаги 413-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 9-сон, 89-модда) билан тасдиқланган Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-бандидаги «беш баравари» сўзлари «икки баравари» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 270 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон қарори)

Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон қарорининг 8-бандига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 5 июнь,
153-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 5 июндаги 153-сон қарорига
ИЛОВА

### Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарори 5-бандининг бешинчи хатбоши (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 9-сон, 51-модда) қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«бюджет ташкилоти балансида бўлган давлат мулкини ижарага беришдан қонун ҳужжатларига мувофиқ олинган маблағларнинг бир қисми».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 2000 йил 23 октябрдаги 411-сон қарори 5-бандининг иккинчи ва учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 271 Айланма маблағларни тўлдириш учун тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш ҳисобига экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ−4058-сон Фармони билан тасдиқланган Иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастурининг 1.5-банди ижросини таъминлаш, шунингдек айланма маблағларни тўлдириш учун тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш ҳисобига экспорт қилувчи корхоналар фаолиятини қўшимча равишда рағбатлантириш, аҳоли бандлигини оширишга ва янги иш ўринлари ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Экспорт қилувчи корхоналарнинг тижорат банкларининг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлари ҳисобига айланма маблағларни тўлдириш учун имтиёзли кредитлар олиш юзасидан мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича кичик гуруҳ (кейинги ўринларда Кичик гуруҳ деб аталади) таркиби 1-иловага* мувофиқ;

Экспорт қилувчи корхоналарнинг тижорат банкларининг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлари ҳисобига айланма маблағларни тўлдириш учун имтиёзли кредитлар олиш юзасидан мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар Кичик гуруҳнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

тижорат банклари томонидан ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлари ҳисобига (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатларига мувофиқ банкларнинг капиталлашувини ошириш учун ажратилган мақсадли маблағлар бундан мустасно) экспорт қилувчи корхоналарга айланма маблағларни тўлдириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш;

товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилиш учун айланма маблағларни тўлдириш учун экспорт қилувчи корхоналарга тижорат банкларининг имтиёзли кредитларини олишда кўмаклашиш.

3. Кичик гуруҳ (Ғаниев) бажарилган ишлар тўғрисидаги ахборотни ҳар чоракда Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастурини амалга оширишни мониторинг ва назорат қилиш бўйича Ишчи гуруҳга кўриб чиқиш учун киритсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 декабрдаги 288-сон қарори

* 1-илова берилмайди.

билан тасдиқланган Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида корхоналарни ва инвестицион фаолликни кредит йўли билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низомга 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

5. Марказий банкка тижорат банклари билан биргаликда икки ҳафта муддатда идоравий норматив ҳужжатларни ва ички ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштириш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 8 июнь,
156-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 8 июндаги 156-сон қарорига
2-ИЛОВА

## Экспорт қилувчи корхоналарнинг тижорат банкларининг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлари ҳисобига айланма маблағларни тўлдириш учун имтиёзли кредитлар олиш юзасидан мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Вақтинчалик низом тижорат банклари томонидан ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлари ҳисобига (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатларига мувофиқ банкларнинг капиталлашувини ошириш учун ажратилган мақсадли маблағлар бундан мустасно) экспорт қилувчи корхоналарга айланма маблағларни тўлдириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш масалаларини кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Вақтинчалик низом мақсадлари учун қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**Ишчи гуруҳ** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ—4058-сон Фармони билан ташкил этилган Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастурини амалга оширишни мониторинг ва назорат қилиш бўйича Ишчи гуруҳ;

**Кичик гуруҳ** — Экспорт қилувчи корхоналарнинг тижорат банклари-

нинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлари ҳисобига айланма маблағларни тўлдириш учун имтиёзли кредитлар олиш юзасидан мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича кичик гуруҳ;

**кредит маблағлари** — Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 70 фоизидан ортиқ бўлмаган ставка бўйича имтиёзли асосда бериладиган тижорат банкларининг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлари ҳисобига (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатларига мувофиқ банкларнинг капиталлашувини ошириш учун ажратилган мақсадли маблағлар бундан мустасно) шаклланадиган маблағлари;

**Ишчи орган** — Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги;

**экспорт қилувчи корхона** — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилган, ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилаётган ёки экспорт қилишни назарда тутаётган корхона;

**банк** — экспорт қилувчи корхонага кредит берадиган тижорат банки.

3. Кредит маблағлари ажратиш, қоидага кўра, кредитни 12 ойгача бериш муддати билан амалга оширилади.

Ушбу Вақтинчалик низом талабларига мувофиқ бўлмаган экспорт қилувчи корхоналарга кредитлар ажратиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банкларнинг ички кредит сиёсатига мувофиқ амалга оширилади.

## II. Кичик гуруҳнинг асосий функциялари

4. Юкланган вазифаларни бажариш доирасида Кичик гуруҳ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан экспорт қилувчи корхоналарнинг кредит ҳужжатлари белгиланган муддатларда ўз вақтида кўриб чиқилишини назорат қилиш;

экспорт қилувчи корхоналарнинг кредит маблағлари олиш бўйича ҳужжатларини кўриб чиқиш;

банкларнинг кредит фаоллигини кенгайтиришга ва экспорт қилувчи корхоналарнинг кредит маблағлари олишига тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этиш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

Тақдим этилган ҳужжатларни тезкорлик билан ва сифатли кўриб чиқиш, шунингдек Кичик гуруҳнинг мажлислари ўтказилишини ўз вақтида ташкил этиш учун Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг буйруғи асосида вазирликнинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва малакали мутахассисларидан Ишчи орган шакллантирилади. Ишчи органга Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг сўрови асосида бошқа вазирликлар ва идоралардан мутахассислар жалб қилиниши мумкин;

## III. Экспорт қилувчи корхоналарга кредит маблағлари ажратиш тартиби

5. Кредит маблағлари банклар томонидан кейинчалик қайта ишлаш, ишлаб чиқариш ва ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилиш учун хом ашё ва материаллар харид қилиш, шунингдек аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида экспорт қилувчи корхоналарнинг айланма маблағларини тўлдириш учун ажратилади.

6. Экспорт қилувчи корхона кредит маблағлари олиш учун Ишчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

кредит маблағлари олиш учун ариза;

ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш учун мўлжалланаётган харидорлар билан тузилган шартномаларнинг нусхалари;

кредит олишнинг мақсадлари ва фойдаланиш йўналишлари, шунингдек мўлжалланаётган сумма, кредитнинг муддати ва фоиз ставкаси, пул маблағларининг прогноз оқими, товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилишга буюртмалар портфелининг тузилиши ва уларни сотиш бозорлари, шунингдек кредитнинг ўзлаштирилиши ва қайтарилишига тааллуқли бўлган бошқа маълумотлар кўрсатилган бизнес-режа;

экспорт қилувчи корхона фаолият кўрсатиши даврида, бироқ охирги 3 йилдан ортиқ бўлмаган даврда экспорт қилувчи корхонанинг молиявий аҳволи тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан давлат солиқ хизмати органлари томонидан тасдиқланган бухгалтерия баланси (1-шакл), молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-шакл), дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотнома (2а-шакл);

кредит бўйича мўлжалланаётган таъминлаш тўғрисидаги маълумотлар (мол-мулк гарови, кафолатлар, кафиллик, суғурта полиси ва бошқалар);

экспорт қилувчи корхонанинг бошқарув органлари томонидан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан маъқулланган маҳсулотлар (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархини, ишлаб чиқаришнинг материаллар сиғими ва энергия сиғимини камайтириш, ишлаб чиқаришнинг рентабеллилиги ва фойда келтирувчанлигини ошириш, молиявий оқимларни бошқаришни такомиллаштириш ва ортиқча штат бирликларини қисқартириш бўйича молиявий режа, шунингдек ушбу молиявий режани амалга ошириш тўғрисидаги маълумотлар, янгидан ташкил этилаётган корхоналар ва/ёки ишлаб чиқаришлар бундан мустасно.

7. Кичик гуруҳ тақдим этилган ҳужжатларни 2 кун мобайнида уларнинг ушбу Низомнинг 6-банди талабларига мувофиқлиги юзасидан кўриб чиқади ва, улар мувофиқ бўлмаган тақдирда, Кичик гуруҳ аъзолари ва банкка юборади.

8. Кичик гуруҳ аъзолари тақдим этилган ҳужжатларни бир ҳафта муддатда кўриб чиқади ва Ишчи органга қуйидаги мезонларга эътиборни қаратган ҳолда ўз хулосаларини тақдим этади:

ишлаб чиқариладиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотишнинг ташқи

бозорлари конъюнктураси ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда экспорт қилувчи корхонани ва тармоқни янада ривожлантириш истиқболлари;

тармоқда экспорт қилувчи корхонанинг аҳамияти, сотиш ҳажмларини кўпайтириш ва экспорт қилувчи корхоналар томонидан товарлар (ишлар, хизматлар)нинг янги турларини ўзлаштириш кўламлари;

жаҳон бозори конъюнктураси нуқтаи назаридан ишлаб чиқариш таклиф қилинаётган товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспортга сотиш истиқболларини, уни экспорт қилиш ҳажмини маркетинг баҳолашни ҳисобга олган ҳолда экспортга йўналтирилган маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар) улушининг мўлжалланаётган ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг камида 80 фоизи даражасида бўлишини таъминлаш;

маҳсулотлар (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархини пасайтириш, ишлаб чиқаришнинг рентабеллилиги ва фойда келтирувчанлигини ошириш бўйича молиявий режанинг бажарилиши, экспорт қилувчи корхонанинг молиявий аҳволи, бюджет олдида, банкларнинг кредитлари, коммунал хизматлар, иш ҳақи бўйича қарзлар мавжудлиги, шунингдек дебиторлик-кредиторлик қарздорлик таҳлили.

9. Ишчи орган Кичик гуруҳ аъзоларининг тегишли хулосалари олинган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида экспорт қилувчи корхонанинг ушбу Вақтинчалик низомнинг 5-банди талабларига мувофиқлиги (номувофиқлиги) тўғрисида қарор қабул қилиш учун Кичик гуруҳ мажлиси ўтказилишини ташкил этади.

Бунда Кичик гуруҳ мажлисига Кичик гуруҳ аъзоларига экспорт қилувчи корхонанинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш ва тақдим этилган бизнес-режани кредит бериш мумкинлиги юзасидан таҳлил қилиш учун банкнинг вакиллари таклиф этилади.

10. Кичик гуруҳнинг қарори тегишли баённома билан расмийлаштирилади ва Ишчи орган томонидан белгиланган тартибда кўриб чиқиш ҳамда қонун ҳужжатларига ва банкнинг ички кредит сиёсатига мувофиқ кредит маблағлари бериш тўғрисида қарор қабул қилиш учун бир кун муддатда банкка тақдим этилади.

11. Экспорт қилувчи корхоналарнинг буюртманомаларини кўриб чиқишда банк экспорт қилувчи корхонадан қонун ҳужжатларига ва банкнинг ички кредит сиёсатига мувофиқ кредит қўмитаси (ёки Кенгаши)нинг қарорини қабул қилиш учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни сўрашга ҳақлидир.

12. Банкнинг кредит қўмитаси (ёки Кенгаши) кредит бўйича ҳужжатлар банкка топширилган кундан бошлаб ўн кун мобайнида тегишли қарор қабул қилади.

13. Банкнинг кредит қўмитаси (ёки Кенгаши)нинг кредит маблағлари бериш тўғрисидаги ижобий қарори тегишли баённома билан расмийлаштирилади ҳамда экспорт қилувчи корхонага ва Ишчи органга юборилади.

Кредит маблағлари бериш тўғрисида ижобий қарор қабул қилинган тақдирда банк бир кун муддатда экспорт қилувчи корхона билан кредит шартномаси тузади.

14. Банкнинг кредит қўмитаси (ёки Кенгаши) томонидан кредит маблағлари бериш рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда банк банкнинг кредит қўмитаси (ёки Кенгаши)нинг тегишли қарори қабул қилинган кундан бошлаб уч кундан кеч бўлмаган муддатда рад этишнинг асосланган сабабларини кўрсатган ҳолда экспорт қилувчи корхонани ва Ишчи органни ёзма равишда хабардор қилади.

## IV. Кредит маблағларидан фойдаланиш мониторингини олиб бориш тартиби

15. Банк қонун ҳужжатларига, кредит шартномасига ва банкнинг ички кредит сиёсатига мувофиқ берилган кредит маблағларидан фойдаланилишининг мониторингини олиб боради.

16. Берилган кредитлардан бошқа мақсадларда фойдаланилган тақдирда банк кредитни тузилган кредит шартномасига мувофиқ корхонанинг банкдаги талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақамидан муддатидан олдин ундириб олишга ҳақлидир.

17. Банк ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ва Ишчи органга дастлаб берилган кредит суммасини, кредит бўйича қарз қолдиғини, ҳисобланган ва тўланган фоиз тўловлари суммасини, кредит маблағларидан мақсадли фойдаланганлик ва кредит мониторинги амалга оширилганлиги тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда экспорт қилувчи корхоналар бўйича ахборотни тақдим этади.

18. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳар ойда Ишчи органга экспорт қилувчи корхоналар томонидан тузилган экспорт контрактлари натура ва қиймат ифодасида амалда бажарилганлиги тўғрисидаги маълумотларни юборади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 8 июндаги 156-сон қарорига
3-ИЛОВА

## Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 декабрдаги 288-сон қарори билан тасдиқланган Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида корхоналарни ва инвестицион фаолликни кредит йўли билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 4-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«тадбиркорлик субъектлари томонидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлдириш мақсадида замонавий асбоб-ускуналар ва мини-технологиялар сотиб

олиш, шунинг ҳисобига қўшимча иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли даромадини ошириш».

2. 8-бандда:

иккинчи — бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Мақсадли маблағлар ҳисобига кредитлар, қоидага кўра, имтиёзли шартларда, инвестиция мақсадлари учун камида 1 йиллик имтиёзли давр билан камида 3 йил муддатга ажратилади»;

олтинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3. 9-банднинг иккинчи хатбошидаги «айланма капиталини тўлдириш учун назарда тутилган кредитлар, шунингдек» сўзлари чиқариб ташлансин.

4. 20-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«20. Мақсадли маблағлар ҳисобига кредит олиш учун корхона Ишчи органга ушбу Вақтинчалик низомнинг 11-бандида назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этади.».

5. 22-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 272 Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда рухсатномалар олиш тартиботларини такомиллаштириш ва соддалаштириш тўғрисида

Тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда рухсатномалар олиш тартиботларини такомиллаштириш ва соддалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 10 июнь,
158-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 10 июндаги 158-сон қарорига
ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 7-сон, 63-модда) билан тасдиқланган Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 7-банднинг учинчи хатбошидаги «қўшимча равишда» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 8-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рухсатнома бериш уч иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади. Лаборатория синовларини ўтказиш харажатларини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида декларацияланган тарифлар бўйича, бироқ бир турдаги маҳсулот бўйича энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ортиқ бўлмаган суммада тўлов ундирилади»;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ўз фаолиятини қишлоқ жойларда амалга ошираётган тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни синовдан ўтказишда тўлов бир турдаги маҳсулот бўйича энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан ортиқ бўлмаган суммада ундирилади»;

в) 9-банднинг биринчи жумласига «ишлаб чиқариш объектини» сўзларидан кейин «сақлаш шарт-шароитларини» сўзлари қўшилсин;

г) 11-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«11. Ветеринария ва фитосанитария хулосалари олиниши ҳисобга олинган ҳолда гигиеник сертификатни расмийлаштириш ва бериш муддати тегишли синов методлари учун норматив ҳужжатларда назарда тутилган муддатларга қараб белгиланади»;

д) 12-бандда:

«энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан» сўзлари «бир турдаги маҳсулот бўйича энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ўз фаолиятини қишлоқ жойларда амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларига гигиеник сертификат беришда тўлов бир турдаги маҳсулот бўйича энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан ортиқ бўлмаган суммада ундирилади»;

е) 14-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Четдан олиб келинаётган маҳсулотга гигиеник сертификат маҳсулот-

нинг яроқлилик даврига, яроқлилик муддатига эга бўлмаган маҳсулотга эса — муддати кўрсатилмасдан берилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 27 январдаги 32-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 1-сон, 4-модда):

а) 1-илова (Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари)нинг 20-бандида:

биринчи хатбошига «белгиланган тартибда» сўзларидан кейин «бир ой муддатда» сўзлари қўшилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Тадбиркорлик субъектларини электр тармоқларига улаш учун техник шартлар тадбиркорлик субъектларининг ёхуд туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими)нинг буюртмасига кўра уч кундан ортиқ бўлмаган муддатда берилади»;

б) 2-илова (Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари)нинг 22-бандига қуйидаги мазмундаги ўн бешинчи хатбоши қўшилсин:

«Тадбиркорлик субъектларини иссиқлик тармоқларига улаш учун техник шартлар тадбиркорлик субъектларининг ёхуд туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими)нинг буюртмасига кўра уч кунда ортиқ бўлмаган муддатда, дастлабки шартлар берилмасдан берилади»;

ўн бешинчи хатбоши ўн олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 273 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 апрелдаги ПҚ–1087-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 апрелдаги ПҚ–1087-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 11 июнь,
159-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 11 июндаги 159-сон қарорига
1-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 3 ноябрдаги 498-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий муҳандислик-қурилиш тузилмалари тўғрисидаги низом 1-бандининг биринчи хатбошидаги «Ҳукумат алоқа хизмати» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Частота спектридан фойдаланиш, телерадиодастурларни шакллантириш ва тарқатиш ҳамда маълумотлар узатиш самарадорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 10 июлдаги 293-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 7-сон, 26-модда):

а) Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссияси тўғрисидаги низом 10-бандининг тўртинчи хатбошидаги «Ҳукумат алоқа хизмати» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Махсус алоқа хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиб олиш (бериш), лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш), ишлатиш ҳамда чет элдан келтириш тартиби тўғрисидаги низом 2-бандининг «б» кичик бандидаги «Ҳукумат алоқа хизмати» сўзлари чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида бошқарувни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2002 йил 23 сентябрдаги 328-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 9-сон, 53-модда):

а) Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низом 14-бандининг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳукумат алоқа хизмати» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Махсус алоқа хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Ўзбекистон Республикаси радиочастоталар бўйича Давлат комиссияси тўғрисидаги низом 9-бандининг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ҳукумат алоқа хизмати» сўзлари чиқариб ташлансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 11 июндаги 159-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотаётган қарорлари рўйхати**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 1997 йил 23 октябрдаги 482-сон қарори 1-бандининг «а» кичик банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 10-сон, 34-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида бошқарувни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2002 йил 23 сентябрдаги 328-сон қарорига 5-илованинг 1-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 9-сон, 53-модда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 274 «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган маълумотларни эълон қилишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

«Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг «Биржа» газетасини «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган маълумотлар (кейинги ўринларда банкротлик тўғрисидаги маълумотлар деб аталади) эълон қилинадиган расмий нашр (кейинги ўринларда расмий нашр деб аталади) этиб белгилаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, расмий нашр:

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида камида 5000 нусхада тарқатилади ва банкротлик тўғрисидаги маълумотларнинг ҳар ҳафтада эълон қилинишини таъминлайди. Банкротлик тўғрисидаги маълумотлар матнлари давлат тилида эълон қилинади ва бошқа тилларга таржима қилиниши мумкин;

банкротлик тўғрисидаги маълумотларни улар манфаатдор шахслардан олингандан ва эълон қилинганлик ҳақи тўлиқ ҳажмда тўлангандан кейин ўн кун мобайнида эълон қилади;

банкротлик тўғрисидаги маълумотларнинг газетанинг Интернетдаги сайтида қўшимча ҳақ ундирилмасдан жойлаштирилишини, шунингдек сайтда жойлаштирилган маълумотлардан бепул фойдаланилишини таъминлайди;

банкротлик тўғрисидаги маълумотларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўз вақтида қабул қилиб олинишини ҳамда кўрсатиб ўтилган маълумотларни эълон қилиш бўйича расмий нашр хизматлари учун тўловларни, шу жумладан электрон тўловлар тизими орқали таъминлайди.

3. Белгилансинки:

банкротлик тўғрисидаги маълумотларни расмий нашрда эълон қилиш қиймати, шрифтнинг йириклиги камида 7 пункт ва интерлиньяжи камида 8 пункт бўлган тақдирда, қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда бир квадрат сантиметр учун энг кам ойлик иш ҳақининг 1,0 фоизидан ошиши мумкин эмас;

банкротлик тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 11 июнь,
160-сон

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

### 275 Бюджет ташкилотлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган давлат мулкини бошқа корхона ва ташкилотларга ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 869-2*

*(2009 йил 20 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сонли «Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 15-сон, 186-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан 1999 йил 23 ноябрдаги 88-сон ва 1999 йил 29 ноябрдаги 17-сон билан тасдиқланган «Бюджет ташкилотлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган давлат мулкини бошқа корхона ва ташкилотларга ижарага бериш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 869, 2000 йил 7 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 йил, 1-сон);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2001 йил 6 сентябрдаги 102 ва 10-1-262-сон «Бюджет ташкилотлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган давлат мулкини бошқа корхона ва ташкилотларга ижарага бериш тартиби тўғрисида»ги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарори (рўйхат рақами 869-1, 2001 йил 10 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси 2001 йил, 17-сон).

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири** **Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 2 июнь,
59-сон

**Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси раиси** **Д. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 2 июнь,
01-16-18/13-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИНИНГ
ҚАРОРИ

## 276 Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишга қамраб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 11 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1964***

***(2009 йил 21 июндан кучга киради)***

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 473-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Халқ таълими вазирлиги,

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази **қарор қилади:**

1. «Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишга қамраб олиш тартиби тўғрисида низом» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. «Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишга қамраб олиш тартиби тўғрисида»ги Вақтинчалик низом (2008 йил 26 март, рўйхат рақами 1779 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 12-13-сон, 79-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

**Давлат тест маркази директори** **Б. ИСМОИЛОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 20 май,
16/ҚҚ-сон

**Халқ таълими вазири** **Ғ. ШОУМАРОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 20 май,
22-сон

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири** **А. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 20 май,
155-сон

**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори** **З. САТТОРОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 20 май,
25 Қ/Қ-сон

Давлат тест маркази, Халқ таълим
вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими
марказининг 2009 йил 20 майдаги 16/ҚҚ,
22, 155, 25/ҚҚ-сон қарорига
ИЛОВА

## Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишга қамраб олиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 473-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил 20-сон, 199-модда) мувофиқ, умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини (кейинги ўринларда битирувчилар деб юритилади) ўзлари ва ота-оналари (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) томонидан ихтиёрий равишда танланган таълим йўналиши (мутахассислик) бўйича академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига қамраб олиш тартибини белгилайди.

### II. Битирувчиларнинг ҳужжатларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига топшириш ҳамда қабул қилишни ташкил этиш

2. Халқ таълими тизимида ўтказилган психологик-педагогик ташхис натижаларига мувофиқ, битирувчиларнинг ўзлари ва ота-оналари (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) томонидан танланган таълим йўналиши (мутахассислик) бўйича академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишни давом эттиришлари тўғрисидаги аризалари асосида умумий ўрта таълим мактабларида ҳужжатлар йиғма жилди шакллантирилади.

3. Жойларда ўн икки йиллик мажбурий таълим тизимига тўлиқ ўтиш масалаларини ҳал этиш, битирувчилар ва ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ва меҳнат бозорида талаб этилаётган мутахассисликлар (касблар) тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлишларини таъминлаш ҳамда улар учун барча қулайликлар яратиш мақсадида ҳар бир туман (шаҳар) ҳокимлиги қошида доимий фаолият кўрсатувчи мувофиқлаштириш маркази (штаб) ташкил этилади. Ушбу мувофиқлаштириш марказларига жойлардаги манфаатдор идора ва жамоат ташкилотлари вакиллари жалб этилади.

4. Қуйидагилар ҳар бир туман (шаҳар) ҳокимлиги қошида доимий фао-

лият кўрсатувчи мувофиқлаштириш маркази (штаб)нинг вазифалари этиб белгиланади:

барча умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф раҳбарлари билан биргаликда битирувчи ўқувчилар, уларнинг ота-оналари орасида 9-синф ўқувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига жалб қилиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришни ташкил этиш ва назорат қилиш;

умумий ўрта таълим мактабларининг битирувчи ўқувчилари ва ота-оналари учун улар танлаган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида «Очиқ эшиклар куни»ни ва унда таълим муассасасининг барча шарт-шароитлари билан таништириш бўйича кенг қамровли ишларни амалга оширилишини, барча битирувчилар ва уларнинг ота-оналарининг бу жараёнда иштирок этишини таъминлаш;

битирувчиларни академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига қамраб олиш жараёнида низоли ҳолатлар вужудга келганда, тегишли ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармасига масалани ҳал этиш бўйича таклиф киритиш.

5. Ўқувчиларни қабул қилиш даврида ҳар бир академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида белгиланган тартибда маслаҳат марказлари ташкил этилади.

6. Умумий ўрта таълим мактаблари директорлари битирувчиларнинг тўлиқ ҳужжатлар йиғма жилдини битирувчи ҳамда ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг бевосита иштирокида тегишли академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари маслаҳат марказига топширадилар.

Ҳужжатлар йиғма жилдини битирувчи ёки унинг ота-онаси (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар)га бериб юбориш ман этилади.

Умумий ўрта таълим мактаби битирувчисининг ҳужжати қабул қилинганлиги тўғрисида умумий ўрта таълим мактаби ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси директорлари ўртасида топшириш-қабул қилиш далолатномаси тузилади ва бундай далолатнома тўрт нусхада расмийлаштирилади.

Далолатноманинг нусхалари ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва халқ таълими ҳудудий бошқармаларида, умумий ўрта таълим мактаби ҳамда академик лицей ёки касб-ҳунар коллежлари директорларида сақланади.

7. Қамраб олиш имкониятлари доирасида ўқиш истагини билдирган битирувчилар аризаларига кўра академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ўқувчилар сафига тўғридан-тўғри тенг шартларда (имтиёзларсиз) қабул қилинади.

8. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси тасарруфидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида мутахассислар тайёрлаш жараёнининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси билан келишилган ҳолда ушбу таълим муассасаларига битирувчиларини қамраб олиш вақтида ижодий синовлар ўтказилиши мумкин.

9. Битирувчилардан тушган аризалар сони академик лицей ёки касб-ҳунар коллежи учун тасдиқланган қабул кўрсаткичларидан юқори бўлганда, ҳар йили 1 июлгача Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига ўқувчилар учун қўшимча ўринлар ажратиш ёки битирувчилар орасида саралаш тест-синовлари ўтказиш бўйича таклифлар киритади.

10. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан киритилган таклиф бўйича тегишли қарор қабул қилади.

Давлат комиссиясининг қарорига мувофиқ, саралаш тест-синовлари белгиланган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказилади.

11. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг қарорига мувофиқ тегишли ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида умумий ўрта таълим мактабларининг қуйидаги фан дастурлари асосида саралаш тест-синовлари ўтказилади:

академик лицейларнинг — аниқ фанлар, касб-ҳунар коллежларининг — таълим, фан ҳамда муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари бўйича: математика, физика, она тили ва адабиёт (ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, қорақалпоқ тили ва адабиёти);

академик лицейларнинг — хорижий филология, касб-ҳунар коллежларининг — ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ бўйича: чет тили, она тили ва адабиёт (ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, қорақалпоқ тили ва адабиёти), тарих (бизнес йўналиши учун математика);

академик лицейларнинг — табиий фанлар, касб-ҳунар коллежларининг — қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот бўйича: кимё, биология, она тили ва адабиёт (ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, қорақалпоқ тили ва адабиёти);

академик лицейларнинг — ижтимоий гуманитар фанлар, маданият ва санъат, касб-ҳунар коллежларининг — хизматлар: чет тили, она тили ва адабиёт (ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, қорақалпоқ тили ва адабиёти), тарих.

12. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида саралаш тест-синовларини ўтказиш бўйича йўриқнома ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

13. Тест-синовлари ўтказилиши белгиланган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида саралаш тест-синовларини ўтказиш учун 11 ёки 13 нафар аъзолардан иборат комиссияси тузилади (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади).

Комиссиянинг таркибига ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси директори, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва халқ таълими ҳудудий бошқармалари, туман (шаҳар) ҳокимлиги, халқ таълими бўлимининг биттадан вакиллари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқитувчилари киритилади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси директори Комиссия раиси ҳисобланади.

Саралаш тест-синовларини ўтказиш жараёнида умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари ҳамда ота-оналарнинг 4-5 нафар вакили кузатувчи сифатида иштирок этади.

Комиссия саралаш тест-синовлари адолатли, ошкоралик тамойиллари асосида, тартибли ва хавфсизлик чоралари кўрилган ҳолатда ўтказилишини таъминлайди.

14. Умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадаларида 1 — 5 ўринларни эгаллаган битирувчилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги «Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги 226-сон қарори асосида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига қабул қилинади.

15. Имкониятлари чекланган битирувчилар Ўзбекистон Республикасининг ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежларига таълим олувчи имкониятлари чекланган шахслар учун мутахассисликлар ва касблар рўйхатига мувофиқ, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий маслаҳат комиссиялари хулосалари ва тавсиялари ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаларининг, туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимларининг йўлланмаси асосида қабул қилинади.

16. Ушбу Низомнинг 8, 11, 14 ва 15-бандларида белгиланган тартиб асосида қамраб олинмаган битирувчиларнинг ҳужжатлари битирувчилар ва уларнинг ота-оналари (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) розилиги билан қамраб олиш имконияти мавжуд бўлган бошқа ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларига ўтказилади.

17. Битирувчиларни қамраб олиш имконияти мавжуд бўлган бошқа ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларига ўтказишда тегишли академик лицей ёки касб-ҳунар коллежлари директорлари томонидан ҳужжатларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси (4 нусхада) расмийлаштирилади. Далолатноманинг нусхалари ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва халқ таълими ҳудудий бошқармаларида, умумий ўрта таълим мактаби ҳамда академик лицей ёки касб-ҳунар коллежлари директорларида сақланади.

Мазкур жараён ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси ва халқ таълими бошқармаси томонидан мувофиқлаштирилиб борилади.

18. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари томонидан битирувчиларини қамраб олиш имкониятлари мавжуд бўлган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг мутахассислик (йўналиш)лари тўғрисидаги аниқ маълумот ўз вақтида жойларда тузилган маслаҳат марказлари ҳамда халқ таълими бошқармаларига бериб борилади.

19. Битирувчиларни академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига қамраб олиш жараёнида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида баҳсли ёки низоли ҳолат вужудга келганда, тегишли ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармасидан олинган таклифларни инобатга олган ҳолда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида Ўзбекистон Республикаси таълим муасса-

саларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилади.

20. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва халқ таълими ҳудудий бошқармалари битирувчиларни академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига тўлиқ қамраб олинганлиги тўғрисида маълумотларни умумлаштириб, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказига ёзма ахборот беради.

21. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда Халқ таълими вазирлиги битирувчиларнинг академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига тўлиқ қамраб олинганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига ҳисобот беради.

22. Битирувчиларнинг академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига тўлиқ қамраб олинишига ва ушбу Низом асосида битирувчиларнинг ҳужжатларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига тўлиқ ва ўз вақтида топширилишига Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва Халқ таълими вазирлиги, шунингдек умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари директорлари масъулдир.

## III. Битирувчиларни академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига қамраб олиш муддатлари ва ўқувчилар қабулини расмийлаштириш

23. Умумий ўрта таълим мактаблари директорлари ҳар йили:

30 майгача барча умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчиларидан уларнинг ота-оналари билан келишилган ҳолда қайси академик лицей ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни давом эттириши тўғрисида аризалар олинишини;

10 июнгача мактабларда битирув синовлари якунланишини, 14 июнга қадар битирувчиларнинг шаҳодатномалари расмийлаштирилишини ҳамда битирувчилар ҳужжатларининг йиғма жилдларини шакллантирилишини;

20 июнгача битирувчиларнинг аризалари асосида ўрнатилган тартибда йиғма жилдларни тегишли академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига топширилишини таъминлайди.

24. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорлари ҳар йили 23 июнга қадар:

умумий ўрта таълим мактаблари директорларидан қабул қилинган битирувчилар ҳужжатларининг йиғма жилдлари асосида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг тасдиқланган қабул кўрсаткичларига мувофиқ битирувчиларни қабул қилиш бўйича буйруқларни расмийлаштиради;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг тасдиқланган қабул кўрсаткичларидан битирувчилар ҳужжатлари ортиқ тушган ҳолда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармасига ва ҳар бир туман (шаҳар) ҳокимлиги қошида доимий фаолият кўрсатувчи мувофиқлаштириш маркази (штаб)га тегишли маълумот киритади.

25. Ҳар йили 26 июнгача ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий

бошқармалари жойларда ўн икки йиллик мажбурий таълим тизимига тўлиқ ўтиш масалаларини ҳал этиш бўйича ҳар бир туман (шаҳар) ҳокимлиги қошида доимий фаолият кўрсатувчи мувофиқлаштириш марказ (штаб)лардан олинган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида муайян йўналиш ёки мутахассислик бўйича ўқиш истагини билдирган битирувчилар тўғрисидаги маълумотни умумлаштириб, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказига тақдим этади.

26. Битирувчиларни академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига тўлиқ қамраб олиш жараёни 1 августгача якунланади ва 10 кун муддатда уларни ўқувчилар сафига қабул қилиш буйруғи ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари директорлари томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

27. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳужжатларини ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қабул қилиш ва уларни ўқитиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

## IV. Битирувчиларни академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқитиш билан қамраб олишни назорат қилиш

28. Мажбурий ўқишни давом эттириш учун битирувчиларга тўсқинлик қилаётган умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг мансабдор шахслари, шунингдек ўқувчиларнинг ота-оналари (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

## V. Якуний қоида

29. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Бадиий академияси билан келишилган.

***Маданият ва спорт ишлари вазири*** — *А. ЖАББОРОВ*

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 20 май*

***Бадиий академия раиси*** — *Т. ҚЎЗИЕВ*

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 20 май*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## 277 Почта ва телекоммуникация ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 11 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1965*

*(2009 йил 21 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон қарори билан тасдиқланган «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қоида ва нормаларни қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш Дастури» (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Почта ва телекоммуникация ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири в.б. А. ХАИТОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 27 май,
27/Б-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирининг
2009 йил 27 майдаги 27/Б-сонли буйруғига
ИЛОВА

## Почта ва телекоммуникация ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг НАМУНАВИЙ МЕЪЁРЛАРИ

| Т/р | Касб ва лавозим номлари | Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари | Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида) |
|---|---|---|---|
| **I. Почта алоқаси ва матбуотни тарқатиш ходимлари учун** | | | |
| 1. | Почтачи (барча даражадаги) | **Почтани кузатиш ва алмашиш бўйича ишларни бажаришда**: | |
| | | Қалпоқчали сув ўтказмайдиган плаш | Навбатчи |
| | | Ип газлама костюм | 18 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 36 |
| | | Чарм пойабзал | 6 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 6 |
| | | **Почта жўнатмаларини етказиш бўйича ишларни бажаришда қўшимча равишда**: | |
| | | Ип газлама костюм | 18 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | **Матбуот ва хат-хабарларни етказиш бўйича ишларни бажаришда:** | |
| | | Қалпоқчали сув ўтказмайдиган плаш | Навбатчи |
| | | Иссиқ тутувчи астарли куртка | 36 |
| | | Чарм пойабзал | 6 |
| | | Кирза ёки резина этик (қишлоқ почтачилари учун) | 6 |
| | | Ип газлама костюм | 18 |
| | | **Почта қутисидан хатларни олишда қўшимча равишда:** | |
| | | Резина қўлқоп | 1 |
| 2. | Алоқа оператори | **Почта алмашиш бўйича ишларни бажаришда:** | |
| | | Ип газлама халат | 12 |
| | | Қалпоқчали сув ўтказмайдиган плаш | Навбатчи |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 36 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 3 |
| | | **Почта вагонлари билан почта алмашишда қўшимча равишда:** | |
| | | Сигнал нимчаси | Навбатчи |

| Т/р | Касб ва лавозим номлари | Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари | Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида) |
|---|---|---|---|
| | | **Почтага ишлов бериш бўйича ишларни бажаришда:** | |
| | | Ип газлама халат | 12 |
| | | Резина қўлқоп | 1 |
| | | **Очиқ ҳавода жўнатма ва матбуотни юклаш ва тушириш бўйича ишларида:** | |
| | | Ип газлама халат | 12 |
| | | Қалпоқчали сув ўтказмайдиган плаш | Навбатчи |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 3 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 36 |
| | | **Жўнатмаларни қабул қилиш ва бериш бўйича ишларни бажаришда:** | |
| | | Ип газлама халат | 12 |
| | | **Ўтказмаларга ишлов беришда:** | |
| | | Ип газлама халат | 12 |
| 3. | Почта вагонларининг кузатувчи-электромонтёри | Ип газлама костюм ёки ип газлама халат | 18 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 36 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 3 |
| | | **Яхлит металл вагонларга хизмат кўрсатишда қўшимча равишда**: | |
| | | Диэлектрик калиш | Навбатчи |
| | | Диэлектрик қўлқоп | Навбатчи |
| 4. | Почта алоқаси ва матбуот тарқатиш ускуналарини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш билан банд бўлган алоқа электромеханиги ва электромонтёрлар | Ип газлама халат | 12 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 36 |
| | | Диэлектрик калиш | Навбатчи |
| | | Диэлектрик қўлқоп | Навбатчи |
| 5. | Дурадгор | **Почта қутиларини ўрнатиш бўйича ишларда:** | |
| | | Ип газлама комбинезон | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 3 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 36 |
| 6. | Почта жўнатмалари ва даврий нашрларни (барча даражадаги) сараловчи | Ип газлама халат | 12 |
| | | Ип газлама қўлқоп | 3 |
| | | Резина қўлқоп | 1 |
| | | **Очиқ ҳавода жўнатмалар ва матбуотни юклаш ва тушириш бўйича ишларда:** | |
| | | Ип газлама халат | 12 |
| | | Қалпоқчали сув ўтказмайдиган плаш | Навбатчи |

| Т/р | Касб ва лавозим номлари | Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари | Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида) |
|---|---|---|---|
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 3 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 36 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| 7. | Озиқ-овқат маҳсулоти бўлмаган товарлар сотувчиси | Ип газлама халат | 12 |
| | | Беш бармоқли қўлқоп | 3 |
| 8. | Экспедиторлар | Ип газлама халат | 12 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 36 |
| 9. | Фельдъегерь | Ип газлама костюм | 18 |
| | | Қалпоқчали сув ўтказмайдиган плаш | Навбатчи |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 36 |
| 10. | Телеграммаларни элтиб берувчи | Ип газлама костюм | 18 |
| | | Қалпоқчали сув ўтказмайдиган плаш | Навбатчи |
| | | Чарм пойабзал | 6 |
| | | Кирза ёки резина этик (қишлоқ почтачилари учун) | 6 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 36 |
| | | **II. Телекоммуникация ходимлари учун** | |
| 11. | Антенначи | **Алоқа иншоотларига бевосита техник хизмат кўрсатиш бўйича ишларни бажаришда**: | |
| | | Ип газлама костюм | 12 |
| | | Сув ўтказмайдиган плаш | Навбатчи |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 36 |
| | | Чарм пойабзал | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 3 |
| | | Чарм қўлқоп | 6 |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Яроқсиз бўлгунча |
| | | Каска | Навбатчи |
| | | Диэлектрик қўлқоп | Навбатчи |
| | | Монтёрлар белбоғи | Навбатчи |
| | | **Қишда баланд тоғли ҳудудларда ташқаридаги ишларни бажаришда қўшимча равишда:** | |
| | | Мўйнали ип газлама костюм | 48 |
| | | Телпак-қулоқчин | 36 |

| Т/р | Касб ва лавозим номлари | Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари | Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида) |
|---|---|---|---|
| 12. | Муҳандис; радиооператор; радио монтажчи; алоқа электромеханиги; алоқа электромонтёри | **Станция ускунаси ва аппаратурасини таъмирлаш, монтаж қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича ишларни бажаришда:** | |
| | | Ип газлама халат | 12 |
| | | Шиппак | 12 |
| | | Диэлектрик калиш ёки ботинка | Навбатчи |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Навбатчи |
| | | Диэлектрик қўлқоп | Яроқсиз бўлгунча |
| | | **Телемарказ, радиостанциялар ва таъмирлаш устахоналарида ишлаганда қўшимча равишда**: | |
| | | Асбест қўлқоп | Навбатчи |
| | | Ҳимояловчи ниқоб | Яроқсиз бўлгунча |
| 13. | Электромеханик; радио реле ускунасига хизмат кўрсатувчи электромонтёр | **Радио реле ускуналарига хизмат кўрсатиш бўйича ишларни бажаришда:** | |
| | | Ип газлама халат | 12 |
| | | Шиппак | 12 |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Навбатчи |
| | | Диэлектрик калиш | Навбатчи |
| | | Диэлектрик қўлқоп | Навбатчи |
| | | **Қишда баланд тоғли ва чиқиш қийин бўлган ҳудудлардаги станцияларга хизмат кўрсатишда қўшимча равишда:** | |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 36 |
| | | Кирза этик | 24 |
| 14. | Электромеханик; телефон тармоғи ва радиофикация линия иншоотларининг таксофонларига хизмат кўрсатувчи алоқа электромонтёри; ҳаво алоқа линияларида ишлашда кабелчи-кавшарловчи | Ип газлама костюм | 12 |
| | | Қалпоқчали сув ўтказмайдиган плаш | Навбатчи |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 36 |
| | | Чарм пойабзал | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 3 |
| | | Каска | 5 |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Яроқсиз бўлгунча |
| | | Диэлектрик қўлқоп | Навбатчи |
| | | Диэлектрик калиш | Навбатчи |
| | | Монтёрлар белбоғи | Навбатчи |
| 15. | Канализация алоқа иншоотларининг электромонтёри, электромеханиги; қудуқлардаги ишларда кабелчи-кавшарловчи | Ип газлама комбинезон | 12 |
| | | Сув ўтказмайдиган плаш | Навбатчи |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 36 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 3 |

| Т/р | Касб ва лавозим номлари | Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари | Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида) |
|---|---|---|---|
| | | Резина этик | 12 |
| | | Газ анализатори | Навбатчи |
| 16. | Телеграфчи — оператор; телефончи — оператор; дисплейда ва компьютерда доимий ишловчи оператор; дастурчи | Ип газлама халат | 12 |
| | | Чарм шиппак | 12 |
| 17. | Электр билан таъминловчи қурилмаларнинг электромонтёри; аккумуляторчи | **Электр билан таъминловчи қурилмаларда ишлаганда:** | |
| | | Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм | Навбатчи |
| | | Резина фартук | 12 |
| | | Калта резина этик | 3 |
| | | Кислотага чидамли қўлқоп | Яроқсиз бўлгунча |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Яроқсиз бўлгунча |
| | | Респиратор | Яроқсиз бўлгунча |
| | | Диэлектрик калиш | Навбатчи |
| | | Диэлектрик қўлқоп | Навбатчи |
| 18. | Алоқа электромеханиги; алоқа электромонтёри | **Қишлоқ телефон алоқа станциялари ва радио узелларига хизмат кўрсатишда:** | |
| | | Сув ўтказмайдиган плаш | Навбатчи |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 36 |
| | | Чарм пойабзал | 12 |
| | | Кирза этик | 24 |
| | | **Охирги ва абонент пунктлари ҳамда шаҳар алоқа бўлимларидаги телеграф аппаратурасига хизмат кўрсатишда**: | |
| | | Қалпоқчали сув ўтказмайдиган плаш | Навбатчи |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | Чарм пойабзал | 12 |
| | | Қишлоқ жойларда кирза этик | 24 |
| | | **Ёзда қўшимча равишда**: | |
| | | Ип газлама куртка | 12 |
| 19. | Электромонтёр; электромеханик; электрон ҳисоблаш машиналарига хизмат кўрсатувчи муҳандис | **Электрон ҳисоблаш машиналарида хизмат кўрсатишда**: | |
| | | Ип газлама халат | 12 |
| | | Шиппак | 12 |
| | | Диэлектрик калиш | Навбатчи |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Навбатчи |
| | | Диэлектрик қўлқоп | Яроқсиз бўлгунча |
| 20. | Электр ускуналарга хизмат кўрсатувчи ва таъмирловчи электромонтёр; электромеханик; муҳандис | **Электр ускуналарга хизмат кўрсатишда**: | |
| | | Ип газлама костюм | 12 |
| | | Чарм пойабзал | 12 |

| Т/р | Касб ва лавозим номлари | Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари | Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида) |
|---|---|---|---|
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 1 |
| | | Диэлектрик калиш | Навбатчи |
| | | Диэлектрик қўлқоп | Навбатчи |
| 21. | Телеграф ва телетайп аппаратларини таъмирловчи ва уларга хизмат кўрсатувчи электромеханик | Ип газлама халат | 12 |
| | | Қалпоқчали сув ўтказмайдиган плаш | Навбатчи |
| | | Чарм пойабзал | 12 |
| 22. | Ёрдамчи ишчи (кўчаларда ўрнатилган автомат-телефонларни тозалайдиган ва ювадиган) | Ип газлама халат | 12 |
| | | Резина калиш | 12 |
| | | Резина қўлқоп | 6 |
| | | **Қишда қўшимча равишда**: | |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| 23. | Баланд тоғлардаги радиореле ва телевизион ретрансляция станцияларининг ходимлари | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 24 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 24 |
| | | Чарм пойабзал | 12 |
| | | Мўйнали ип газлама костюм ёки калта пўстин | 48 |
| | | Телпак — қулоқчин | 36 |
| | | Кирза этик | 12 |
| | | Мўйнали қўлқоп | 24 |
| | | Сув ўтказмайдиган юпқа куртка | Навбатчи |
| | | Сақловчи белбоғ | Навбатчи |
| **III. Қурилиш, қурилиш-монтаж ва таъмирлаш-қурилиш ишларида банд бўлган ходимлар учун** | | | |
| 24. | Алоқа кабель — монтажчиси ва монтажчи-кавшарловчи | **Алоқа линия иншоотларини қуриш, фойдаланиш ва таъмирлашда:** | |
| | | Ип газлама комбинезон | 12 |
| | | Резиналанган калта плаш | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 1 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 36 |
| | | Кирза этик | 12 |
| | | Резина этик | Навбатчи |
| 25. | Алоқа монтажчи-антенначилар; Монтажчи-линиячилар | Ип газлама комбинезон | 12 |
| | | Резиналанган калта плаш | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 1 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 3 |
| | | Чарм пойабзал | 12 |
| | | Ҳимояловчи каска | Навбатчи |
| | | Монтёрлар белбоғи | Навбатчи |
| | | **Симёғочларга антисептикларни шимдириш бўйича ишларни бажаришда**: | |
| | | Брезент костюм ип газлама комбинезон ўрнига | 12 |

| Т/р | Касб ва лавозим номлари | Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари | Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида) |
|---|---|---|---|
| 26. | Станция ускунасини монтаж қилиш бўйича алоқа монтажчилари | **Технологик ускунани монтаж қилишда**: | |
| | | Ип газлама костюм | 12 |
| | | Шиппак | 12 |
| 27. | Дурадгорлар | Ип газлама костюм | 12 |
| | | Чарм пойабзал | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 2 |
| | | **Қишда ташқаридаги ишларни бажаришда қўшимча равишда**: | |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 36 |
| 28. | Чилангар-сантехниклар | Ип газлама комбинезон | 12 |
| | | Қаттиқ тагчармли чарм пойабзал | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 1 |
| | | **Канализация тармоғи ва ассенизация қурилмаларини таъмирлаш бўйича ишларни бажаришда**: | |
| | | Брезент костюм | 18 |
| | | Резина этик | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 2 |
| | | Резина қўлқоп | Навбатчи |
| 29. | Катта прораб; уста-прораб; участка механиги; меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техник муҳандиси | Ип газлама костюм | 18 |
| | | Қалпоқчали сув ўтказмайдиган плаш | 24 |
| | | **Қишда қўшимча равишда**: | |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| 30. | Автомобиль ҳайдовчиси | **Юк автомобили ва махсус автомобилни, автокран ва шатакчи автомобилни бошқаришда:** | |
| | | Ип газлама комбинезон ёки костюм | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 8 |
| | | **Қишда шаҳарлараро узоққа юк ташишда қўшимча равишда**: | |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 36 |
| 31. | Мототранспорт воситалари ҳайдовчиси; юкловчи транспортнинг ҳайдовчиси ва автогрейдер машинисти; тракторчи | **Юк ташувчи ва мототранспорт воситалари ҳамда иситилувчи кабинали тракторларни бошқаришда**: | |
| | | Ип газлама комбинезон | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 6 |
| 32. | Электр ва автоаравачанинг ҳайдовчиси | Ип газлама костюм | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 1 |
| | | **Қишда ташқаридаги ишларда доимий банд бўлганларга қўшимча равишда**: | |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 36 |

| Т/р | Касб ва лавозим номлари | Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари | Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида) |
|---|---|---|---|
| 33. | Вулканизаторчи | Ип газлама комбинезон | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 2 |
| 34. | Ёнилғи ва мойлаш материалларини қуювчи | **Автомобилларга ёнилғи ва мой қуйиш бўйича ишларни бажаришда**: | |
| | | Ип газлама халат | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 6 |
| | | **Этилланган бензин билан ишлар бажаришда қўшимча равишда**: | |
| | | Резина фартук | 12 |
| | | Резина этик | 12 |
| | | Резина қўлқоп | 12 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 36 |
| 35. | Автомобилларни таъмирловчи чилангар | **Двигателларни қисмларга ажратиш, двигателлар қисмларини ташиш, жойини алмаштириш ва ювиш бўйича ишларни бажаришда:** | |
| | | Ип газлама костюм | 12 |
| | | Резина фартук | Навбатчи |
| | | Резина этик | Навбатчи |
| | | Резина қўлқоп | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 3 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 36 |
| **IV. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси корхоналарининг умумий касбдаги ходимлари учун** | | | |
| 36. | Аккумуляторни таъмирлаш ва зарядлаш ҳамда электролитни тайёрлаш билан банд бўлган аккумуляторчи | Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм | 12 |
| | | Резина фартук | Навбатчи |
| | | Резина калта этик | 12 |
| | | Резина қўлқоп | Навбатчи |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Яроқсиз бўлгунча |
| | | Респиратор | Яроқсиз бўлгунча |
| 37. | Архивариус | Ип газлама халат | 12 |
| 38. | Арматурачи | Брезент костюм | 12 |
| | | Қаттиқ тагчармли чарм пойабзал | 12 |
| | | Брезент қўлқоп | 1 |
| | | **Ташқарида арматурани ўрнатиш ва жойлаш ишларида:** | |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 36 |
| 39. | Бакалетчи (шимдирувчи) | Ип газлама костюм | 12 |
| | | Брезент фартук | 6 |
| | | Резина қўлқоп | 3 |

| Т/р | Касб ва лавозим номлари | Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари | Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида) |
|---|---|---|---|
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Яроқсиз бўлгунча |
| 40. | Бетончи | Ип газлама куртка | 12 |
| | | Брезент шим | 12 |
| | | Резина этик ёки чарм пойабзал | 12 |
| | | **Торкретлаштиришда қўшимча равишда:** | |
| | | Ип газлама куртка ўрнига брезент куртка | Навбатчи |
| | | **Тебранувчи асбоб билан ишлаганда**: | |
| | | Комбинацияланган қўлқоп ўрнига тебранишга қарши қўлқоп | 2 |
| | | **Ташқаридаги ишларни бажаришда қўшимча равишда:** | |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 36 |
| 41. | Китоблар сақланадиган жойларда банд бўлган кутубхоначи | Ип газлама халат | 12 |
| 42. | Ғаввос | Сувни юқтирмайдиган модда шимдирилган ип газлама комбинезон | 12 |
| | | Резиналанган плаш | 36 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 24 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 24 |
| | | Кирза этик | 24 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 2 |
| | | **Сувга тушиш вақтида:** | |
| | | Жун свитер | 12 |
| | | Жун ички кийим | 2 |
| | | Жун узун пайпоқ | 2 |
| | | Ип газлама пайпоқ | 2 |
| | | Жун бош кийим | 6 |
| | | Жун қўлқоп | 2 |
| 43. | Аравакаш | Ип газлама костюм | 12 |
| | | Сув ўтказмайдиган плаш | Навбатчи |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 3 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 36 |
| 44. | Газогенераторчи | Ип газлама костюм | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 1 |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Яроқсиз бўлгунча |
| | | Респиратор | Яроқсиз бўлгунча |
| 45. | Газ билан пайвандловчи | Оловдан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм | 18 |

| Т/р | Касб ва лавозим номлари | Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари | Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида) |
|---|---|---|---|
| | | Чарм пойабзал | 24 |
| | | Брезент қўлқоп | 3 |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Яроқсиз бўлгунча |
| | | Ҳимоя ниқоби | Яроқсиз бўлгунча |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 24 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 24 |
| | | **Ацетиленли қурилмаларни зарядлаш ва заряд-сизлантиришда қўшимча равишда:** | |
| | | Резина калиш | Навбатчи |
| | | Резина қўлқоп | Навбатчи |
| | | Респиратор | Яроқсиз бўлгунча |
| 46. | Гальванловчи | Ип газлама халат | 12 |
| | | Кўкракпешли резиналанган фартук | Навбатчи |
| | | Резина этик | Навбатчи |
| | | Резина қўлқоп | Навбатчи |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Яроқсиз бўлгунча |
| | | Респератор | Навбатчи |
| 47. | Кийиб юриладиган махсус кийим-ни қабул қилувчи гардероб ишчиси | Ип газлама халат | 12 |
| 48. | Юк ташувчи ва ишчи | **Цехдан ташқарида кўмир, қум, кокс, торф ва битумни ортиш ва туширишда:** | |
| | | Чанг ўтказмайдиган матодан тикилган қалпоқчали ип газлама комбинезон | 12 |
| | | Чарм пойабзал | 12 |
| | | Брезент қўлқоп | 1 |
| | | **Чанг чиқарувчан юкларни ортиш ва туширишда**: | |
| | | Чанг ўтказмайдиган матодан тикилган қалпоқчали ип газлама комбинезон | 12 |
| | | Брезент қўлқоп | 1 |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Навбатчи |
| | | Респиратор | Яроқсиз бўлгунча |
| | | **Кислота ва ўткир моддаларни ортиш ва туширишда**: | |
| | | Мовут костюм | 12 |
| | | Резина этик | 12 |
| | | Мовут қўлқоп | 1 |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Навбатчи |
| | | Респиратор | Яроқсиз бўлгунча |

| Т/р | Касб ва лавозим номлари | Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари | Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида) |
|---|---|---|---|
| | | **Ёғоч материалларни ортиш ва туширишда**: | |
| | | Сувни юқтирмайдиган модда шимдирилган ип газлама костюм | 12 |
| | | Чарм пойабзал | 12 |
| | | Брезент қўлқоп | 1 |
| | | **Бошқа юк ва материалларни ортиш ва туширишда:** | |
| | | Брезент куртка | 12 |
| | | Тиззаси брезент матоли ип газлама шим | 12 |
| | | Брезент қўлқоп | 1 |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Яроқсиз бўлгунча |
| | | **Қуйидаги ишларда доимий банд бўлганда:** | |
| | | **Суюқ заҳарли кимёвий моддалар билан:** | |
| | | Ип газлама комбинезон ва кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган шлем | 12 |
| | | Резина этик | 12 |
| | | Кўкракпешли резина фартук | 12 |
| | | Резина қўлқоп | 6 |
| | | Резина енглар | Навбатчи |
| | | Респиратор | Яроқсиз бўлгунча |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Яроқсиз бўлгунча |
| | | **Чанг чиқарувчи, сочилувчан ва қаттиқ ҳолдаги заҳарли кимёвий моддалар билан** | |
| | | Ип газлама комбинезон ва чанг ўтказмайдиган матодан тикилган бош кийим | 12 |
| | | Ип газлама қалпоқча | 12 |
| | | Қавилган пахтали пайпоқлар | 6 |
| | | Резина этик | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 2 |
| | | Респиратор | Яроқсиз бўлгунча |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Яроқсиз бўлгунча |
| | | **Ушбу банддаги барча юк ташувчи ва ишчиларга қишда ташқарида бажариладиган ишларда қўшимча равишда:** | |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 36 |
| | | **Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятида ва Навоий вилоятининг шимолида бортли автомашиналарда кабинадан ташқарида юкларни ташувчиларга қишда қўшимча равишда:** | |
| | | Калта пўстин (иссиқ тутувчи | Навбатчи |

| Т/р | Касб ва лавозим номлари | Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари | Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида) |
|---|---|---|---|
| | | астарли ип газлама куртка ўрнига) | |
| | | Пўстин | Навбатчи |
| | | **Этилланган бензинни ортиш ва тушириш билан банд бўлган юк ташувчи ва ишчиларга бу ишни бажариш вақтида:** | |
| | | Ип газлама куртка | Навбатчи |
| | | Резина фартук | Навбатчи |
| | | Резина этик | Навбатчи |
| | | Резина қўлқоп | Навбатчи |
| 49. | Фаррош | Ип газлама костюм | 12 |
| | | Кўкракпешли ип газлама фартук | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 2 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | Сув ўтказмайдиган плаш | Навбатчи |
| | | Чарм пойабзал ёки кирза этик | 12 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 36 |
| 50. | Дезинфекцияловчи | Ип газлама халат | 12 |
| | | Резина этик | 12 |
| | | Резина қўлқоп | 6 |
| | | Респиратор | Навбатчи |
| 51. | Пардаловчи, гул қоғоз ёпиштирувчи | Ип газлама халат | 12 |
| 52. | Тунукаловчи | Брезент фартук | 6 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 2 |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Яроқсиз бўлгунча |
| | | **Қишда ташқарида бажариладиган ишларда доимий банд бўлганларга қўшимча равишда**: | |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 36 |
| 53. | Ер қазувчи | Ип газлама костюм | 12 |
| | | Қаттиқ тагчармли чарм пойабзал | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 1 |
| | | **Нам ердаги ишларда қўшимча равишда**: | |
| | | Брезент шим | Навбатчи |
| | | **Гидромеханизация ишларида:** | |
| | | Брезент костюм | 12 |
| | | Резина этик | 12 |
| | | Брезент қўлқоп | 1 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 36 |
| 54. | Муҳандис — техник ходимлар: геолог, геодезист, гидрогеолог, ер тузувчи, мастер (уста), механик, | Сувни юқтирмайдиган модда шимдирилган ип газлама костюм | 12 |
| | | Сув ўтказмайдиган плаш | 36 |

| Т/р | Касб ва лавозим номлари | Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари | Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида) |
|---|---|---|---|
| | отряд бошлиғи, партия бошлиғи, энергетик, иш юритувчи, топограф, шунингдек ушбу бандда санаб ўтилган барча касб ва лавозимларнинг катта мутахассислари: бевосита барча ишларда банд бўлган барча мутахассисликларнинг муҳандис ва техниклари | Кирза этик | 12 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама костюм | 36 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 36 |
| 55. | Ғишт терувчи; печкачи; футеровкачи | **Ҳарорат юқори бўлган участкаларда**: | |
| | | Мовут костюм | Навбатчи |
| | | Чарм пойабзал | 12 |
| | | Брезент қўлқоп | Навбатчи |
| | | Мовут шлем | Навбатчи |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Ярoқсиз бўлгунча |
| | | **Ҳарорат паст бўлган участкаларда:** | |
| | | Кўкракпешли брезент фартук | 6 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 1 |
| 56. | Омборчи | **Омбордаги доимий ишларда**: | |
| | | **Ёнилғи ва мойлаш материаллари, лаклар, бўёқлар омборида**: | |
| | | Кўкракпешли резиналанган фартук | 6 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 3 |
| | | **Кислоталар, ишқорлар ва бошқа кимёвий моддалар омборида:** | |
| | | Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм | 12 |
| | | Резина этик | 12 |
| | | Резина қўлқоп | Навбатчи |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Ярoқсиз бўлгунча |
| | | **Металл, кўмир, ёғоч ва бошқа материаллар омборида**: | |
| | | Ип газлама халат | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 3 |
| | | **Симобни сақлаш ва бериш бўйича ишларда**: | |
| | | Ип газлама халат | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 3 |
| | | Шиппак | 3 |
| | | **Қишда совуқ биноларда ишлаганда қўшимча равишда:** | |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 36 |
| 57. | Елим пиширувчи | Ип газлама халат | 12 |
| | | Кўкракпешли резина фартук | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 2 |
| 58. | Отбоқар | Кўкракпешли брезент фартук | 12 |
| | | Резина калта этик | 24 |

| Т/р | Касб ва лавозим номлари | Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари | Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида) |
|---|---|---|---|
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 3 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| 59. | Бўёқ қайнатувчи; бўёқлар тузувчиси | Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм | 12 |
| | | Резина этик | 12 |
| | | Резина қўлқоп | 3 |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Яроқсиз бўлгунча |
| | | Респиратор | Яроқсиз бўлгунча |
| 60. | Кубга ажратувчи | Ип газлама халат | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 2 |
| 61. | Темирчи | Ип газлама костюм | 18 |
| | | Чарм пойабзал | Навбатчи |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 3 |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Яроқсиз бўлгунча |
| 62. | Ташқаридаги ишларда банд бўлган курьер | Сув ўтказмайдиган плаш | 36 |
| | | Чарм пойабзал | 12 |
| 63. | Лаборант (барча кимёвий ва технологик лабораторияларда) | Ип газлама халат | 18 |
| | | Кўкракпешли резиналанган фартук | Навбатчи |
| | | Резина қўлқоп | Навбатчи |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Яроқсиз бўлгунча |
| 64. | Бўёқчи | Ип газлама комбинезон | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 4 |
| | | Респиратор | Яроқсиз бўлгунча |
| | | **Қисмлар, асбоблар ва аппаратураларни нур қайтарувчи бўёқлар билан бўяш ишларини бажаришда:** | |
| | | Ип газлама халат | 12 |
| | | Ип газлама қалпоқ | 12 |
| | | Тиббиётда ишлатиладиган қўлқоп | 1 |
| | | **Зарарли таъсир этувчи бўёқлар билан ишлаганда қўшимча равишда**: | |
| | | Резина қўлқоп | Навбатчи |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Яроқсиз бўлгунча |
| | | **Томда ишлаганда қўшимча**: | |
| | | Резина калиш | Навбатчи |
| | | Сақлагич белбоғ | Навбатчи |
| 65. | Қўл пуркагичи билан ишловчи бўёқчи | Ип газлама комбинезон | 12 |
| | | Чарм пойабзал | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 1 |
| | | Ип газлама қалпоқ | 12 |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Яроқсиз бўлгунча |

| Т/р | Касб ва лавозим номлари | Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари | Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида) |
|---|---|---|---|
| | | Респиратор | Яроқсиз бўлгунча |
| 66. | Конвейер ва бўёвчи камералардаги бўёқчи | Кўкракпешли резина фартук | 6 |
| | | Ип газлама қўлқоп | 1 |
| | | Респиратор | Яроқсиз бўлгунча |
| 67. | Қўл билан ишлайдиган бўёқчи-ботирувчи | Ип газлама комбинезон | 6 |
| | | Кўкракпешли резина фартук | 12 |
| | | Чарм пойабзал | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 1 |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Яроқсиз бўлгунча |
| | | Респиратор | Яроқсиз бўлгунча |
| 68. | Автоковлагичлар машинисти | Ип газлама ярим комбинезон | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 3 |
| 69. | Бетон аралаштиргичлар машинистлари; тебранма майдончалар машинисти | Ип газлама комбинезон | 12 |
| | | Резина этик | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 2 |
| 70. | Бульдозер машинисти; экскаватор машинисти | Ип газлама ярим комбинезон | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 3 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 36 |
| 71. | Кран машинисти | Ип газлама комбинезон | 12 |
| | | Диэлектрик калиш | Навбатчи |
| | | Диэлектрик қўлқоп | Навбатчи |
| | | **Ташқаридаги ишларда қишда қўшимча равишда**: | |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | Иссиқ тутувчи ип газлама шим | 36 |
| 72. | Ички ёнув двигателларининг машинисти | Ип газлама комбинезон | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 2 |
| 73. | Газ юборадиган машиналар машинисти; насос қурилмалари машинисти | **Саноат оқова сувларини тозалаш бўйича ишларни бажаришда:** | |
| | | Ип газлама костюм | 12 |
| | | Резина этик | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 3 |
| 74. | Компьютер қурилмалари машинисти; совутиш қурилмалари машинисти | Ип газлама комбинезон | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 2 |
| | | Газдан ҳимояловчи ниқоб | Яроқсиз бўлгунча |
| | | **Кўчма компрессорларда иш бажарганда, қишда қўшимча**: | |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 36 |
| | | Чарм пойабзал | 12 |

| Т/р | Касб ва лавозим номлари | Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари | Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида) |
|---|---|---|---|
| 75. | Қозонхона машинисти (ўт ёқувчиси); қозон панжараларида ёнилғи ковловчи | **Қозонхоналар ишида:** | |
| | | **Қаттиқ минерал ёнилғини механик юклаганда ва суюқ ёнилғида:** | |
| | | Ип газлама костюм | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 1 |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Яроқсиз бўлгунча |
| | | **Қаттиқ минерал ёнилғини қўл кучи билан юклаганда:** | |
| | | Ёнғиндан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм | 12 |
| | | Чарм пойабзал | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 2 |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Яроқсиз бўлгунча |
| | | **Газда:** | |
| | | Ип газлама комбинезон | 12 |
| | | **Ўтин ва ёнилғининг бошқа турларида**: | |
| | | Ип газлама этак | 12 |
| 76. | Кўчма электростанциялар машинисти | Комбинацияланган қўлқоп | 3 |
| | | Ип газлама комбинезон | 12 |
| | | Резина калиш | Навбатчи |
| | | Резина қўлқоп | Навбатчи |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 3 |
| | | **Қишда қўшимча равишда**: | |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 36 |
| 77. | Махсус кийимни ювиш бўйича машинист; махсус кийимни қўлда ювиш билан банд бўлган ишчи | Ип газлама костюм | 12 |
| | | Кўкракпешли ип газлама фартук | 6 |
| | | Резина этик | 12 |
| | | Резина қўлқоп | Навбатчи |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 3 |
| 78. | Пайвандловчи | Ёнғиндан сақловчи модда шимдирилган фартук | 9 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 1 |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Яроқсиз бўлгунча |
| 79. | Ўровчи (калаваловчи) | Ип газлама халат | 12 |
| | | Ип газлама қўлқоп | Навбатчи |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Яроқсиз бўлгунча |
| 80. | Хлорлагич қурилмалар оператори | Ип газлама халат | 12 |
| | | Резинали фартук | 6 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 3 |
| | | Резина қўлқоп | Навбатчи |
| | | Респератор | Навбатчи |
| 81. | Кавшарловчи | Ип газлама фартук | 6 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 1 |

| Т/р | Касб ва лавозим номлари | Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари | Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида) |
|---|---|---|---|
| | | **Кавшарлаш бўйича ишларни бажаришда**: | |
| | | **Радиаторлар ва бензин идишларини қўлда кавшарлаганда:** | |
| | | Ип газлама куртка | 12 |
| | | Кўкракпешли резина фартук | 6 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 2 |
| | | **Мастика-графитли печларда, радиатор ишлаб чиқаришда:** | |
| | | Ип газлама комбинезон | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 2 |
| | | **Радиатор ишлаб чиқаришда ёндиргичлар ишлатилганда:** | |
| | | Ип газлама комбинезон | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 1 |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Яроқсиз бўлгунча |
| 82. | Ясси муҳр босувчи; нусха олувчи ва кўпайтирувчи машиналар оператори; электрсураткаш; ёруғлик орқали нусха кўчирувчи; ойна орқали чизувчи (ротаторчи) | Ип газлама халат | 12 |
| 83. | Арра чархловчи; аррани ўткирловчи | Ип газлама фартук | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 3 |
| 84. | Ёрдамчи ишчи | **Қуйидаги ишларни бажаришда:** | |
| | | **Совуқ металлни ташиш ва жойлашда**: | |
| | | Кўкракпешли брезент фартук | 9 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 1 |
| | | **Қишда ташқаридаги ишларда қўшимча равишда**: | |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | **Иссиқ металлни ташиш, саралаш, жойлашда:** | |
| | | Ёнғиндан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм | 12 |
| | | Металл учли чарм пойабзал | 12 |
| | | Брезент қўлқоп | 1 |
| | | **Металл қиринди ва металл қийқимларини йиғиштиришда**: | |
| | | Ип газлама костюм | 12 |
| | | Чарм пойабзал | 24 |
| | | Кирза этик | 1 |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Яроқсиз бўлгунча |
| 85. | Қисм ва буюмларни силлиқловчи станокларда чўтка билан, қўлда ҳам қум қоғоз билан сайқал берувчи силлиқловчи; абразив материалларни силлиқлаш айланаларига жойлаштирувчи ишчи | Ип газлама комбинезон | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 1 |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Яроқсиз бўлгунча |
| | | Респиратор | Яроқсиз бўлгунча |

| Т/р | Касб ва лавозим номлари | Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари | Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида) |
|---|---|---|---|
| | | **Пластмассаларни силлиқлаш бўйича ишларни бажаришда:** | |
| | | Кўкракпешли ип газлама фартук | 12 |
| | | Ип газлама қўлқоп | 3 |
| 86. | Силлиқловчи, лакловчи | Кўкракпешли ип газлама фартук | 12 |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Яроқсиз бўлгунча |
| | | Респиратор | Яроқсиз бўлгунча |
| 87. | Буюмларни прессловчи; пластмасса буюмларни прессловчи; капрон буюмлар (қисмлар)ни ясаш билан банд бўлган ишчи | **Шиша пахта ва пластмасса буюмларни пресслаганда**: | |
| | | Ип газлама халат | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 2 |
| | | **Капрондан бўлган буюмлар (қисмлар)ни пресслаганда:** | |
| | | Ип газлама комбинезон | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 2 |
| 88. | Арраланган материаллар ва ёғоч буюмлар шимдирувчиси | **Антисептиклар билан ишлаганда**: | |
| | | Брезент костюм | 12 |
| | | Чарм пойабзал | 12 |
| | | Брезент қўлқоп | 1 |
| | | **Ёғоч тўсинлар шимдирилганда**: | |
| | | Брезент костюм | 12 |
| | | Чарм пойабзал | 12 |
| | | Резина этик | 12 |
| | | Брезент қўлқоп | 2 |
| | | Брезент шлем | 12 |
| | | Газдан ҳимояловчи ниқоб | Навбатчи |
| 89. | Ишлаб чиқариш цехларида технологик ускуналарни созлаш билан банд бўлган ишчи | Ип газлама комбинезон | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 3 |
| | | **Кузовларга хомаки бўёқ бериш, уларни шпаклёвка қилиш, силлиқлаш ва бўяш учун агрегатларни созлаш бўйича ишларни бажаришда:** | |
| | | Брезент костюм | 12 |
| | | Резина этик | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 2 |
| 90. | Трансформаторларга суюқлик қуйиш билан банд бўлган ишчи | Ип газлама комбинезон | 12 |
| | | Чарм пойабзал | 12 |
| | | Резина этак | Навбатчи |
| | | Резина қўлқоп | 2 |
| 91. | Лаборатория идишларини ювиш билан банд бўлган ишчи | Кўкракпешли резиналанган фартук | 6 |
| | | Резина этик | 12 |
| | | Резина қўлқоп | 2 |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Яроқсиз бўлгунча |
| 92. | Баланд биноларни техник жиҳатдан сақлаш ва таъмирлаш ҳамда баланд биноларнинг томларини тозалаш ишлари билан банд бўлган ишчи | Комбинацияланган қўлқоп | 12 |
| | | Сақловчи белбоғ | Яроқсиз бўлгунча |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | Навбатчи |

| Т/р | Касб ва лавозим номлари | Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари | Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида) |
|---|---|---|---|
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | Навбатчи |
| 93. | Радиаторларни ювиш ва синаш билан банд бўлган ишчи | Кўкракпешли резина фартук | 6 |
| | | Резина этик | 12 |
| | | Резина қўлқоп | 6 |
| 94. | Қисмлар ва буюмларни ювиш билан банд бўлган ишчи | **Қисмлар ва буюмларни ювишда:** | |
| | | **Ишқор ва кислоталар билан** | |
| | | Кўкракпешли резина фартук | 6 |
| | | Резина қўлқоп | 2 |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Яроқсиз бўлгунча |
| | | **Бензин ва керосин билан** | |
| | | Ип газлама халат | 12 |
| | | Кўкракпешли резина фартук | 9 |
| | | Чарм пойабзал | 12 |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Яроқсиз бўлгунча |
| 95. | Ободонлаштириш бўйича ишчи (чиқиндиларни қўлда олиб ташлаш ишларида) | Брезент костюм | 12 |
| | | Резина этик | 12 |
| | | Брезент қўлқоп | 3 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 18 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 18 |
| 96. | Фойдаланилган мойнинг регенераторчиси | Брезент костюм | 12 |
| | | Кўкракпешли резина фартук | 6 |
| | | Чарм пойабзал | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 2 |
| 97. | Автомобилларни таъмирловчи чилангар | Ип газламали комбинезон | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 5 |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Яроқсиз бўлгунча |
| 98. | Чилангар асбобсоз | Ип газлама ярим комбинезон | 12 |
| 99. | Назорат-ўлчаш асбоблари чилангари | Комбинацияланган қўлқоплар | 2 |
| | | Диэлектрик қўлқоп | Навбатчи |
| | | Диэлектрик калиш | Навбатчи |
| 100. | Саноат вентиляцияси ва иситгичи (намлантиргичи)ни таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш бўйича чилангар | Ип газлама костюм | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоплар | 2 |
| | | **Ишларнинг қизғин участкаларида қўшимча равишда:** | |
| | | Чарм пойабзал | 12 |
| | | **Ишларнинг нам участкаларида қўшимча равишда:** | |
| | | Резина этик | 12 |
| | | **Кимёвий ускунани таъмирлашда:** | |
| | | Ип газлама костюм ўрнига мовут костюм | 12 |
| | | Резина этик | 12 |

| Т/р | Касб ва лавозим номлари | Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари | Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида) |
|---|---|---|---|
| | | **Қишда ташқарида бажариладиган ишларда қўшимча равишда**: | |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| 101. | Аппаратура ва ускуналарни чилангар-таъмирловчи | Ип газлама костюм | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 2 |
| | | Чарм пойабзал | 12 |
| | | **Қишда ташқарида бажариладиган ишларда қўшимча равишда:** | |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | **Гальваник цехлар ва кимёвий ишлов бериш ванналар ускуналарини таъмирлаш бўйича ишларни бажаришда**: | |
| | | Брезент костюм | 18 |
| | | Резина этик | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 2 |
| | | Резина қўлқоп | Навбатчи |
| 102. | Чилангар-сантехник | **Канализация тармоғи ва ассенизация қурилмаларини таъмирлаш бўйича ишларни бажаришда:** | |
| | | Брезент костюм | 18 |
| | | Резина этик | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 2 |
| | | Резина қўлқоп | Навбатчи |
| | | **Қишда ташқаридаги ишларда қўшимча равишда:** | |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 36 |
| 103. | Металл бўйича чилангар-йиғувчи | Ип газлама ярим комбинезон | 12 |
| | | **Қишда ташқаридаги ишларда қўшимча равишда:** | |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 36 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 2 |
| 104. | Мойловчи | Ип газлама комбинезон | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 3 |
| 105. | Ойна артувчи | Ип газлама костюм | 12 |
| 106. | Металл кесувчи дастгоҳларнинг дастгоҳчилари: токарь; фрезеровкачи; чархловчи; металл бўйича силлиқловчи; металл кесувчи | Ип газлама ярим комбинезон | 18 |
| | | Ип газлама комбинезон | 18 |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Яроқсиз бўлгунча |
| | | **Арра ва дастарраларда ишлаганда**: | |
| | | Ип газлама ярим комбинезон ўрнига кўкракпешли ип газлама фартук | 9 |

| Т/р | Касб ва лавозим номлари | Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари | Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида) |
|---|---|---|---|
| | | **Скипидар, керосин ва мойлар билан совитувчи дастгоҳларда**: | |
| | | Ип газлама комбинезон | 18 |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Яроқсиз бўлгунча |
| | | **Эмульсиялар билан совитувчи ишларда:** | |
| | | Ип газлама комбинезон ўрнига кўкракпешли резина фартук | 12 |
| 107. | Ёғочга ишлов берувчи дастгоҳларнинг дастгоҳчилари | Ип газлама костюм | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 2 |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Яроқсиз бўлгунча |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 36 |
| 108. | Ойнасоз | Ип газлама фартук | 6 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 3 |
| | | Қўл бармоқларига кийгизиладиган қўлқоп | Яроқсиз бўлгунча |
| 109. | Дурадгор | Ип газлама фартук | 6 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 3 |
| 110. | Ташқаридаги қоровул | Сувни юқтирмайдиган модда шимдирилган ип газлама плаш | Навбатчи |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | Навбатчи |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | Навбатчи |
| 111. | Илгакчи, такелажчи | Ип газлама комбинезон | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 1 |
| | | **Ишларнинг қизғин участкаларида қўшимча равишда:** | |
| | | Металл учли чарм пойабзал | 12 |
| | | **Қишда ташқаридаги ишларда қўшимча равишда:** | |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 36 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 36 |
| 112. | Ишлаб чиқариш хоналарини йиғиштирувчи; хизмат хоналарини йиғиштирувчи | Ип газлама халат | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 2 |
| | | **Полларни ва умумий фойдаланиш жойларини ювишда:** | |
| | | Резина этик | 12 |
| | | Резина қўлқоп | 6 |
| 113. | Мўри тозаловчи | Ип газлама комбинезон | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 1 |
| | | Ип газлама шлем | 12 |
| | | Намат шлем | 12 |
| | | Сақловчи белбоғ | Навбатчи |

| Т/р | Касб ва лавозим номлари | Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари | Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида) |
|---|---|---|---|
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Яроқсиз бўлгунча |
| | | Респиратор | Яроқсиз бўлгунча |
| 114. | Эмульсия пиширувчи | Ип газлама костюм | 12 |
| | | Кўкракпешли резина фартук | 6 |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Яроқсиз бўлгунча |
| | | Резина қўлқоп | Навбатчи |
| 115. | Электр эррозиончи | Ип газлама комбинезон | 12 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 3 |
| 116. | Электр пайвандловчи | Диэлектрик қўлқоп | Навбатчи |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка | 24 |
| | | Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим | 24 |
| **V. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тасарруфидаги таълим муассасаларининг ишчи ва хизматчилари учун** | | | |
| 117. | Аккумуляторни зарядлантириш, таъмирлаш, шунингдек электролит тайёрлаш билан доимий банд бўлган лаборант; препаратор; участка механиги; ўқитувчи уста; аккумуляторчи | Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган костюм | Навбатчи |
| | | Резина калиш | Навбатчи |
| | | Резина қўлқоп | Навбатчи |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Яроқсиз бўлгунча |
| 118. | Қурилиш полигонларида доимий банд бўлган лаборант; ўқитувчи уста; препаратор, участка механиги | Ип газлама комбинезон | 24 |
| | | Комбинацияланган қўлқоп | 3 |
| | | **Электр симлари билан қурилиш механизмларида доимий ишлаганда қўшимча равишда:** | |
| | | Диэлектрик калиш | Навбатчи |
| | | Диэлектрик қўлқоп | Навбатчи |
| 119. | Лаборант; ўргатувчи уста; участка механиги; технологик ускуналарнинг созловчиси; электр вакуум ишлаб чиқариш ускуналарининг созловчиси; назорат — ўлчов асбоблари ва автоматика созловчиси | Ип газлама халат | 12 |
| | | Ип газлама қўлқоп | Навбатчи |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Яроқсиз бўлгунча |
| 120. | Радиолокация қурилмаларида бевосита ишловчи кичик илмий ходим; муҳандис; лаборант; техник; ўқитувчи уста; участка механиги; препаратор | Ип газлама ярим комбинезон | 12 |
| | | Диэлектрик қўлқоп | Навбатчи |
| | | Ҳимояловчи кўзойнак | Яроқсиз бўлгунча |

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

## 278 Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасига қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 11 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 773-27*

*(2009 йил 21 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7 ва 51-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 17 июлдаги 15/3-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси»га (2004 йил 13 август, рўйхат рақами 773-17 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 32-сон, 369-модда) иловага* мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

**Марказий банк раиси** **Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 16 май,
15/1-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## 279 Иккиламчи хом ашё тайёрлаш омборхоналари, база ва пунктлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 11 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1966*

*(2009 йил 21 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон қарори билан тасдиқланган «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қоида ва нормаларни қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш Дастури» (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Иккиламчи хом ашё тайёрлаш омборхоналари, база ва пунктлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири в.б.** **А. ХАИТОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 30 апрель,
18/Б-1-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирининг
2009 йил 30 апрелдаги 18/Б-1-сонли
буйруғига
ИЛОВА

### Иккиламчи хом ашё тайёрлаш омборхоналари, база ва пунктлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда) мувофиқ иккиламчи хом ашё

тайёрлаш омборхоналари, база ва пунктларида ишловчи ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.

## I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар иккиламчи хом ашё тайёрлаш омборхоналари, база ва пунктларида (кейинги ўринларда корхоналар деб юритилади) металл парчалари ҳамда қора ва рангли металлар резги-чиқитларини йиғиш, тайёрлаш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган ишларда қўлланилади.

2. Мазкур Қоидалар корхоналарда металл парчалари ҳамда қора ва рангли металлар резги-чиқитларини йиғиш, тайёрлаш ва қайта ишлаш ишларни бажарувчи ходимлар (бундан кейинги ўринларда ходимлар деб юритилади) томонидан қўлланиши шарт.

3. Мазкур Қоидалар Қурилиш меъёрлари ва қоидалари, Санитария қоидалари ва меъёрлари, Давлат стандартларининг тегишли бўлимлари ва боблари, шунингдек аниқ ишлаб чиқаришда белгиланган тартибда тасдиқланган бошқа тармоқ норматив ҳужжатлари талаблари бажарилиши шарт эканлигини истисно этмайди.

4. Мазкур Қоидаларнинг бажарилишини назорат қилиш корхонанинг хавфсизлик техникаси бўйича хизмати (муҳандиси) зиммасига юклатилади.

## II. Хавфсизликнинг умумий талаблари

### 1-§. Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш

5. Корхоналарда металл парчалари ҳамда қора ва рангли металлар резги-чиқитларини йиғиш, тайёрлаш ва қайта ишлашда меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни ташкил қилиш «Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида»ги Намунавий низомга (1996 йил 14 август, рўйхат рақами 273) мувофиқ амалга оширилади.

6. Корхоналарда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни ўрганиш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1997 й., 6-сон, 21-модда) билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

7. Корхоналарда ишлашда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2000 йил 6 июндаги 300-сонли «Ходимларни ишга киришдан олдин дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғи (2000 йил 23 июнь, рўйхат рақами 937) асосида амалга оширилиши лозим.

## 2-§. Ходимларга йўл-йўриқ бериш, ўқитиш ва уларнинг билимларини синовдан ўтказиш ишларини ташкил этиш

8. Корхоналарнинг барча ходимлари, шу жумладан раҳбарлари ўз касблари ва иш турлари бўйича белгиланган тартибда ўқишлари, йўл-йўриқлар олишлари ҳамда билимлари синовдан ўтказилиши керак.

9. Бевосита ишлаб чиқаришда ишларни ташкиллаштириш ва бажариш билан боғлиқ ишчилар, раҳбарлар, муҳандис-техник ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимларини синовдан ўтказиш «Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш ҳақида»ги Намунавий низомга (1996 йил 14 август, рўйхат рақами 272) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

10. Ишларни технологик регламент бўйича хавфсиз юритиш йўриқномалари «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш тўғрисида»ги (2000 йил 7 январь, рўйхат рақами 870) низомга мувофиқ ишлаб чиқилади ва ишловчи ходимлар ҳамда иш жойларини шу йўриқномалар билан таъминлаш корхона раҳбарияти зиммасига юклатилади.

## 3-§. Касбий танлов

11. Корхоналарда ишловчи ходимлар:

ўта хавфли ишларга, буғ ҳамда сув иситиш қозонлари, юк кўтариш механизмлари, босим остида ишловчи идишлар, электр ускуналар, махсус механизм ва машиналарга хизмат кўрсатиш учун ишга кирувчи шахслар махсус ўқитилганлиги тўғрисида ҳужжатга эга бўлишлари;

«18 ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланиш тақиқланган ноқулай меҳнат шароитига эга ишлар рўйхати»га (2001 йил 9 июнь, рўйхат рақами 1040) мувофиқ 18 ёшга тўлмаган шахслар зарарли ва ноқулай меҳнат шароитига эга ишларга қабул қилинмаслиги;

«Аёллар меҳнатидан фойдаланиш қисман ёки тўлиқ тақиқланган ноқулай меҳнат шароитига эга ишлар рўйхати»га (2000 йил 5 январь, рўйхат рақами 865) мувофиқ аёллар зарарли ва ноқулай меҳнат шароитига эга бўлган ишларга қабул қилинмаслиги;

корхона маъмурияти умумий ва касб касалликларини илк босқичда аниқлаш мақсадида ўз ходимларининг саломатлигини мунтазам назорат қилиш чораларини таъминлаши;

ишга киришдан олдин ва даврий равишда тиббий кўрикдан ўтган бўлиши керак.

## 4-§. Ходимларни ҳимоя қилиш воситаларини қўллаши

12. Ишловчиларни зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш муҳити омилларидан ҳимоя қилиш тегишли стандартлар ва меъёрлар талабларига мос жамоавий ва шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш орқали таъминланиши лозим.

13. Жамоавий ҳимоя воситалари (вентиляция, аспирация, ерга улаш, тунукадан қилинган ғилофлар билан бекитиш, маҳаллий сўрғичлар ва бошқалар) зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш муҳити омиллари хонадаги барча ишловчиларга таъсир қилганда қўлланиши шарт ва корхонани қуриш ёки реконструкция қилиш лойиҳаларига киритилиши лозим.

14. Жамоавий ҳимоя воситалари зарарли ва хавфли омилларни рухсат этилган миқдоргача камайтириш имконини бермаган ҳолларда шахсий ҳимоя воситалари қўлланиши лозим. Бундай ҳолларда шахсий ҳимоя воситаларисиз кишиларнинг иштироки ва ишлар амалга оширилиши тақиқланади.

15. Ишчи ва хизматчилар шахсий ҳимоя воситалари билан корхона томонидан таъминланади.

16. Шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланган ҳолда ишловчилар, уларнинг қўлланиши, ҳимоя хусусиятлари, амал қилиш муддати тўғрисида маълумотларга эга бўлиши ҳамда улардан фойдаланишга ўргатилиши лозим.

17. Ходимларни махсус кийим, пойафзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш намунавий меъёрларга мос равишда амалга оширилади.

18. Иш вақтида ҳимоя кийими тугмалари маҳкам қадалган, енг манжетлари билакларгача зич қамраб олган бўлиши керак.

19. Ишчиларнинг сочлари бош кийим (берет, рўмол ва ҳ. к.) билан беркитилган бўлиши керак.

20. Эҳтиёт мосламалари (эҳтиёт камари ва электр калишлар, резина қўлқоплар ва гиламчалар, ҳимоя кўзойнаклари ва шлемлар, респираторлар, шовқинга қарши қулоқчинлар) қўллашни талаб қиладиган ишларни бажаришда меъёрларда назарда тутилганидан қатъий назар ишловчиларга эҳтиёт чораси сифатида берилиши керак.

21. Корхона маъмурияти ёки иш берувчи қуйидагиларни таъминлаши шарт:

а) белгиланган намунавий меъёрлар бўйича мазкур ишлаб чиқариш учун талаб қилинадиган барча шахсий ҳимоя воситаларининг зарур миқдори ва номенклатурасини;

б) ҳимоя воситаларини қўллаш ва тўғри фойдаланиш устидан доимий назоратни амалга ошириш;

в) қўлланилаётган ҳимоя воситаларининг самарадорлиги ва созлигини текшириш;

г) шахсий ҳимоя воситаларидан хавфли ва заҳарли моддалар муҳитида фойдаланилганда уларни дегазация ва дезинфекция қилиш (бир марта қўлланиладиган ҳимоя воситалари бундан мустасно).

### 5-§. Бино ва иншоотларга қўйилган талаблар

22. ҚМҚ 2.09.04-98 «Корхоналарнинг маъмурий ва маиший бинолари ва иншоотлари» талабларига мувофиқ бўлиши керак.

23. Маъмурият бино ва хоналарни техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаши, ёнғин хавфсизлигини таъминлаши, мазкур бинолар ва хоналарда иш-

ловчилар учун нормал санитария-гигиена шароитини ва меҳнат муҳофазасини таъминлаши керак.

24. Барча бинолар ва иншоотлар улардан фойдаланиш жараёнида доимий техник назоратдан, алоҳида конструкция элементлари ҳолати даврий равишда умумий ва мақсадли кўрикдан ўтказилиши керак.

25. Бино ва иншоотларнинг умумий техник кўригини ўтказиш учун корхона маъмурияти томонидан махсус комиссия тайинланади.

26. Янги қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари билан боғлиқ ишлар ҚМҚ талабларига мувофиқ бажарилиши керак.

27. Қиш вақтида бино томини қордан, соябонларни ҳосил бўлган музлардан узлуксиз тозалаш керак. Йилига 2 марта (баҳор ва кузда) томнинг сувдан ҳимоя қилиш қисмини, тарновни, сув оқиб тушадиган қувурларни барг, шох-шабба, ахлат ва чангдан тозалаш керак.

28. Бино ва хоналарни таъмирлаш, томларни, фонарларни тозалаш ва таъмирлаш, дераза ойналари ва ёритиш арматуралари учун кўрсатилган ишларнинг баландликда қулай ва хавфсиз бажарилишини таъминловчи махсус механизмлар, қурилма ва мосламалар назарда тутилган бўлиши керак.

## 6-§. Санитария-гигиена

29. Корхоналарнинг санитария-маиший ва бошқа ёрдамчи хоналари ҚМҚ 2.09.04-98 «Корхонанинг маъмурий ва маиший бинолари» талабларига мос бўлиши керак.

30. Санитария-маиший ва бошқа ёрдамчи хоналарга эҳтиёж ҳисоблари ишлаб чиқариш жараёнлари ва энг кўп сонли ишловчилар ишлайдиган сменага мувофиқ бажарилади.

31. Ечиниш-кийиниш хоналари кўча, уй кийимлари ва махсус кийимлар ва пойафзалларни сақлаш учун мослашган бўлиши керак

32. Душ хоналари ечиниш-кийиниш хоналари билан ёнма-ён жойлашиши керак.

33. Чекиш жойларини алоҳида хоналарда ёки ҳожатхона билан ёнма-ён хоналар ёхуд дам олиш хоналари ёнида жойлаштириш тавсия қилинади. (ишловчилар сони 100 нафардан кам бўлган) Корхоналарда чекиш учун «Чекиш жойи» деб ёзиб қўйилган махсус белгили жой ажратилади ва жиҳозланади.

34. Ишлаб чиқариш, омбор хоналарида овқатланиш қатъиян ман қилинади.

## 7-§. Сув таъминоти ва канализация тизимига қўйиладиган талаблар

35. Сув билан таъминлаш ва канализация тизими Ўзбекистон Республикаси «Даварxитектқурилиш» томонидан тасдиқланган ҚМҚ 2.04.01-98 «Биноларни ички сув қувури ва канализацияси» талабига мос келиши керак.

Корхонани ишлаб чиқариш оқова сувлари, ташқи канализацияга етиб келгунча зарарли моддалардан тозаланиши керак.

Тозалангандан сўнг сувда зарарли моддаларни таркиби саноат корхоналарини лойиҳалаштириш санитар нормалари ўрнатган, чегараланган рухсат этилган концентрациясидан ошиб кетиши керак эмас.

36. Корхоналарни санитария-гигиеник, технологик ва ўт ўчириш эҳтиёжларини қондириш учун хўжаликда ишлатиладиган ва ичимлик суви билан таъминлаш керак.

37. Хўжалик учун фойдаланиладиган сув таъминоти тармоқларини ичимлик сув узатиладиган тармоқлар билан бирлаштиришга рухсат берилмайди.

38. Сув таъминоти тармоқлари ва канализациядан фойдаланишда тармоқ, иншоот, қурилма ва ускунанинг техник ҳолати назорат қилинади, тиқилган ахлатлар, авария бартараф қилинади, жорий ва капитал таъмирлаш амалга оширилади.

39. Тармоқлардан техник фойдаланишни хавфсиз иш юритишга ўқитилган ва билимлари текширишдан ўтказилган махсус хизмат, махсус тайёргарликка эга бўлган ишчилар томонидан амалга оширилиши лозим.

40. Қудуқларда иш бажарилишида ишнинг мазмуни, жойи ва санаси, хавфсизлик талаблари, бригада таркиби ва хавфсиз иш олиб боришга масъул шахс наряд-рухсатномада расмийлаштирилади.

41. Қудуқларда, камераларда, коллекторларда ва бошқа ерости иншоотларида иш бажарувчи бригада ҳимоя воситалари, зарур асбоб-анжомлар, инвентарлар, мосламалар ва биринчи тиббий ёрдам аптечкаси билан таъминланган бўлиши керак.

## 8-§. Иссиқлик таъминоти ва вентиляция

42. Ишлаб чиқариш, омборхона, маиший ва маъмурий биноларда ҳамда хоналарда ишловчиларга мавжуд зарарли омиллар: юқори (ёки паст) ҳарорат, ҳавонинг нисбий намлиги ва тезлиги юқорилиги, чанг босганлиги ва газланганлиги салбий таъсир қилишининг олдини олиш учун — иссиқ сув, иссиқлик таъминоти, маҳаллий ҳавони тортиш-киритиш, умумалмашувчи вентиляциялар ва сунъий совуқ ҳаво ҳосил қилишни назарда тутиш керак.

43. Ишлаб чиқариш, омборхона, маиший ва маъмурий хоналарнинг иш зоналаридаги ҳаво ҳароратининг меъёрланган қиймати, нисбий намлиги, ҳаво ҳаракати тезлиги санитария ва гигиена талабларига мос бўлиши керак.

44. Иситиш тизими, вентиляция ва сунъий ҳаво юборишни ишга тушириш, фақат мазкур тизимда ишга тушириш синовлари ўтказилиб, паспорт рўйхатида қайд қилингандан сўнг рухсат берилади.

45. Иссиқлик таъминоти тизими, иситиш, вентиляция ва сунъий ҳаво юбориш механизмларининг техник ҳолати ва улардан фойдаланишни назорат қилиш, ўз вақтида сифатли ремонт қилиш масъулияти бош механикка (энергетикка), штатлар жадвалида бундай лавозим бўлмаса, корхона раҳбарининг буйруғи билан тайинланган шахсга юклатилади.

46. Барча иситиш-вентиляция қурилмалари ва темир қувурларда огоҳлантирувчи ранглар, хавфсизлик белгилари ва ёзувлари бўлиши керак.

### 9-§. Ёритиш

47. Корхона майдонида, ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бинолар ва хоналарда табиий ва сунъий ёритишлар Ўзбекистон Республикаси «Даврхитектқурилиш» томонидан тасдиқланган ҚМҚ 2.01.05-98 «Табиий ва сунъий ёритиш»га талабларига мос келиши керак.

48. Барча ишлаб чиқариш ва ёрдамчи хоналарда табиий ёритишдан имкон борича самарали фойдаланиш керак.

49. Зарур бўлганда биноларни ёритиш туйнукларида иш жойларида қуёш нурларининг кўзга тушиш таъсирини йўқотишда (қуёшдан ҳимоя соябони, парда, дарпарда ва ҳоказо) мосламалар ўрнатишни назарда тутиш керак.

50. Ёритгичларни ўрнатиш, куйган лампаларни алмаштириш ва ёритиш тармоғида таъмирлаш ишларини амалга ошириш фақат электр техник ходимлар томонидан электр манбаидан узиб қўйилган ҳолда амалга оширилиши керак.

## III. Қора ва рангли металл парчалари ва резги-чиқитларини қайта ишлаш (технология) жараёнларига қўйиладиган талаблар

### 1-§. Умумий талаблар

51. Қора ва рангли металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш, қайта ишлаш учун техникавий қурилмалар (технологик ускуна, агрегатлар, машина ва механизмлар, техникавий тизимлар ва комплекслар, приборлар, аппаратлар ва бошқалар) мазкур Қоидалар талабларига мос бўлиши керак.

52. Металларни эритувчи техникавий қурилмалардан фойдаланиш ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган ҳамда пўлат ва металл эритиш, қуйиш ишлаб чиқаришларида саноат хавфсизлиги талабларини ҳисобга олувчи технологик йўриқномаларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

### 2-§. Саралаш ва тахлаш

53. Тайёрланган иккиламчи қора ва рангли метал парча ва қолдиқлари махсус ажратилган жойларда тахланиши керак.

54. Саралаш метал парча ва қолдиқлари тўпи, уюми ва тахламининг энг юқори қисмидан бошланиши керак. Метал парча ва қолдиқларни уюми ва тахламининг ости қисмидан бирор метал бўлакларини олиш мумкин эмас.

55. Доимий равишда юклаш-тушириш ишлари олиб бориладиган жой вагон ёки автомашина юк ортилувчи қисми баландлигига тенг бўлган махсус майдонча ёки эстакада билан жиҳозланган бўлиши керак.

56. Ҳар бир метал қолдиқлари партияси, тегишли меъёрий ҳужжат талабларига жавоб беришини тасдиқловчи паспорт билан таъминланган бўлиши керак.

57. Метал парча ва қолдиқларини брикетлаш (пакетлаш) жараёнида уларга нометал қўшилмалар, шунингдек, ичида ёғ, сув ёки муз бўлган ёпиқ буюмлар (идишлар, қувурлар ва бошқалар) қўшилмаслиги керак.

## 3-§. Метал қолдиқларини портлаш хавфсизлиги назорати

58. Корхонада рангли метал парчалари ва резги-чиқитлари портлаш хавфсизлиги назорати бўйича хизмат тузилади ва назорат учун масъул шахс тайинланади.

59. Корхонадаги рангли ва қора метал парчалари ва резги-чиқитларини портлаш хавфсизлиги назоратидан махсус тайёргарликдан ўтиб, аттестациядан ўтган ва гувоҳномага эга бўлган шахс томонидан ўтказилиши керак.

60. Қайта ишлаш ёки жўнатиш учун корхонага келган ҳар-бир метал қолдиқлари партияси портлаш хавфсизлиги текширувидан ўтказилиши ва шу тўғрисидаги ҳужжатга эга бўлиши керак.

61. Конвертер (металл эритиш мосламаси) учун тайёрланган қора метал резги-чиқитлари портлаш хавфсизлиги ҳужжатида «Конвертерда фойдаланиш учун» деган ёзув бўлиши керак.

62. Метал резги-чиқитлари:

артиллерия ва ўқ отув қуроллари гильзалари отилмаган капсула ва портловчи модда қолдиқларидан тозаланган бўлиши;

ҳарбий самолёт ва ракета резги-чиқитлари портловчи модда, мой ва суюқликлардан тозаланган бўлиши;

артиллерия ва ўқ отув қуроллари стволлари қайта ишлатиш учун яроқсиз ҳолатга келтирилган (деформацияланган ёки узунасига канал ўйиб тешилган) бўлиши;

ҳар-хил идишлар, ёпиқ предметлар ва баллонлар, унинг ички юзасини кўриш мумкин бўлган ҳолатда бўғзи очилган ва ичи тоза, ёғ, суюқликлар, қиш вақтида муз парчаларидан ҳоли бўлиши;

кислота ёки бошқа хавфли моддалар сақланган идишлар зарарсизлантирилган бўлиши;

портлатиш йўли билан майдаланган метал чиқит ва қолдиқлари портлаш назоратидан ўтказилиши керак.

63. Келтирилган метал резги-чиқитлари партиясида портлаш хавфи бўлган предметлар топилган тақдирда меҳнат муҳофазаси талабларини инобатга олган ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган йўриқномаларга асосан чоралар кўрилади.

64. Ҳарбий самолёт ва ракета резги-чиқитларини бўлакларга ажратиш, шунингдек, портлаш хавфи бўлган предметларни зарарсизлантиришни бажариш ўта хавфли ишлар ҳисобланиб, алоҳида махсус ажратилган жойда бажарилиши керак.

## 4-§. Таркибида зарарли унсурлар бўлган металл қолдиқларини қайта ишлашда хавфсизлик назорати

65. Иккиламчи металларнинг ҳар бир партияси қабул қилишдан олдин радиоактив текширувдан ўтказилади.

Ишлаб чиқаришда радиоактив моддалар қўлланиладиган корхоналардан топширилган иккиламчи металларнинг ҳар бир партияси дезактивация қилинганлик гувоҳномасига эга бўлиши керак.

66. Таркибида симоб бўлган резги-чиқитларда радиоактив ва бризантлик хоссалари бўлган моддаларнинг бўлиши мумкин эмас.

67. Магний, титан ва уларнинг қириндилари сақланувчи жойларда пайвандлаш ва бошқа учқун ажралиб чиқувчи ишларни бажариш тақиқланади.

68. Таркибида зарарли унсурлар бўлган металл қолдиқларини зарарсизлантириш, қайта ишлаш ва йўқотиш ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган, меҳнат муҳофазаси талабларини инобатга олган тартибда олиб борилади.

## 5-§. Металл қолдиқларини газ ёрдамида кесишда хавфсизлик талаблари

69. Металл қолдиқларини газ ёрдамида кесиш ишлари ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган, меҳнат муҳофазаси талабларини инобатга олган йўриқномаларга асосан олиб борилади.

70. Металл қолдиқларини газ ёрдамида кесиш ишлари олиб бориладиган майдончалар юк кўтариш мосламалари билан жиҳозланган бўлиши керак.

71. Бир бирининг устида турган металл қолдиқларини шу ҳолатда кесиш ишлари олиб бориш тақиқланади. Кесиш ишлари иш майдончаси текис ерида олиб борилиши керак.

72. Идиш ва буюмларни кесишда уларнинг қопқоқ ва қувурлари, ёпиқ юзалари очилган бўлиши керак.

## 6-§. Металл қолдиқларини гидравлик қайчида қирқишда хавфсизлик талаблари

73. Гидравлик қайчи конструкцияси гидротармоқда босим пасайганда қайчи ўз оғирлиги билан пастга ҳаракатланиб кетишини истисно қилиши керак.

74. Гидравлик қайчи оператори иш жойи, бошқарув пультида металларнинг қирқиш мумкин бўлган энг катта ўлчамлари жадвали бўлиши керак.

75. Қирқиш вақтида металл бўлаклари таянчга маҳкам сиқилган бўлиши керак. Қоладиган (охирги) бўлак узунлиги 500 мм дан кам бўлмаслиги керак.

76. Гидравлик қайчи оператори иш жойи поли қаттиқ материалдан, диэлектрик қоплама ёпилган ва озода бўлиши керак. Қирқилган металларни йиғиштириб олиш қайчи тўхтаган вақтда амалга оширилади.

77. Ичи бўш металл қолдиқлари ичи (қувур, цилиндр ва ҳоказо)да бегона жисм ва моддалар бўлмаслиги керак.

Гидравлик қайчида пулемёт, милтиқ ва тўпларнинг қувурларини, аллигатор қайчиларда парчинланган ва мурватлар билан маҳкамланган металл қолдиқларини қирқишга йўл қўйилмайди.

78. Аллигатор қайчиларнинг қўшувчи бошқарув пульти оператор-қирқувчи иш жойида жойлашган бўлиб, тасодифан қўшилишдан ҳимояланган бўлиши керак. Қўшиш педали ҳимоя тўсиғи билан ўралган бўлиб, қайчининг тасодифан қўшилишини олдини олиши керак.

79. Металлни қирқиш учун қайчининг ён томонидан ёки таянчга қарама-қарши томондан узатиш тақиқланади.

## 7-§. Металл парчалари ва резги-чиқитларини пакетлашда хавфсизлик талаблари

80. Синф ва турларга ажратилган металл қолдиқлари пакетловчи пресс ёрдамида прессланади.

81. Пресс жойлашган бинонинг юк кўтариш мосламалари келувчи томон девори металл қопламалар билан ҳимояланади.

82. Пресснинг иш майдончаси, прессловчи-камера ва юк ортилувчи мосламалар атрофи қовурғали металл қопламалар билан қопланади.

## 8-§. Металл қириндиларини брикетлаш (қадоқлаш)да хавфсизлик талаблари

83. Металл қириндилари брикетлаш брикетловчи-пресслар ёрдамида амалга оширилади.

84. Брикетловчи-пресслар металл қириндиларини бошқа қўшилмалардан тозаловчи ва тиқилиб қолган қадоқланган брикетларни чиқариб олувчи механизациялашган мосламалар билан жиҳозланган бўлиши керак.

85. Брикетловчи-пресслар конструкцияси пресснинг ўз-ўзидан ишлаб кетиши хавфидан ҳимоя қилувчи блокировка мажмуаси билан жиҳозланган бўлиши керак.

## 9-§. Чўян парчалари ва резги-чиқитларини майдалаш

86. Чўян парчалари, резги-чиқитларини майдалаш махсус техник қурилмаларда бажарилади.

87. Чўян парчалари, резги-чиқитларини майдалаш, қайта ишлаш ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган, меҳнат муҳофазаси талабларини инобатга олган тартибда олиб борилиши зарур.

## 10-§. Металл қириндиларини саралаш, майдалаш ва мойлардан тозалашда хавфсизлик талаблари

88. Металл қириндиларини саралаш, майдалаш ва мойлардан тозалашда махсус техник мосламалар йиғиндисидан фойдаланилади.

Бундай йиғинди — мосламаларни металл қириндилари солинадиган бункерлари олдида қириндиларни юклашдан олдин кўрикдан ўтказиш учун майдонча бўлиши керак.

89. Йиғинди — мосламалар бункерлари, тегирмонлари ва саралаш барабанларига металл қириндилари етказиб бериш, майдаланган қириндиларни чиқариб ташлаш ва бошқа жараёнлар механизмлар ёрдамида амалга оширилиши керак.

90. Металл қириндиларини майдаловчи агрегатлар тузилмаларида майдаланмаган жисмлар ва металл бўлакларини ушлаб қолувчи мосламалар бўлиши кўзда тутилиши керак.

91. Саралаш барабанлари, конвейер ва металл қириндиларини майдаловчи агрегатлар ишлаётган вақтда улардаги металл бўлакларини қўлда олиш, металл қириндилари солинадиган бункерлар оғзига тиқилиб қолган қириндиларни қўлда тушириб юбориш тақиқланади.

92. Металл қириндиларини мойлардан тозаловчи махсус техник мосламаларга қириндилар етказиб бериш, уларни юклаш ва мойдан тозалангандан сўнг йиғиштириш механизмлар ёрдамида амалга оширилиши керак.

93. Центрифугалар, уларнинг габарити ва қандай иш бажаришидан қатъий назар, уларни очиқ, қопқоқ ва хавфсизлик қопламасисиз ишлашини олдини олиш учун блокировка қилувчи мослама билан жиҳозланган бўлиши керак.

94. Центрифугалар, уларни қириндилар ортишга тайёрлагандан сўнг «ортишга тайёр» деган ёзув кўринадиган, бевосита иш вақтида «автомат» деган ёзув кўринадиган сигнал берувчи мослама билан жиҳозланган бўлиши керак.

95. Ювиб-қуритувчи мосламалар герметик бўлиши ва тортувчи вентиляция билан жиҳозланиши керак.

96. Ювувчи сувли (ишқорли) суюқликлар ходимлар ва уларнинг канализация қувурига тушиш хавфсизлигини таъминловчи ёпиқ қувурли мажмуалар билан жиҳозланган бўлиши керак.

97. Ишлатилган ишқорли суюқликлар махсус техник мосламаларда зарарсизлантирилиши керак.

## 11-§. Металл қолдиқларини портлатиш йўли билан майдалаш

98. Портловчи моддаларни корхоналарда сақлаш, ташиш ва портлатиш ишларини олиб бориш, махсус бронланган ўралардан фойдаланиш муайян тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган йўриқномаларга асосан ушбу

Қоидалар ва портлатиш ишларини олиб боришнинг қоидалари талабларини эътиборга олган ҳолда олиб борилади.

99. Металл қолдиқларини портлатиш йўли билан майдалаш «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан фойдаланишга қабул қилинган махсус биноларда, бронланган ўраларда олиб борилади.

## 12-§. Қора металл парчаларидан рангли металл парчаларини ажратиб олиш жараёнида хавфсизлик талаблари

100. Қора металл парчаларидан рангли металл парчаларини ажратиб олиш ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган, меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини инобатга олган йўриқномаларга асосан олиб борилади.

101. Қора металл парча ва резги-чиқитларидан рангли металл парчаларини ажратиб олишни транспорт воситалари устида бажариш тақиқланади.

## 13-§. Шлакларни қайта ишлаш

102. Шлакларни қайта ишлаш муайян тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган йўриқномаларга асосан ва ушбу Қоидалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларини эътиборга олган ҳолда олиб борилади.

103. Шлакларни қайта ишлаш махсус ишлаб чиқилган ишни ташкиллаштириш лойиҳаси бўйича бажарилади.

## 14-§. Саноат қолдиқларидан сепаратор ёрдамида металл қолдиқларини ажратиб олишда хавфсизлик талаблари

104. Саноат қолдиқларидан сепаратор ёрдамида рангли ва қора металл парчалари, резги-чиқитларини ажратиб олиш ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган, техник мослама ва жиҳозларни ишлаб чиқарувчининг техник талаблари ва меҳнат муҳофазаси талаблари инобатга олинган йўриқномаларга асосан олиб борилади.

105. Сепарация мосламалари металл парчалари тушиб кетишини истисно этувчи панжара ҳамда ишловчиларни хавфдан ҳимоя қилувчи блокировка мосламалари билан жиҳозланган бўлиши керак.

106. Тайёр маҳсулотни олиш мослама тўхтатилган ҳолда механизмлар ёрдамида бажарилиши керак.

107. Техник мосламани ички қисмларини кўздан кечириш, уни тозалаш, қайта ишланаётган материалларни конвейер, бункер ичида ва бошқа жойларда йиғилиб ва осилиб қолишини ҳамда бошқа носозликларни бартараф этиш техник талаблар ва меҳнат муҳофазаси талаблари инобатга олинган йўриқномаларга асосан олиб борилади.

## IV. Рангли металларни иккиламчи қайта ишлаш

### 1-§. Умумий жараёнлар

108. Ҳар-хил идишлар ва ёпиқ предметлар унинг ички юзасини (баллонлар бўғзи очилган) кўриш мумкин бўлган ҳолатда ва ичи тоза, ёғ, суюқликлар, қиш вақтида муз парчаларидан тозаланган бўлиши керак.

109. Шихта материаллари усти ёпиқ биноларда сақланиши керак.

110. Ўзида намлик сақлаган предметларни портлаш туфайли уларни эритиш учун эритиш мосламаларга юклашдан олдин қуритилиши лозим.

111. Бир ёки икки томонидан ёпиқ предметларни портлаш туфайли уларни эритиш учун эритиш мосламаларига юклаш мумкин эмас.

112. Рангли ва қора метал парчалари, резги-чиқитлари сақланадиган бункерлар остки қисмида енгиллатиш учун махсус тешиклар бўлиши керак.

113. Электр индуктив эритиш мосламаларига занглаган рангли ва қора метал парчалари, резги-чиқитларини юклаш мумкин эмас.

114. Радиоактивлик эҳтимоли бўлган рангли ва қора метал парчалари, резги-чиқитларини эритиш мосламаларига юклаш мумкин эмас.

115. Металларни қайта эритиш жараёнидаги асосий хавфли омиллар қаторига эриган металл, буғ ва чанг, шовқин, иссиқлик ва зарарли буғланиш киради.

### 2-§. Алюмин парчалари, резги-чиқитларини иккиламчи қайта ишлаш

116. Алюмин парчалари, резги-чиқитларини қайта ишлаш ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган, ишлаб чиқаришда умумий хавфсизлик қоидалари ва металл эритиш, қуйиш соҳалари меҳнат муҳофазаси талабларини инобатга олган йўриқномаларга асосан амалга оширилиши лозим.

117. Ишчи зонаси ҳавосидаги заҳарли газларнинг чегаравий йўл қўйиладиган концентрацияси:

алюмин оксидлари 1 мг/м$^3$;

чўян оксидлари 6 мг/м$^3$;

углерод оксиди 20 мг/м$^3$ бўлиши керак.

118. Алюминий қотишмалари ишлаб чиқаришда ажралиб чиқувчи аэрозол ва металлар чанги кўзнинг шиллиқ пардасига, юқори нафас йўлларига ва тери қопламига таъсир қилади.

119. Ишлаб чиқариш бинолари умумий алмаштириладиган ва маҳаллий шамоллатиш ускуналари билан жиҳозланган бўлиши керак.

120. Ходимлар махсус кийим-бош ва шахсий ҳимоя воситалари билан соҳавий меъёрларга мос равишда таъминланиши керак.

## 3-§. Мис парчалари, резги-чиқитларини иккиламчи қайта ишлаш

121. Мис парчалари, резги-чиқитларини қайта ишлаш ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган, ишлаб чиқаришда умумий хавфсизлик қоидалари ва металл эритиш, қуйиш соҳаларида меҳнат муҳофазаси талабларини инобатга олган йўриқномаларга асосан амалга оширилиши лозим.

122. Мис қотишмалари ишлаб чиқаришда ажралиб чиқувчи аэрозол ва металлар чанги кўзнинг шиллиқ пардасига, юқори нафас йўлларига ва тери қопламига таъсир қилади.

123. Ишлаб чиқариш бинолари умумий алмаштириладиган ва маҳаллий шамоллатиш ускуналари билан жиҳозланган бўлиши керак.

## 4-§. Қўрғошин парчалари, резги-чиқитларини иккиламчи қайта ишлаш

124. Қўрғошин парчалари, резги-чиқитларини қайта ишлаш ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган, ишлаб чиқаришда умумий хавфсизлик қоидалари ва металл эритиш, қуйиш соҳалари меҳнат муҳофазаси талабларини инобатга олган йўриқномаларга асосан амалга оширилиши лозим.

125. Ишлаб чиқариш бинолари умумий алмаштириладиган ва маҳаллий шамоллатиш ускуналари билан жиҳозланган бўлиши керак.

126. Қўрғошин қотишмалари ишлаб чиқаришда турли кислоталар аэрозоллари, қўрғошин чанги ва бошқа ҳавода тарқалувчи, ажралиб чиқувчи металлар чанги кўзнинг шиллиқ пардасига, юқори нафас йўлларига ва тери қопламига таъсир қилади.

127. Қўрғошин оксиди организмда моддалар алмашуви жараёнини ва асаб тизими бузилишига, камқонлик, ҳужайраларнинг энергетик баланси бузилишига олиб келади.

## 5-§. Рух парчалари, резги-чиқитларини иккиламчи қайта ишлаш

128. Рух парчалари, резги-чиқитларини қайта ишлаш ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган, ишлаб чиқаришда умумий хавфсизлик қоидалари ва метал эритиш, қуйиш соҳалари меҳнат муҳофазаси талабларини инобатга олган йўриқномаларга асосан амалга оширилиши лозим.

129. Рух парчалари, резги-чиқитларини қайта ишлаб чиқаришда ажралиб чиқувчи унинг чанг ва оксидлари юқори нафас йўллари касалликлари ва ошқозон-ичак касалликларини келтириб чиқаради.

130. Ишлаб чиқариш бинолари умумий алмаштириладиган ва маҳаллий шамоллатиш ускуналари билан жиҳозланган бўлиши керак.

## 6-§. Никел парчалари, резги-чиқитларини иккиламчи қайта ишлаш

131. Никел парчалари, резги-чиқитларини қайта ишлаш ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган, ишлаб чиқаришда умумий хавфсизлик қоидалари ва металл эритиш, қуйиш соҳалари меҳнат муҳофазаси талабларини инобатга олган йўриқномаларга асосан амалга оширилиши лозим.

132. Никел парчалари, резги-чиқитларини қайта ишлаб чиқаришда ажралиб чиқувчи чанг заҳарли таъсир кўрсатиб, марказий асаб системаси фаолияти бузилишига, қон босимининг пасайишига ва аллергик касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Никел парчалари, резги-чиқитларини қайта ишлаб чиқаришда ажралиб чиқувчи тузлари ва оксидлари юқори нафас йўллари (бронхиал, ўпка ва ошқозон раки) ва ошқозон-ичак касалликларини келтириб чиқаради.

Тузлари заҳарловчи таъсир кўрсатиб, «никел экземаси», «никел қичимаси» касалликларини келиб чиқишига сабаб бўлади.

133. Ишлаб чиқариш бинолари умумий алмаштириладиган ва маҳаллий шамоллатиш ускуналари билан жиҳозланган бўлиши керак.

## 7-§. Кадмий парчалари, резги-чиқитларини иккиламчи қайта ишлаш

134. Кадмий парчалари, резги-чиқитларини қайта ишлаш ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган, ишлаб чиқаришда умумий хавфсизлик қоидалари ва металл эритиш, қуйиш соҳалари меҳнат муҳофазаси талабларини инобатга олган йўриқномаларга асосан амалга оширилиши лозим.

135. Кадмий парчалари, резги-чиқитларини қайта ишлаб чиқаришда ажралиб чиқувчи чанг ва кадмий оксидлари организмда марказий асаб тизими, ички органлар фаолияти ва фосфор-кальций алмашуви жараёни бузилишига, ошқозон-ичак касалликларини келтириб чиқаради.

136. Ишлаб чиқариш бинолари умумий алмаштириладиган ва маҳаллий шамоллатиш ускуналари билан жиҳозланган бўлиши керак.

## 8-§. Магний парчалари, резги-чиқитларини иккиламчи қайта ишлаш

137. Магний парчалари, резги-чиқитларини қайта ишлаш ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган, ишлаб чиқаришда умумий хавфсизлик қоидалари ва метал эритиш, қуйиш соҳаларида меҳнат муҳофазаси талабларини инобатга олган йўриқномаларга асосан амалга оширилиши лозим.

138. Магний юқори ёнувчан, шунинг учун уни сақлаш ва қайта ишлаш-

да махсус йўриқномаларга асосан иш жойлари ёнувчан чангларни тарқалишини камайтириш учун нам латта билан тез-тез артиб турилади.

139. Магний парчалари, резги-чиқитларини қайта ишлаб чиқаришда ажралиб чиқувчи чанг ва оксидлари тери юзаси шамоллаш-йиринглаш касалликларини келтириб чиқаради.

## V. Меҳнат муҳофазаси қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик

140. Мансабдор шахслар ва ходимлар меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилмаганликлари учун қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

141. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда ходимларни саломатлигига етказилган зарарлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

## VI. Якуний қоида

Ушбу Иккиламчи хом ашё тайёрлаш омборхоналари, база ва пунктлари ходимлари учун меҳнат муҳофазаси қоидалари «Toshkent rangli metall parchalari va rezgi-chiqitlarini tayyorlash va qayta ishlash zavodi» OAJ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, «Саноатконтехназорат» ДИ билан келишилган.

***Ўзбекистон касаба уюшмалари***
***Федерацияси кенгаши раиси*** — *Д. ЖАХОНГИРОВА*

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 22 апрель*

***«Саноатконтехназорат»***
***Давлат инспекцияси бошлиғи*** — *И. ХОЛМАТОВ*

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 22 апрель*

***«Тошкент рангли металл***
***парчалари ва резги-чиқитлари***
***тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи»***
***ОАЖ бош директори в.б.*** — *И. РАХИМОВ*

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 22 апрель*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## 280 Йиғма темирбетон ва бетон конструкциялар ва буюмлар ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 11 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1967*

*(2009 йил 21 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон қарори билан тасдиқланган «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қоида ва нормаларни қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш Дастури» (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Йиғма темирбетон ва бетон конструкциялар ва буюмлар ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киритилади.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири в.б. А. ХАИТОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 8 май,
19/Б-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирининг
2009 йил 8 майдаги 19/Б-сон буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

## Йиғма темирбетон ва бетон конструкциялар ва буюмлар ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда) мувофиқ йиғма темирбетон ва бетон конструкциялар ва буюмлар ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.

## I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар мулкчилик шаклидан қатъий назар, йиғма темир-бетон ва бетон конструкциялари ва буюмлари ишлаб чиқарувчи барча турдаги корхоналар (бундан кейинги ўринларда корхоналар деб юритилади) учун тааллуқлидир.

2. Мазкур Қоидалар корхоналарни лойиҳалаштириш ва фойдаланишда, шунингдек ишлаб чиқаришда меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини назорат қилувчи органлар томонидан қўлланиши шарт.

3. Мазкур Қоидалар қонун ҳужжатлари, давлат стандартлари, қурилиш меъёрлари ва қоидалари, санитария қоидалари ва меъёрларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

## II. Хавфсизлик бўйича умумий талаблар

### 1-§. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш

4. Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни ташкил қилиш «Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш тўғрисида»ги Намунавий низомга (1996 йил 14 август, рўйхат рақами 273) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

5. «Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш тўғрисида»ги Намунавий низомга мувофиқ корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ички назоратнинг асосий турлари қуйидагилар ҳисобланади:

ишларга раҳбарлик қилувчи ва бошқа мансабдор шахсларнинг тезкор назорати;

маъмурий-жамоатчилик назорати (уч босқичли назорат);

бош мутахассислар хизмати томонидан амалга ошириладиган назорат.

Қуйидагилар назорат қилиниши лозим:

иш жойларининг аҳволи;

меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши;

меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш вазифаларини амалга оширишга доир ишларни бажариш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ўз вақтида, тўғри ўрганиб чиқилиши;

меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг бажарилиши;

меҳнатни муҳофаза қилишга ажратилган маблағларнинг тўғри сарфланиши.

6. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 5-сон, 223-модда) 14-моддасига мувофиқ ишловчилар сони 50 ва ундан ортиқни ташкил қилувчи корхоналарда махсус тайёргарликдан ўтган шахслар орасида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил қилиниши керак. Ишловчилар сони 50 дан кам бўлган корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш функцияларини бажариш раҳбарлардан бирининг зиммасига юкла-

тилади. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати вазифаларига корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича барча ишларни мувофиқлаштириш ва ушбу ишлар ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш киради.

7. Корхоналарда қуйидаги асосий ҳужжатлар ишлаб чиқилади (тасдиқланади) ва юритилади:

меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини яхшилаш, санитария-соғломлаштириш чора-тадбирлари бўйича бўлимни ўз ичига олган жамоавий шартнома;

тасдиқланган меҳнат шароитларини баҳолаш ва иш ўринларини аттестация қилиш услубига мувофиқ иш ўринларини аттестация қилиш карталари;

меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг чораклик иш режалари;

ишчилар ва муҳандис-техник ходимларни ўқитиш, йўл-йўриқ бериш ва билимларини синовдан ўтказиш дастурлари;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича маъмурий-жамоатчилик назоратини юритиш журнали (уч босқичли назорат);

ишчи ва хизматчилар билан ёнғинга қарши йўл-йўриқ бериш ва ёнғин-техникавий минимум машғулотларини ўтказиш дастури;

ҳар бир касб ва иш турлари бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш йўриқномалари.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ўз мақомига кўра корхонанинг асосий хизматларига тенглаштирилади ва унинг раҳбари ёки бош муҳандисига бўйсунади ҳамда корхонанинг фаолияти тугатилган тақдирда бекор қилинади.

8. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг мутахассислари лавозим йўриқномасига биноан уларнинг мажбуриятлари жумласига киритилмаган бошқа ишларни бажаришга жалб қилиниши мумкин эмас.

9. Корхоналарда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

10. Ишларни технологик регламент бўйича хавфсиз юритиш йўриқномалари «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш тўғрисида»ги низомга (2000 йил 7 январь, рўйхат рақами 870) мувофиқ ишлаб чиқилади ва ишловчилар хамда иш жойларини шу йўриқномалар билан таъминлаш корхона раҳбарияти зиммасига юклатилади.

## 2-§. Ходимларга йўл-йўриқ бериш, ўқитиш ва уларнинг билимларини синовдан ўтказиш ишларини ташкил этиш

11. Корхоналарнинг барча ходимлари, шу жумладан раҳбарлари ўз касблари ва иш турлари бўйича белгиланган тартибда ўқишлари, йўл-йўриқлар олишлари ҳамда билимлари синовдан ўтказилиши керак.

12. Бевосита ишлаб чиқаришда ишларни ташкиллаштириш ва бажариш билан боғлиқ ишчилар, раҳбарлар, муҳандис-техник ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимларини синовдан ўтказиш «Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш ҳақида»ги Намунавий низомга (1996 йил 14 август, рўйхат рақами 272) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

### 3-§. Ходимларнинг соғлиғини назорат қилиш

13. Корхона маъмурияти (ёки иш берувчи) касаба уюшмаси қўмитаси ва ваколатли соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда ҳар йили даврий тиббий кўрикдан ўтиши лозим бўлган ходимларнинг рўйхатини тузиши ҳамда ходимларнинг кўрикка келишини таъминлаши лозим.

14. Корхоналарда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2000 йил 6 июндаги 300-сонли «Ўзбекистон Республикасида ходимларни ишга қабул қилишда дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги (2000 йил 23 июнь, рўйхат рақами 937) буйруғи асосида амалга оширилиши лозим.

15. Ходимлар тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмас.

16. Тиббий кўриклар корхонанинг тиббий-санитария қисмлари ва поликлиникалари, улар мавжуд бўлмаган ҳолда даволаш-профилактика муассасаси томонидан ўтказилиши лозим. Тиббий кўриклар даволаш-соғломлаштириш тадбирлари белгиланган текшириш далолатномаси билан якунланиши лозим.

17. Корхона маъмурияти (ёки иш берувчи) ва касаба уюшмаси қўмитаси тиббий кўрик далолатномаси билан танишиб чиқиши, иш берувчи эса далолатномада кўзда тутилган барча тадбирлар ва кўрсатмаларни бажариши лозим.

18. Даврий тиббий кўриклар ўз вақтида, сифатли ўтказилиши ва уларнинг натижаларига кўра тавсиялар бажарилиши учун жавобгарлик корхонанинг маъмурияти зиммасига юкланади.

19. Ходимларни соғлиғи туфайли уларга рухсат этилмаган ишларда ишлатиш тақиқланади.

20. Ходим тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлаган ёки тиббий комиссиялар томонидан ўтказилган текширишлар натижаларига кўра берилган тавсияларни бажармаган тақдирда маъмурият ушбу ходимни ишга қўйишга ҳақли эмас.

### 4-§. Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари

21. Корхона ГОСТ 17.2.3.02-78 бўйича хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш хамда технологик жараёнлар, ишлаб чиқариш омиллари, уларнинг тавсифи, юзага келиш манбалари, ишчиларга таъсир қилиш хусусиятлари ва

саломатлик учун хавфлилик даражаси ва келгусидаги оқибатлари тўғрисида тўлиқ ва холисона маълумотга эга бўлиши лозим.

22. Иш жойларидаги ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёнининг хавфли ҳамда зарарли омиллари тўғрисидаги маълумотлар ишлаб чиқариш муҳитининг физик, кимёвий, радиологик, микробиологик ва микроиқлим ўлчовлари натижалари ва иш жойларини аттестация қилиш, жумладан меҳнатнинг оғирлигини аттестация қилиш натижалари билан тасдиқланиши лозим.

23. Ҳар битта корхона ёки алоҳида ишлаб чиқариш хавфли ва зарарли меҳнат шароитларга эга бўлган касблар, иш ўринлари ва ҳудудларининг Санитария қоидалари ва меъёрларига мувофиқ зарарлилик ва хавфлилик синфи кўрсатилган рўйхатига, ишлаб чиқариш омилларининг зарарлилик ва хавфлилик кўрсаткичлари, меҳнат жараёнининг оғирлик кўрсаткичлари бўйича меҳнат шароитларининг амалдаги гигиеник таснифига эга бўлиши лозим.

24. Иш ҳудудига ёки атроф муҳитга зарарли моддаларни буғ, газ, чанг кўринишида ажратиши мумкин бўлган технологиялардан фойдаланишда уларнинг кимёвий ва микробиологик таркиби ва ГОСТ 12.1.005-88 «Иш ҳудудининг ҳавоси. Умумий санитария-гигиеник талаблар» бўйича рухсат этилган энг кўп миқдори кўрсатилган тўлиқ рўйхати тузилиши лозим.

25. Янги зарарли моддалар пайдо бўлишига ёки хавфли ва зарарли омиллар йўқолишига олиб келадиган технологик жараёнлар ўзгаришларида ёхуд янги ишлаб чиқариш ускуналарни жорий қилишда рўйхатларга тегишли ўзгартиришлар киритилиши лозим.

### 5-§. Ишловчиларни ҳимоя қилиш воситаларини қўллаши

26. Ишловчиларни зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш муҳити омилларидан ҳимоя қилиш тегишли стандартлар ва меъёрлар талабларига мос жамоавий ва шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш орқали таъминланиши лозим.

27. Жамоавий ҳимоя воситалари (вентиляция, аспирация, ерга улаш, тунукадан қилинган ғилофлар билан бекитиш, маҳаллий сўрғичлар ва бошқалар) зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш муҳити омиллари хонадаги барча ишловчиларга таъсир қилганда қўлланиши шарт ва корхонани қуриш ёки реконструкция қилиш лойиҳаларига киритилиши лозим.

28. Жамоавий ҳимоя воситалари зарарли ва хавфли омилларни рухсат этилган миқдоргача камайтириш имконини бермаган ҳолларда шахсий ҳимоя воситалари қўлланиши лозим. Бундай ҳолларда шахсий ҳимоя воситаларисиз кишиларнинг иштироки ва ишлар амалга оширилиши тақиқланади.

29. Ишчи ва хизматчилар шахсий ҳимоя воситалари билан корхона томонидан таъминланади.

30. Шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланган ҳолда ишловчилар, уларнинг қўлланиши, ҳимоя хусусиятлари, амал қилиш муддати тўғрисида маълумотларга эга бўлиши ҳамда улардан фойдаланишга ўргатилиши лозим.

31. Корхона маъмурияти ёки иш берувчи қуйидагиларни таъминлаши шарт:

а) амалдаги меъёрлар бўйича мазкур ишлаб чиқариш учун талаб қилинадиган барча шахсий ҳимоя воситаларининг зарур миқдори ва номенклатурасини;

б) ҳимоя воситаларини қўллаш ва тўғри фойдаланиш устидан доимий назоратни амалга ошириш;

в) қўлланилаётган ҳимоя воситаларининг самарадорлиги ва созлигини текшириш;

г) шахсий ҳимоя воситаларидан хавфли ва заҳарли моддалар муҳитида фойдаланилганда уларни дегазация ва дезинфекция қилиш (бир марта қўлланиладиган ҳимоя воситалари бундан мустасно).

## 6-§. Ўта хавфли касблар ва ишлар

32. Ҳар битта корхона ўта хавфли шароитда бажариладиган ишлар рўйхатига эга бўлиши лозим. Рўйхатда аниқ технологик жараён, ишлаб чиқариш ускунаси, ишлатиладиган хомашё ва ишларни амалга ошириш хусусиятлари билан боғлиқ хавфлар ҳисобга олиниши лозим. Рўйхатга хавфли моддалар билан бажариладиган ишлар, баландликда, ифлосланган ҳаво ва сув муҳитида, юқори ҳарорат ва намлик шароитида бажариладиган ишлар, буғ ва сув иситиш қозонлари, юк кўтариш механизмлари, босим остида ишлайдиган сиғимлар, электр ускуналарга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишлар ва амалдаги тармоқ рўйхатларига мувофиқ бошқа ишлар киритилиши шарт.

33. Ўта хавфли ишларга хизмат кўрсатиш ишлари билан шуғулланиш фақат белгиланган тартибда тасдиқланган, махсус ўқитилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларга эга бўлган шахсларга рухсат этилиши лозим.

34. Корхона маъмурияти ёки иш берувчи хавфлилик даражаси юқори бўлган ишларни режалаштириш, ташкиллаштириш ва уларга нисбатан белгиланган талабларга мувофиқ ҳолда амалга ошириш учун тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

## 7-§. Ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этишига рухсат бериш

35. Корхона ходимлари ишни бажаришнинг хавфсиз усулларига ўқитилиб, олинган билимлари «Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисида»ги Намунавий низомга мувофиқ синовдан ўтказилгандан сўнг ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этишга рухсат этилиши мумкин.

36. «Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланадиган ноқулай меҳнат шароитига эга ишлар рўйхати»га (2001 йил 9 июнь, рўйхат рақами 1040) мувофиқ 18 ёшга тўлмаган шахслар зарарли ва ноқулай меҳнат шароитига эга ишларга қабул қилинмаслиги лозим.

37. «Аёллар меҳнатидан фойдаланиш қисман ёки тўлиқ тақиқланган ноқулай меҳнат шароитига эга ишлар рўйхати»га (2000 йил 5 январь, рўйхат рақами 865) мувофиқ аёллар зарарли ва ноқулай меҳнат шароитига эга ишларга қабул қилинмаслиги лозим.

38. Хавфсизлик техникаси бўйича оширилган талаблар қўйиладиган:

а) ходимларнинг бункерларда, қуритиш барабанларида, қудуқлар, аралаштиргичлар, чанг камералари, қориштиргичлар, силослашда, фильтрларда, мазут сақлаш учун резервуарларда ва тоннелли, ковакли ва иссиқлик ишлаб чиқарувчи вертикалли камераларда ва бошқа ёпиқ сиғимларда бўлиши билан боғлиқ бўлган тайёрлов, тозалов ва таъмирлов ишларини;

б) ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини йиғиш, қисмларга ажратиш, ўрта ва капитал таъмирлаш билан боғлиқ бўлган ишларни;

в) бинолар, иншоотлар ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари, конструкция қисмларини баландликда вақтинчалик ҳавозаларда бажарилиши лозим бўлган ишларни бажаришнинг хавфсиз усуллари бўйича йўл-йўриқ бермасдан ва масъул шахс томонидан тасдиқланган махсус расмийлаштирилган наряд-рухсатномасиз амалга ошириш ман этилади.

39. Иш ишлаб чиқарувчининг тайинланиши тўғрисидаги масалани муайян ишнинг тури, мураккаблиги, ҳажми ва хавфсизлик даражасига қараб масъул иш раҳбари ҳал қилади. Муҳандис-техник ходимлар, иш усталари, бригадирлар ёки топширилган ишни хавфсиз бажарилиш технологиясини, услубини ва усулларини билувчи малакали ишчилар иш ишлаб чиқарувчи сифатида тайинланишлари мумкин.

Масъул раҳбар ва иш ишлаб чиқарувчи вазифаларини бир шахс томонидан бирга қўшиб олиб бориши тақиқланади.

40. Наряд-рухсат бўйича иш ишлаб чиқарувчини қўшиб, таркибида икки кишидан кам бўлмаган бригада бажариши керак.

Давлат назорати идоралари назорати остидаги объектларда иш бажарилишига берилган рухсат, давлат назорати идоралари томонидан тасдиқланган қоидалар талаблари асосида расмийлаштирилиши керак.

41. Наряд-рухсат бригаданинг бутун таркибига ва наряд-рухсатда кўрсатилган ишларни бажариш учун зарур бўлган муддатга берилиши лозим.

42. Наряд-рухсатни масъул иш раҳбари икки нусхада тузиши лозим. Наряд-рухсатда қандайдир ўзгартиришлар қилиш тақиқланади.

43. Наряд-рухсат иш бошланишидан аввал масъул раҳбар ва иш ишлаб чиқарувчи томонидан имзоланган бўлиши керак. Наряд-рухсатнинг бир нусхаси масъул иш раҳбарида, иккинчиси эса иш ишлаб чиқарувчида бўлиши шарт.

44. Иш ишлаб чиқарувчи бригаданинг ишлашига рухсат беришдан аввал бригада аъзоларига хавфсизлик техникаси бўйича йўриқнома бериши лозим. Наряд-рухсатга барча бригада аъзолари хавфсизлик техникаси бўйича йўриқнома олганликлари ҳақида имзо қўйишлари лозим.

45. Масъул иш раҳбари шахсан қуйидагиларга мажбур:

иш ишлаб чиқарувчини иш мазмуни ва ҳажми билан таништириши ва уларни бажаришдаги хавфсизлик тадбирлари бўйича йўл-йўриқ бериши;

ишлаб чиқарувчи билан биргаликда иш участкаларидаги хавфсизлик техникаси ҳолатини текшириши;

наряд-рухсатда кўрсатилган хавфсизлик чораларига ишловчилар томонидан риоя этилаётганлигига ва иш бажарилиб бориши устидан доимий назоратни амалга ошириши.

46. Иш ишлаб чиқарувчи барча хавфсизлик чораларига риоя этиш билан ишни тўлиқ ҳажмда бажарилишини, ишловчилар томонидан якка ва жамоа ҳимояланиш воситаларини, асбобларни, мосламаларни ва шунга ўхшашларни тўғри ишлатилишини таъминлашга мажбурдир.

47. Қуйидагиларда ишлар тўхтатилган ва наряд-рухсат бекор қилинган бўлиши керак:

хавфсизлик техника, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнғин хавфсизлиги талабларини бузилишини билиб қолганда;

ходимларни ҳаёти ва соғлиғи учун хавф туғилганда;

ходимларга хавфсиз ва соғлом иш шароитини таъминлайдиган наряд-рухсатда кўзда тутилган иш ҳажмлари ва хусусиятлари ўзгарганда;

масъул раҳбар ёки ишлаб чиқарувчи ўзгарганда, шунингдек бригада таркиби ўзгарганда.

Ишларни қайтадан тузиш учун янги наряд-рухсати керак.

## 8-§. Корхона майдонларига бўлган хавфсизлик талаблари

48. Корхона майдонлари ва биноларни жойлашуви СанМваҚ II-89-80 «Саноат корхоналарини бош плани»га мос бўлиши керак.

49. Корхонада транспорт воситаларини ва пиёдаларни корхона ҳудудида ҳаракатланиш чизмаси ишлаб чиқилган ва тасдиқланган бўлиши керак.

Транспорт воситалари ва корхона ҳудудида пиёдаларнинг ҳаракати чизмаси корхонага кириш ва чиқиш, ҳамда иш участкалари ва цехларнинг кўринарли жойларига осиб қўйилиши керак.

50. Корхонада автойўллар ёки пиёда йўлкалари билан туташган ички корхона темир йўллари учрашган жойларда автойўллар ва пиёдалар учун ўтиш йўллари бўлиши лозим.

51. Корхона майдонлари кўкаламзорлаштирилган ва сув қуйиш қувурлари тармоқлари билан таъминланган бўлиши керак. Қурилиш майдонида ишчилар учун дам олиш жойлари бўлиши лозим.

Сутканинг қоронғу вақтларида ҳудудларнинг ёритилиши «Табиий ва сунъий ёритиш» ҚМҚ 2.01.05-98 талабига жавоб бериши керак.

52. Корхона майдонидаги ўтиш жойлари мустаҳкам ёпқичлар, сувлар оқиб кетадиган иншоотлар билан жиҳозлангани бўлиши керак.

53. Йилнинг ёз вақтида йўлкалар ва ўтиш жойларига сув сепилган, қишда қордан тозаланиб, қум сепилган бўлиши керак.

54. Корхоналарда ҳаракатланувчи темир йўл составларини интенсив ҳаракатланишига ўтиш жойлари автоматик сигнал билан таъминланиши лозим.

55. Корхона ҳудуди ШНҚ 2.01.02-04 «Бинолар ва иншоотларни ёнғинга

қарши хавфсизлиги» талабларига мос келувчи ёнғин ўчириш воситалари билан жиҳозланган бўлиши керак, ҳамда ГОСТ 12.1.004-91 «Ёнғин хавфсизлиги», ГОСТ 12.1.041-83 «Ёнувчи чангларни, ёнғин-портлаш хавфсизлиги. Умумий талаблар», ГОСТ 12.1.114-82 «Ўт ўчириш машиналари ва ускуналари. Шартли белгилар чизмаси», ГОСТ 12.1.010-76 «Портлаш хавфсизлиги», ГОСТ 12.1.011-78 «Портлаш хавфи бўлган аралашмалар», ГОСТ 12.2.037-78 «Ўт ўчириш техникаси» талабларига жавоб бериши керак.

## 9-§. Бино ва иншоотларга бўлган хавфсизлик талаблари

56. Ишлаб чиқариш ва ёрдамчи хоналарни (ҳарорати, нисбий намлиги, ҳавони ҳаракатланиш тезлиги ва бошқалар) микроиқлими ГОСТ 12.1.005-88 талабига жавоб бериши керак.

57. Ишлаб чиқариш ва ёрдамчи биноларда ҳожатхона, ювиниш хонаси, душ, аёллар шахсий гигиенаси хонаси, ечиниш хонаси, махсус кийимларни қуритиш ва чангдан тозалаш хонаси, ишчилар исиниш хонаси, дам олиш ва овқатланиш хонаси, йиғиштириш инвентари билан бирга навбатчи ходим хонаси, дам олиш хонаси ёнида кулдонлар, соқолни олиш, бошни қуритиш, махсус кийимларни ювиш хонаси, соғлиқни сақлаш пункти (кутиш учун жойлар ва вестибюл, рўйхатдан ўтиш жойи, бетобларни қабул қилиш хонаси, физиотерапия хонаси, стоматология хонаси, касалларнинг вақтинчалик ётиш хоналари, соғлиқни сақлаш пункти бошлиғи хонаси, гинеколог хонаси, дориларни сақлаш жойи, олиб келинадиган материаллар ва автоклавлар учун бино, медицина асбоб-ускуналарини қўйиш жойи, тамбурдаги ҳожатхона умивалники билан, душ), тоза ва кир махсус кийимларни сақлаш учун қўйиш жойи ва шахсий ҳимояланиш моддалари ва бошқалар ҚМҚ 2.09.04-98 «Корхоналарнинг маъмурий ва маиший бинолари» талабига мос келиши керак.

58. Ҳўл жараёнлардаги хоналарда, ҳамда иссиқ ўтказувчи полларда (бетонли, ғиштли, плитали ва бошқалар) мунтазам ишловчи ишчи жойларида ёғоч тўшамалар ва панжаралар ётқизилган бўлиши керак.

Пол тўшамалари зарарли моддалар, ишлаб чиқаришдаги кирлар ва чанглардан енгил тозаланишни таъминлаши керак.

59. Ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари СанМваҚ 2.09.02-85 «Ишлаб чиқариш бинолари» талабига мос келиши керак.

60. Ёрдамчи бинолар ва хоналар ҚМҚ 2.09.04-98 «Корхоналарнинг маъмурий ва маиший бинолари» талабига мос келиши лозим.

61. Бинога транспорт воситаларини кириш жойлари дарвозалар ва сигнал асбоб-ускуналари билан таъминланган бўлиши лозим.

62. Дарвоза тавақалари ёпиқ ва очиқ ҳолатида махсус мосламалар мустаҳкам ўрнатилган бўлиши керак.

63. Кенг изли темир йўл транспортини бинога кириши учун дарвоза эни камида 4,9 м, баландлиги камида 5,4 м бўлиши керак.

64. Автомобиль транспортини бинога кириши учун дарвоза эни фойдаланилаётган автомобиллар эни миқдоридан ошиқ бўлиши керак.

65. Дарвозалар баландлиги транспорт воситасининг баландлигидан камида 0,2 м дан ошиқ бўлиши керак.

66. Бир ходимга ишлаб чиқариш хоналари ҳажми 15 $м^3$ дан, майдони 4,5 $м^2$ дан кам бўлмаслиги лозим.

67. Биноларни ойналанган фонарларига горизонтал металл тўрлар ўрнатилган бўлиши керак.

68. Вертикал ойналанган фонарлар учун тўрлар эни 0,7 м дан кам бўлмаслиги керак. Ёпиқ ва горизонтал ойналанганда тўрларни эни, тавақаларни ойналанган горизонтал проекцияси миқдори бўйича ҳисоблаб аниқланади.

69. Аккумулятор батареяларини зарядлаш учун хоналар оқиб-тортиш вентиляциялари ускуналари билан жиҳозланган бўлиши керак.

70. Аккумулятор батареяларини зарядлаш хоналарини кириш эшиклари ГОСТ 12.4.026-76 бўйича тақиқловчи хавфсизлик белгилари «Очиқ оловдан фойдаланиш ман этилади», «Чекиш мумкин эмас», «Кириш тақиқланади» деб ёзилган изоҳли сўзлар билан осилган бўлиши керак.

71. Барча корхоналарда бинолар ва иншоотлардан фойдаланиш ва ҳолатини мунтазам кузатиш ташкил этилган бўлиши керак.

72. Барча ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари бир йилда икки мартадан (баҳор ва кузда) кам бўлмаган ҳолда корхона раҳбари тайинлаган комиссия томонидан техник кўригидан ўтказилиши лозим. Кўрик хулосалари, улардан топилган нуқсонларни бартараф этиш бўйича тадбирлар ва муддати кўрсатилган далолатномалар орқали расмийлаштирилиши керак.

73. Ходимлар учун хавф туғдирувчи ҳалокат тусидаги бузилишлар тезда бартараф этилиши керак. Ҳалокатни бартараф этилгунча ишлаб чиқариш жараёнлари хавфли ҳудудларда тўхталиши лозим, хизмат кўрсатувчи ходимлар хавфсиз жойга кўчирилиши керак.

## 10-§. Шамоллатиш ва иситиш тизимига қўйиладиган талаблар

74. Шамоллатиш ва иситиш ҚМҚ 2.04.05-97 «Иситиш, шамоллатиш ва кондиционерлаш» талабини қониқтириши лозим.

75. Оқимли шамоллатишларни ташқи ҳаво тизимидан олиш ердан камида 2 м баландликда бажарилиши лозим.

76. Ўтиш жойларида (галереяларда, зиналар майдончаларида ва шунга ўхшаш) жойлашган иситиш жиҳозлари (қувурлар, регистрлар ва шунга ўхшашлар), рухсат этилган ўтиш йўлкаларини энини камайтирмаслиги керак.

77. Ишчи жойларига очиқ дарвоза, эшик ёки технологик тешикдан келувчи ҳаво ҳарорати йилнинг совуқ даврида енгил жисмоний ишда 21°С, ўрта оғир ишда 17°С, оғир ишда 16°С дан паст бўлмаслиги керак.

78. Ходимларни исиниши учун хоналарда ҳаво ҳарорати 22°С дан кам бўлмаслиги керак.

79. Биноларда жойлашган ишчи майдонларидан, ходимларни исиниш

хоналаригача бўлган масофа 75 м, корхона майдонидаги ишчи жойларидан 150 м дан кўп бўлмаслиги керак

## 11-§. Сув таъминоти ва канализация тизимига қўйиладиган талаблар

80. Сув билан таъминлаш ва канализация тизими Ўзбекистон Республикаси «Даврхитектқурилиш» томонидан тасдиқланган ҚМҚ 2.04.01-98 «Биноларни ички сув қувури ва канализацияси» талабига мос келиши керак.

81. Корхонани ишлаб чиқариш оқова сувлари, ташқи канализацияга етиб келгунча зарарли моддалардан тозаланиши керак.

82. Тозалангандан сўнг сувда зарарли моддаларни таркиби саноат корхоналарини лойиҳалаштириш санитар нормалари ўрнатган, чегараланган рухсат этилган концентрациясидан ошиб кетиши керак эмас.

83. Ичимлик сувдан фойдаланиш учун сув қувурига уланган фаввора-чалар бўлиши керак. Сув қувурлари йўқ бўлганда бакларда қайнатилган сув бўлиши лозим.

84. Иссиқ ва қолиплаш цехларида, буғлантириш камералари бўлинмаларида ва қозонхоналардаги ишчилар сменада, таркибида 0,5% гача туз бўлган, бир кишига 4-5 л ҳисобида газли сув билан таъминланишлари керак.

85. Иш жойидан сув ичиш қурилмасигача бўлган масофа 75 м дан ошмаслиги керак.

86. Ичимлик сувни ҳарорати 8 дан 20°С гача бўлиши керак.

87. Саноат корхонаси ҳудудидаги ҳожатхоналар иссиқ ва канализацияланган бўлиши лозим.

88. Корхонада канализация тизими йўқ бўлганда Давлат санитар назорати органлари билан келишилган ҳолда корхонада ер қатламини ифлослантирмасликка ва ишлаб чиқариш канализациясига душхоналардан ва юз-қўл ювгичлардан сув оқмайдиган қурилмали ахлат ўраларига рухсат этилади.

## 12-§. Ёритишга қўйиладиган талаблар

89. Корхона майдонида, ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бинолар ва хоналарда табиий ва сунъий ёритишлар Ўзбекистон Республикаси «Даврхитектқурилиш» томонидан тасдиқланган ҚМҚ 2.01.05-98 «Табиий ва сунъий ёритиш»га мос келиши керак.

90. Авария ёритиш тармоқларига бирорта электр энергия истеъмолчиларини улаш тақиқланади. Авария ёритишларни созлиги камида чоракда бир марта текшириши лозим.

91. Ёруғ тушувчи ойналарни йилда икки мартадан кам бўлмаган ҳолда тозалаш лозим.

92. Ёруғлик тушадиган дераза ва эшикларни бегона предметлар (ускуна, тайёр маҳсулот ва бошқалар) тўсиб қўйишга рухсат этилмайди.

93. Сунъий ёритишда икки тизим ишлатилади: умумий ва бирлашган (умумий маҳаллий билан биргаликда). Биргина маҳаллий ёритишни қўллаш тақиқланади.

94. Участкаларда ва хоналарда портлаш бўйича хавфли газ ва чанглар концентрацияси йиғилиб қолиш эҳтимоли бўлса, электр ёритиш тизими портлашдан ҳоли ҳолда бажарилиши керак.

95. Юқори хавфли хоналарда кучланиши 36 В дан юқори бўлмаган кўчма электр ёритқичлар ишлатилиши керак. Ўта хавфли хоналарда, хоналардан ташқари, ҳамда ускуналар ва иншоатлар (бункерлар, силосослар, қудуқлар, буғлантириш камералари, туннеллар ва бошқалар)ни ички сиртини ёритиш учун кўчма электр ёритқичларни кучланиши 12 В дан ошмаслиги керак. Барча кўчма ёритқичлар ҳимояланиш даражаси 1Р54 дан кам бўлмаган ва металл ҳимояланиш тўри ҳамда шиша қалпоқ билан ускуналанган бўлиши керак.

## 13-§. Хомашё, материаллар ва тайёр маҳсулотлар омборхоналарига қўйиладиган талаблар

96. Барча омборлар учун корхона маъмурияти томонидан материалларни хавфсиз сақлаш қўлланмаси ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши керак.

97. Очиқ омбордаги майдон юзасидан сувларни ва жала сувларини четга чиқарилиши таъминланган бўлиши керак.

98. Қиш пайтида омборхона жойлашган майдонда қор, музлардан тозаланган ва қум, кул ёки шлак сепилган бўлиши керак.

99. Тахламлар ва стеллажлар орасидаги йўлкаларнинг эни 1 м дан кам бўлмаслиги керак. Омборда транспорт воситасидан фойдаланилганда йўлкаларга қўшимча ўтиш йўлларини эни 3 м дан кам бўлмаслиги кўрсатилиши керак. Тахламлар қатори ва транспорт воситаси ўлчамлари оралиғи эни 1,5 м дан кам бўлмаслиги керак.

100. Ишчи зонасидаги ҳавода зарарли моддалар таркиби ГОСТ 12.1.005-88 бўйича рухсат этилган концентрациядан ошиқ бўлмаслиги керак.

101. Омборларни умумий ёритиш ҚМҚ 2.01.05-98 «Табиий ва сунъий ёритиш» талабига асосан 20 люкс. дан кам бўлмаслиги керак.

Иш жойларини ёритганда ишчилар кўзини нур оқими билан прожекторлар орқали қамаштиришга йўл қўйилмайди.

102. Тахлаш учун омборлар ва майдонлардаги юкларни юклаш, юк тушириш ва бошқа жойга кўчириш жараёнлари механизациялаштирилган бўлиши керак.

103. Ертўла ва ярим ертўла хоналарда жойлашган ва бирдан ошиқ зинапояларга эга зиналар ёки баландлиги 1,5 м дан ошиқ омборлар, ҳамда биринчи қаватдан ва бирдан ошиқ зинапояларга эга зиналар ёки омборлар баландлиги 2 м дан юқори бўлса юкларни тушириш ва кўтариш учун кўтаргичлар билан жиҳозланган бўлиши керак.

104. Темир йўл бўйидаги омборлардаги тахламлар ва ҳаракатдаги тар-

киблар орасидаги йўлкаларни эни тахламлар баландлиги 1,2 м гача бўлганда камида 2 м ва 1,2 м дан ошиқ бўлганда 2,5 м дан кам бўлмаслиги керак.

105. Хомашё, ёқилғи, материаллар ва тайёр маҳсулотларни электр тармоқлари остига ва кран йўлларига тахлаш тақиқланади.

### 14-§. Цемент ва тўлдиргичлар омборлари

106. Чангланувчи материаллар учун силослар, бункерларни юклаш ва тушириш пайтида чангларни ушлаб қолувчи мосламалари билан ҳамда материалларни гумбаз бўлиб қолиши ва осилиб қолишини (электр титраткичлар (вибраторлар), пневматик шуровкалар, тўзатгичлар ва бошқалар) олдини олиш мосламалари билан жиҳозланган бўлиши керак.

107. Одамларни силослар ва бункерларда (текшириш, тозалаш, таъмирлаш) бўлиши билан боғлиқ барча ишлар ишлаб чиқариш ишлари лойиҳаси ва наряд-рухсат бўйича бажарилиши керак.

108. Силослар ва бункерларга уланган оқимлар ва таъминлагичларни люк қопқоқлари, зич ёпилган бўлиши керак. Ишлаб чиқариш хоналарига уланмаларни зичланмаганлиги орқали чангларни ажралиб чиқишига йўл қўйилмайди.

109. Люклар қопқоғи қулфланадиган мосламалар билан жиҳозланган бўлиб, уларни калити цех бошлиғи (смена устаси)да сақланиши лозим ва корхона бўйича буйруқ билан тайинланган масъул иш раҳбарига ишни бажариш учун наряд-рухсатнома расмийлаштириб, буйруқ орқали берилади.

110. Силослар ва бункерларга пастки ва ён люкларидан фақат таъмирлаш ишларни бажариш учун кирилади. Деворлар ва ёпқичлар осилиб ётган материаллардан олдиндан тозаланиши керак. Юқори люк орқали тушиш фақат девор ва ёпқичларни текшириш ёки тозалаш учун тушилади.

111. Силослар ва бункерларга тушиш ўзи кўтарар кажаваларда, ҳамда одамларни кўтаришга мўлжалланган, чиғир ёрдамидаги кажаваларда бажарилиши лозим.

112. Ишчиларни силослар ва бункерларга туширишда қуйидаги хавфсизлик чоралари кўрилиши керак:

шнеклар ва элеваторлар электр тармоғидан узилган бўлиши, ишга туширадиган қурилмалар устига тақиқловчи хавфсизлик белгилари осилиши: ГОСТ 12.4.026-76 1.5 бўйича тушунтирувчи сўз; «Уламанг одамлар ишлаяпти!»;

ходимлар шахсий ҳимоя воситалари (махсус кийим, каскалар, респираторлар, ҳимояловчи кўзойнаклари, эҳтиёт камарлари, сақланиш арқонлари), сигнал воситалари ёки алоқа (сигнал арқонлари, гаплашиш мосламалари, радио алоқаси) билан таъминланиши лозим. Эҳтиёт камарлари, сақланиш арқонлари ва чиғирлар текширилган ва синалган бўлиши керак.

113. Осилган ва соябонларни бартараф этганда кажавалар материалларини қўллаш ҳудудида бўлмаслиги керак.

114. Силослар ва бункерларни тозалаганда қуйидагилар тақиқланади:

пастки ва ён люкларни қопқоғини очиш ва унга кириш;

материаллар қатлами 0,5 м дан ошиқ бўлганда кажаваларда тушиш;

материалларни тагидан чопиб қулатиш.

115. Силосларга тушиш учун кажавалар қуйидагилар билан ускуналанган бўлиши керак:

баландлиги 1,2 м дан кам бўлмаган яхлит металли панжаралар билан, тагидан камида 0,15 м баландликкача қоплаш ва кажава тўшамасидан 0,6 м баландликга қўшимча тўсиқ планкаси билан;

ўриндиқлар, оёқ учун таянчлар, силосларни тозалаш учун кажавага маҳкамланган мосламалар ва асбоблар учун чўнтаклар;

уларни ағдарилиб кетиш эҳтимолини бартараф этувчи қурилмалар.

116. Қопланган цементларни омборга бир-бирига боғлаб, тахлаб жойлаш керак. Қопларни механизациялаб жойлаганда тахламлар баландлиги 2,5 м дан, қўл билан тахлаганда 1,5 м дан ошмаслиги керак.

117. Цементни шикастланган, тўкиладиган қопларда тахлаб жойлаш тақиқланади.

118. Бункерларни очиқ юкловчи тешиклари периметри бўйича тўсилган бўлиши керак. Бункерни автомобил транспорт билан юклаш томонидан баландлиги 0,4 м дан кам бўлмаган отбой бруси ўрнатилган бўлиши керак.

119. Материалларни темир йўл транспорти билан олиб келинганда қуйидагилар тақиқланади:

вагонларни қабул қилиш бункерлари ва эстакадаларда 5 км/с тезликдан ортиқ ҳаракатланиш;

таркибни қабул қилувчи бункерга узатилганда темир йўл изларини тозалаш;

вагон-думпкарларни ағдариш зонасида одамларни бўлиши.

120. Очиқ майдонда уйиб сақланадиган тўлдиргичлар (майда тош, шағал, қум ва бошқалар)ни қулашини олдини олиш учун, улар тахланиш учун жойларга тўкилиши лозим, табиий қиялик бурчаги ҳар бир материал учун рухсат этилгандан ошиқ бўлмаслиги керак.

Тахланган тўлдиргичларда иш бажарганда ковлаб ишлаш тақиқланади.

## 15-§. Метал ва пўлат арматуралар омбори

121. Пўлат арматура ўрамлари прокатни хилланган номи, маркаси, диаметри бўйича тахлаб сақланиши керак. Тахламлар баландлиги 1,5 м дан ошмаслиги, улар орасидаги йўлкалар эни эса 1 м дан кам бўлмаслиги керак.

Пўлат арматурали ўрамларни, тўсиқ билан жиҳозланган чуқурчаларда сақлашга йўл қўйилади.

122. Листли пўлат ва қора металл прокати турлари, прокат номи, маркаси, диаметри бўйича сараланган бўлиши керак ва тахламларда, стеллажларда сақланиши керак.

Листли пўлат тахламлари баландлиги қатлам силжишини истисно этиш учун ўрнатилган чекловчи асбоб билан биргаликда 1,5 м дан ошмаслиги керак.

123. Тайёр арматура маҳсулотлари (пайвандланган тўрлар, каркаслар,

илмоқлар ва шунга ўхшашлар) махсус стеллажлар ёки контейнерларда сақланиши керак.

### 16-§. Ёғоч ва тахта материалларини сақлаш омбори

124. Ёғоч ва тахта материаллари омбори ҳудудларини тузиш ГОСТ 9014.0-75 ва ГОСТ 7319-80 талабига мос келиши керак.

125. Ёғоч ва тахта материаллари омбори шамоллатиладиган ва дренажланган участкада жойлашган бўлиши керак.

126. Рельс олди ёғоч материаллари омбори темир йўлларидан камида 5 м, тахта материаллари камида 10 м масофада жойлашган бўлиши керак.

127. Тахламларга бемалол кириш таъминланган бўлиши керак. Тахламлараро ўтиш жойларида осилган ва йиқилган ҳолда ёғоч материаллари бўлмаслиги керак.

Ўтиш жойларини эни 2 м дан кам бўлмаслиги керак.

128. Майдони 3200 $м^2$ дан ошиқ бўлмаган тахланган ёғоч материаллари гуруҳи орасида 10 м дан кам бўлмаган ўтиш жойлари кўзда тутилган бўлиши керак.

129. Ёғоч ва тахта материалларини жойлаш шароити қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

ёғоч материаллари-тахламларда баландлиги 1,5 м дан кўп бўлмаган қаторлари орасига қистирма қўйилган ва думалаб кетишга қарши тиргаклар ўрнатилган бўлиши (тахлама баландлиги унинг энидан кам бўлишига йўл қўйилмайди);

тахта материаллари-тахламада баландлиги қаторлаб жойлаганда тахламани ярим энини ташкил этади, клетларга жойлаганда эса тахламларни энидан катта бўлмаслиги.

130. Тахламларни бўшатиб олиш кетма-кет баландлиги бўйича (поғонали бўшатиш) бажарилади. Тахталар ва ходаларни тахламани пастки қаторидан тортиб олиш тақиқланади.

131. Омборлар ёнғинга қарши сув таъминоти ва бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан жиҳозланган бўлиши керак.

### 17-§. Тайёр маҳсулот омбори

132. Юк кўтариш механизмлари ҳудудида юкларни илиш ва буюмларни тахлаш чизмалари осилган бўлиши керак.

133. Ясси темир бетон буюмларини горизонтал ҳолатда тахлаб жойлаганда баландлиги 2 м дан юқори бўлмаслиги керак.

134. Буюмларни тахлаб жойлаш бино ва иншоатларни лойиҳа ҳолатига ёки унга яқин бўлиши керак (горизонтал ҳолатда тахланадиган узун ўлчамли устун буюмлар, қувурлар, иншоатлар, тирговучлар, колонналар, қозиқлар ва бошқалардан ташқари).

135. Темир бетон буюмларини жойлаб тахлаш ва тахламларни бузган-

да, тахлаш баландлиги 1,6 м ва ундан юқори бўлганда ГОСТ 26887-86 талабига асосан инвентар нарвонлар ишлатилади.

136. Қурилиш конструкциялари ва буюмларини электр тармоқ линиялари остида ва кран йўлларида тахлаб жойлаш тақиқланади.

137. Ясси конструкциялар ва буюмларни вертикал ҳолатда сақлаш учун кассеталар ишлатилади. Қия ҳолатда сақланувчи буюмлар пирамидаларга тахланиши керак.

138. Темир бетон шпаллари баландлиги 16 қатордан кўп бўлмаган ҳолда тахланиши керак. Шпал қаторлари орасига 50 х 50 мм кесимли ёғоч қистиргичлар шпал учидан 550 мм масофада ўрнатилиши керак.

139. Темир бетон қувурлар, диаметри, мустаҳкамлик синфи бўйича хилланиб, кенгайган оғзи билан қарама-қарши томон жойланиб тахланиши керак.

140. Темир бетон қувурлар, тиргаклар, айлана кесимли колонналар тахланган майдонлар, уларни думалаб кетишини олдини олиш учун темир бетон ёки ёғоч таглик билан қистирилган бўлиши керак. Мунтазам тахланадиган жойларда қистирмалар майдонларда мустаҳкамланган бўлиши керак.

Тахламлар сони 4 қатордан ошмаслиги керак. 1400 мм ва ундан катта қувурлар баландлиги 2 қатордан ошмаслиги керак.

141. Темир бетон тиргаклар 5 қатордан юқори бўлмаган баландликда, асослари бир-бирига қарши томонлари билан тахланган ҳолда сақланиши керак. Вертикал қаторлар орасига уларни думалаб кетишини олдини олиш учун ёғоч таглик тиқинлар ўрнатилиши керак.

## 18-§. Шовқин ва тебраниш хавфсизлигига доир талаблар

142. ГОСТ 12.1.003-83 талабларига кўра, шовқин ишчи жойларда, хоналарда ва корхона ҳудудида рухсат этилган меъёрлардан ошмаслиги лозим, тебраниш даражаси эса ГОСТ 12.1.012-90 талабларига мувофиқ бўлиши керак.

143. Паст ҳарорат шароитида тебранма ускуналарини ишлатганда, қуйидаги иш ва дам олиш режими бўлиши керак: ёпиқ хоналарда ҳарорати 22$^{0}$С, ҳаво ҳаракати 0,3 м/с дан кўп бўлмаган ва нисбий намлиги 40 — 60% чегарасидан юқори бўлса, ҳар 45 — 50 дақиқа ишдан сўнг 10 дақиқа давомида танаффус қилиш керак.

144. Иш жойларида тебраниш параметрларини ўлчаш камида бир йилда бир марта, ишлаётганларни қўлига узатиладиган локал тебранишларни, бир йилда камида икки маротаба назоратдан ўтказиш керак.

145. Шовқин ва тебранманинг рухсат этилган чегара босқичидан ошиши ноқулай таъсирини бартараф этиш мақсадида, ходимлар ГОСТ 12.4.002-97, ГОСТ 12.4.024-76, ГОСТ 12.4.051-87 талабларига мувофиқ шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган бўлиши керак.

146. Шовқин даражаси 80 дБА дан ортиқ бўлган ҳудудларда ГОСТ 12.4.026-76га асосан хавфсизлик белгилари билан белгиланган бўлиши керак.

Шовқин даражаси 135 дБА дан ортиқ бўлганда ходимларни ушбу ҳудудда ҳатто қисқа вақт мобайнида бўлиши тақиқланади.

## III. Ишлаб чиқариш (технология) жараёнларига қўйиладиган талаблар

### 1-§. Ишлаб чиқариш (технология) жараёнларига қўйиладиган умумий талаблар

147. Ишлаб чиқариш жараёнлари ГОСТ 12.3.002-75 хавфсизлик талабларига мос келиши керак.

148. Ишлаб чиқариш хоналарида, ишлаб чиқариш ускуналарини жойлашуви хизматчи ходимларга ҳамда уларда ишловчиларга хавф туғдириши керак эмас.

149. Цехларда ўтиш йўллари эни қуйидагилардан кам бўлмаслиги керак:

асосий ўтиш йўллари 1,5 м;

ускуналар ораси 1,2 м;

биноларни қурилиш конструкциялари ва ускуналари оралиғи 1 м;

ускуналарга уларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун 0,7 м.

Ишчи ўринларда ўтиш жойлари эни, ишчи ўринларидан ўтиш жойлари ва ўтишлари бир томонлама жойлашган бўлса, камида 0,75 м га ошган, ишчи ўринлари ўтиш жойлари ва ўтишлари бўйича икки томонлама жойлашган бўлса 1,5 м дан кам бўлмаслиги керак.

150. Корхона маъмурияти ходимларни ички завод сигнализацияси шартли белгилари билан таништириши керак.

Сигнал мосламалари шундай жойлашган бўлиши кераккки, улар ҳар қандай иш шароитида кўриниб туриши керак.

Сигнал мосламалари (электр қўнғироқлари, лампочкалар, сиреналар) механик шикастланишдан ҳимояланган бўлиши керак.

151. Газ-чанг ушлагич қурилмаларидан фойдаланилганда «Газ-чанг ушлагич қурилмаларига хавфсиз хизмат ва техник эксплуатация этиш қоидалари» талабларига амал қилиш керак.

152. Босим остида ишловчи идишлардан фойдаланилганда, таъмирлаганда ва ўрнатганда «Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси томонидан тасдиқлаган «Босим остида ишловчи идишларни хавфсиз эксплуатация этишни ташкил этиш» Қоидалари талабига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

153. Буғ ва сув иситиш қозонлари, «Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси томонидан тасдиқлаган «Буғ ва буғ иситиш қозонларини хавфсиз эксплуатация этиш ва қуриш» Қоидалари талабларига мос келиши керак.

154. Кўчмас компрессор қурилмалари, ҳаво қувурлари ва газ қувурларини эксплуатация этиш ва қуриш «Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси томонидан тасдиқлаган «Кўчмас компрессор қурилмалари, ҳаво қувур-

лари ва газ қувурларини эксплуатация этиш ва қуриш қоидалари» талабларига мос келишиши керак.

155. Газ хўжалигини эксплуатация этиш, «Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси томонидан тасдиқланган «Ёнувчи, заҳарловчи ва суюлтирилган газлар учун қувурларни хавфсиз эксплуатация этиш ва қуриш қоидалари» ва «Газ хўжалигида хавфсизлик қоидалари» талабларига мос келиши керак.

156. Юк кўтариш машиналарини эксплуатация этиш ва қуриш «Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси томонидан тасдиқлаган «Юк кўтариш кранларини эксплуатация этиш ва қуриш қоидалари» талабига мос келиши керак.

157. Электр қурилмаларини эксплуатация этиш ва жойлаштириш, қуриш «Электр қурилмаларни қуриш қоидалари», «Фойдаланувчиларни электр қурилмаларини техник эксплуатация этиш қоидалари», «Фойдаланувчиларни электр қурилмаларини эксплуатация этганда хавфсизлик техникаси қоидалари» талабларига мос келиши керак.

158. Металл кесувчи дастгоҳларни эксплуатацияси ва ўрнатилиши ГОСТ 12.2.009-99 талабига биноан бажарилиши керак.

159. Ёғоч ишловчи станокларни эксплуатация этиш ва ўрнатиш «Ёғоч ишловчи саноати ишлаб чиқариш санитарияси ва хавфсизлик техникаси қоидалари» талаби бўйича бажарилиши керак.

160. Таъмирлаш ишларини ташкил этиш ва бажариш «Йиғма темир бетон саноати корхоналарида ускуналарни эксплуатация этиш ва режали эҳтиётдан таъмирлаш ҳақидаги қоидалар» талаби асосида бажарилиши керак.

161. Таъмирлаш ишларидан олдин қуйидагилар бажарилиши керак:

таъмирловчи ускуналар ва уларни юкловчи ва юкдан тушириш мосламаларини электр двигател узатмалари электр таъминлаш тармоқларидан узиб қўйилиши керак;

узатмаларни электр тақсимлагич мосламаларидан сақламаларни олиб қуйиш;

ишга тушириш қурилмаларига ГОСТ 12.4.026-76 1.5 бўйича «Уламанг одамлар ишлаяпти!» деган тақиқловчи белги осиб қўйилиши керак.

162. Таъмирлаш ишларида инвентар ҳавозалар, нарвонлар, кажавалар ва бошқалар ҚМҚ 3.01.03-00 «Қурилишда хавфсизлик техникаси» талабига мос келиши керак.

163. Ишлаб чиқариш ускуналари ГОСТ 12.2.003-91 талабига мос келиши керак.

164. Ускуналарни ҳаракатланувчи қисмлари (валлар, маховиклар, уловчи муфталар, понасимон тасмалари, занжирли, фрикцион ва очиқ тишли узатгичлар ва бошқалар) тўсилган бўлиши керак.

165. Пневматик узатмалар билан жиҳозланган ускуналар ГОСТ 12.3.001-85 талабига жавоб бериши керак.

166. Технологик ускуна ва механизмлар (тягалар, тиргаклар, домкратлар ва бошқалар) статик юкка Назорат текширувидан ўтказилиши керак. Назорат текширувини уч ойда бир мартадан кам бўлмаган ҳолда, ҳамда таъ-

мирлашдан сўнг ёки ишда икки ойлик танаффусдан сўнг ўтказилиши лозим.

Синов натижалари ускуналар паспортига ёзилиши керак.

167. Ускуналарни ишга тушириш, ушбу ускуналарга хизмат қилувчи ходимлар томонидан бажарилади. Ишлаб чиқариш ускуналарини ишга туширишдан олдин ишга тушириш аппаратуралари сигнал воситалари ва блокировкалаш ва бошқариш дастаклари ҳолати текширилиши лозим.

Ишлаб чиқариш ускуналарини монтаж этиш ва такомиллаштиришдан сўнг, тўсиқлар ўрнатмасдан, сигнализация воситалари ва блокировкаларини уламасдан, синаб ишга тушириш тақиқланади.

168. Буғ қувурлари ва конденсат қувурлари «Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси томонидан тасдиқланган «Иссиқ сув ва буғ қувурларидан хавфсиз фойдаланиш ва қуриш қоидалари» талабига жавоб бериши керак.

169. Иш жойлари ГОСТ 22269-76, ГОСТ 12.2.032-78 ва ГОСТ 12.2.033-78 талабларига жавоб бериши керак.

170. Ускуналар ва қувурлар юзаси, уларни кишилар тегиб кетиши мумкин бўлган жойларини иссиқлик ҳарорати 45°С ошмаслиги керак. Иш жойларида иссиқлик, тарқалиш оқими зичлиги 348,9 Вт/м$^2$ (300 ккал/м$^2$ соат)-дан ошмаслиги керак.

171. Машина ва механизмлар хизматида ишлатиладиган артиш материаллар ёпиқ металл яшикларда белгиланган жойларда сақланиши лозим.

172. Қурилмаларга хизмат кўрсатиш майдонини (ишлаб чиқариш ускуналари, буғлантириш камералари ва шунга ўхшашлар), пол сатҳидан 1 м баландликда жойлаштирилганда панжаралар билан тўсилган бўлиши керак.

## 2-§. Бетонларни зич ва ғовакли тўлдиргичлардан тайёрлаш

173. Зич ва ғовакли бетон қурилмаларини ташкил этиш ва технологик жараёнларини бошқаришда қуйидагилар билан таъминланган бўлиши керак:

ишлаб чиқариш хоналаридаги ишчи зоналарини метрологик шароитлари ГОСТ 12.1.005-88 бўйича;

ишчи зоналар ҳавосида чангларни таркиби 6 мг/м$^3$ дан ортиқ бўлмаслиги;

атмосферага ташланадиган чангланган ҳавони ОНД-86 «Атмосфера ҳавосидаги корхона чиқазиб ташлайдиган зарарли моддаларни концентрациясини ҳисоблаш усули»га мувофиқ тозалаш;

материаллар узатиш йўлини зич ёпилиши;

бетон қоришмаларни тайёрлаш ҳудудларида ва уларни беришда меҳнат шароити;

механизациялашган йиғиштириш ва чиқиндилардан фойдаланиш;

ходимларни шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиши-махсус кийим ГОСТ 12.4.085-80 бўйича ва ГОСТ 12.4.086-80 бўйича, этиклар ГОСТ 12.4.72-79 бўйича, қўлқоплар ГОСТ 12.4.010-75 бўйича, респираторлар ШБ-1 «Ле-

песток» ГОСТ 12.4.028-76 бўйича, ҳимояланувчи кўзойнаклари ГОСТ 12.4.013-85 бўйича.

174. Ускуналарни ишга тушириш, чангланадиган материалларни транспортда ташиш бир вақтда аспирацион тизимларини улаш билан бажарилиши лозим.

175. Узатиш, қайта юклаш, қоришмаларни тайёрлаш ва тўкиш жараёнлари узоқ масофадан бошқарилиши керак.

176. Иш зонаси ҳавосидаги цемент чанги таркибини назорат этиш, маъмурият ва касаба уюшмаси томонидан ўрнатилган муддатда, лекин уч ойда камида бир марта маҳаллий санитар назорати органлари томонида бажарилиш керак.

177. Сувли қоришмаларни тайёрлаш ва дозалаш учун комплекс қўшимчалар ишлатилганда, ҳар бир компонентларга айрим идишлар ишлатилиши лозим.

178. Комплекс қўшимчалар компонентини аралаштириш, сув дозаторида уларни бевосита бетон қориштиргичга узатишдан олдин бажарилиши керак.

179. Кимёвий қўшимчали сувли қоришмаларни тайёрлаш жойларида, хавфсиз ишлаш ва биринчи ёрдам кўрсатиш қўлланмаси осиб қўйилиши керак.

180. Кимёвий қўшимчалар қоришмасини бетон қоришмасига узатиш автоматик бошқариш дозаторлардан қувурлар орқали бажарилиши керак.

### 3-§. Тасмали конвейрлар

181. Тасмали конвейерларнинг хавфсизлик талаблари ГОСТ 12.2.022-80 га мувофиқ бўлиши керак.

182. Узунлиги 20 м дан ошиқ бўлган конвейерлар устидан ўтиш учун керакли жойларда эни камида 1 м бўлган ушлагичлари билан ўтиш кўприкчалари ўрнатилиши керак.

183. Ўтиш жойи устида жойлашган конвейерлар пастки қисмидан, конвейер габаритидан камида 1 м оралиғида яхлит ёпмалар билан тўсилган бўлиши керак.

184. Ўтиш жойи бўйлаб исталган жойдан конвейерларни тўхтатиш имконини берувчи авариявий трослар билан таъминланган бўлиши керак.

185. Бетон қориштирғич цехларида конвейернинг трасса участкаларида ва бетон тўлдиргичлар омборида бошқариш пультлари икки томонлама огоҳлантирувчи ишга тушишидан олдин (товушли, световой) ва конвейер узатмаси ёқилишидан олдин автоматик равишда ёқиладиган сигнализация билан жиҳозланган бўлиши керак.

186. Иш жойларида қўлланилаётган сигнализация воситалари ҳақида маълумот тахтачалари бўлиши керак.

187. Ечилган ёки нотўғри ўрнатилган тўсиқларда тасмали конвейер автоматик равишда узилиши учун тасмали конвейерларнинг узатувчи, чўзиб

турувчи ва четлатувчи барабанларининг тўсиқлари узатма билан блокировка қилинган бўлиши керак.

188. Тасма ва барабанга ёпишиб қолган материалларни тозалаш учун механик тозалагичлар ўрнатилган бўлиши керак.

189. Тасмали конвейерни ишлаш вақтида қуйидагилар тақиқланади:

тасма ва барабан орасига қум, шағал, канифол, битум ва бошқа материалларни ташлаб, тасма сирпанишга тўсиқлик қилиш;

тутиб турувчи роликларни қўйиш ва ечиш;

тасмани қўлда тортиш ва текислаш;

тутиб турувчи роликларни, узатиб чўзиб турувчи барабанлари ва ҳоказоларни тозалаш, сочилган материалларни йиғиштириш.

190. Механизмни таъмирга ёки техник кўрикка тўхтатишдан олдин, конвейер тасмаси тозаланган бўлиши, электр двигателлар электр таъминотдан узилган бўлиши, ушбу механизмларни таъминловчи сақлагичлар электр тарқатувчидан узилган бўлиши керак. Механизмларда 1.5, ГОСТ 12.4.026-76 талаби бўйича «Уламанг одамлар ишлаяпти!» тақиқловчи белги осилган бўлиши керак.

## 4-§. Узатмали роликли конвейерлар

191. Ўтиш жойи бўйлаб исталган жойдан эҳтиёж туғилганда роликли конвейерларнинг икки томонидан тўхтатиш имконини берувчи авариявий узиш арқонлар (трослар) билан таъминланган бўлиши керак.

192. Ишга тушириш ҳақида огоҳлантириш учун товушли ва нурли сигнализация (электр қўнғироқлар, ёниб-ўчувчи электр чироқлари) билан жиҳозланган бўлиши керак.

## 5-§. Винтли конвейерлар (шнеклар)

193. Хом ашё тўкилишини ва ишлаб чиқариш хоналарига чанг киришини олдини олиш учун конвейер қопқоқлари мустаҳкамланган бўлиши керак.

194. Қопқоқлар ва люклар очилганда конвейерни автоматик равишда тўхташини таъминлаш учун улар блокировка қилинган бўлиши керак.

195. Конвейерлар бош ва охирги қисмларида конвейерни авариявий тўхтатиш тугмачалари билан жиҳозланган бўлиши керак.

196. Технологик чизиқ бир нечта кетма-кет ўрнатилган ва баравар ишлаётган конвейерлардан иборат бўлган ёки бошқа машиналар (таъминлагичлар, элеваторлар ва шунга ўхшашлар) билан бирга ишлайдиган конвейерлар, конвейер ва барча машиналар узатмалари шундай блокланган бўлиши керакки, қандайдир машина ёки конвейер тўсатдан тўхтаганда, олдинги машиналар ёки конвейерлар автоматик равишда узилсин, кейингилари эса юклардан тўлиқ бўшагунча ишлаши керак.

197. Конвейерни ишлаш вақтида қуйидагилар тақиқланади:

уюмдан осилиб қолган материални қулатиш, конвейерга хом ашёни ёки

тўсатдан тушиб қолган жисмларни қўлда суриб киргизиш ҳамда лаборатория анализи учун намуналар олиш;

қопқоқлар ва люкларнинг блокировкасининг носозлигида ишлаши.

## 6-§. Элеваторлар

198. Транспортланаётган ҳом ашёнинг тўсилишини ва хоналарга чанг тарқалишини олдини олиш учун элеваторларнинг люк қопқоқлари мустаҳкамланган бўлиши керак.

199. Юк тасмаси узилганда элеваторлар узатмаси автоматик узилиш қурилмалари билан жиҳозланган бўлиши керак.

200. Таъмирлаш-монтаж ва бошқа ишларни бажариш учун элеваторнинг бош қисмига, юк кўтариш қурилмаси (электр таллар, таллар, телферлар) ўрнатилган бўлиши керак.

201. Элеваторни таъмирлашдан олдин юк тасмаси тўхтатилган бўлиши керак.

202. Элеваторни ишлаш вақтида қуйидагилар тақиқланади:

кўриш люкларини очиш, таъмирлаш ишларини олиб бориш ва ҳом ашёдан намуналар олиш;

тўлдирилган ковшларда элеваторни тўхтатиш.

## 7-§. Кажавали кўтаргичлар

203. Ковшларни ўтиши учун юклаш тешиги атрофида кўтаргич приямкаси яхлит тўшама билан ёпилган ва панжара билан тўсилган бўлиши керак.

204. Кўтаргич, трассани барча участкаларидаги тортиш органларида узилиш ҳолати рўй берганда ковшни тўхташини таъминловчи илиб олувчи билан жиҳозланган бўлиши ҳамда ковшни юқори ҳолатида охирги узгичлари бўлиши керак.

205. Кўтаргични ишлаш вақтида қуйидагилар тақиқланади:

одамларни чуқурликда бўлиши;

чуқурликни ва ускуналарни тозалаш;

таъмирлаш, мойлаш ва профилактика ишлари.

## 8-§. Бетон қоригичлар

206. Дозаторлардан бетон қоригичларга материалларни узатиш йўлларида уланган жойлар шундай мустаҳкамланиши кераккки, бетон қоригичларга узатиш пайтида зич уланмаган жойлардан чанг чиқмаслиги таъминланиши керак.

207. Бетон қоригичлардаги қулфнинг пневматик узатмалари аэродинамик шовқинини сўндирувчилар билан жиҳозланиши лозим.

208. Бетон қоригичлар аспирацион тизимга уланган тортувчи зонтлар билан ускуналаниши лозим.

209. Бетон қоригичлар узатмаларнинг устки томонида хизмат кўрсатиш учун қўзғалмас темир майдончалар ва зиналари бўлиши керак.

210. Бетон қоригичлар ишлаётган пайтда қуйидагилар тақиқланади:

бетон қоригичлар ичидаги бегона нарсаларни олиш;

узеллар ва механизмларни созлашни бажариш;

намуналар олиш.

### 9-§. Махсус майдончада (полигонда) буюмларни тайёрлаш

211. Бункердан (бадядан) бетонни ётқизишда бункерларни (бадяларни) пастки қиррасидан қолипларни орасидаги масофа 1 м дан ортиқ бўлмаслиги керак.

212. Бункерлар қулфи уларни беихтиёр очилишини истисно этувчи мосламалар билан таъминланган бўлиши керак.

213. Бетон қоришмалари учун кўчма бункерлар (бадялар) ГОСТ 21807-76 талабларига мос келиши керак.

214. Минорали кранлар кабинасида кранлар ҳар хил қулочдаги чекланиб рухсат этилган юк кўтариш жадваллари ва полигонда тайёрланадиган темир бетон ва бетон буюмлари оғирлигининг жадвали бўлиши керак.

215. Механизмларни бошқариш пультида механизмларни тезда тўхтатиш учун замбуруғ шаклли узгичлар ўрнатилган бўлиши керак.

216. Кўприксимон ва козловой юк кўтариш кранларида умумий кран ости ёритгичлари кўзда тутилган бўлиши керак.

217. Полигонларни ишчи, аварияли, эвакуация ва ҳудудларни қўриқлаш ёритгичлари ҚМҚ 2.01.05-98 «Табиий ва сунъий ёритиш» талабига мос келиши керак.

## IV. Ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарига қўйиладиган талаблар

### 1-§. Пўлат арматураларни букиш, кесиш ва тўғрилаш учун дастгоҳлар (станоклар)

218. Арматура маҳсулотларини тайёрлаш ва пайвандлаш ишларида хавф туғдириш манбаи бўлган, ишлаб чиқариш чиқиндиларидан тозалашни таъминлаш керак.

219. Зарарли моддалар ва пайванддаги аэрозоллар иш жойларидаги ҳаводан вентиляция йўллари билан тозаланиши лозим.

220. Арматура маҳсулотларини тайёрловчи дастгоҳлар (станоклар), металл заккилар ва чанглар йиғиш учун ишлаб чиқариш хоналаридаги чангланган ҳавони ажралиб чиқишини йўқотувчи аспирацион тизимга уланиши лозим.

221. Ўрам ушлагичлар тўсиқланган бўлиши керак. Тўсиқлар баландлиги 1,8 м дан кам бўлмаган металл тўрли, эшик эни 0,7 м дан кам бўлмаган,

очиқ ёки зич ёпилмаган эшик узатмалари автоматик равишда узиладиган станок билан блокировкаланган бўлиши керак.

222. Ўрам ушлагичлар машиналар (тўғрилаш барабанлари, станок қайта ўраш ғалтаклари, пайвандлаш ва бошқа ускуналар)дан 1,5 м дан кам бўлмаган масофада жойлашган бўлиши керак.

223. Ўрам ушлагичлар 1/4 ошиқ бўлмаган айланишдаги тортиш мосламалари узатмаларини узгандан сўнг, арматура симлари ўрамини инерция бўйича айланишини таъминловчи мосламаларни тормозлаш ускуналари бўлиши керак.

224. Арматура симларини ихтиёрий ҳаракатланишини чегаралаш учун ўрам ушлагич билан тўғрилаб кесиш станогини тўғрилаш барабани орасида йўналтирувчи мосламаси (қувурлар, ҳалқалар) ўрнатилган бўлиши керак.

225. Тўғрилаш барабанига пўлат арматура учини киргизиш дастгоҳ узатмаси ўчирилганда бажарилади.

226. Дастгоҳларни ишга тушириш тепкилари тўсилган бўлиши керак. Тўсиқлар оёқ ҳаракатига халақит бермаслиги лозим.

227. Оёқ билан ҳаракатга келтирувчи бошқариш органлари тепкилари, ишчи сатҳи 90х60 мм дан кам бўлмаган ва ҳаракатланиш миқдори чегараси 25 — 40 мм бўлиши лозим.

228. Арматура чивиқларини эгиш дастгоҳини (станогини) ишлатганда қуйидагилар тақиқланади:

бурилиш дискларини айланиш вақтида вилкага арматура стерженларини киритиш;

электр тармоғидан станокни узиб қўйгунча эгувчи, марказий ва таянчли тишларни ўзгартириш.

229. Диаметри 20 мм дан ошиқ арматура чивиқларини кесиш учун дастгоҳ (станок) узатмалари, арматура стерженларини узатиш учун икки томондан роликли столлар билан жиҳозланган бўлиши керак.

230. Арматура тўрларини кесиш учун қайчилар, тўрларни узатиш томонидан ушлаб турувчи мосламалар билан таъминланган бўлиши керак.

Арматуранинг гидравлик қайчили ишчи органларини беихтиёр ҳаракатланиб кетишини олдини олиш учун двигателни ўчиришда гидротақсимлагични улаш имконияти бўлмаслиги керак.

## 2-§. Арматура симларини қайта ўраш учун мосламалар

231. Симларни қайта ўраш учун мосламалар периметри бўйича баландлиги 1,8 м дан кам бўлмаган тўрли металл тўсиқлар билан ўралган бўлиши керак.

232. Тўсиқлардаги қурилмаларга хизмат қилиш учун эни 0,7 м дан кам бўлмаган эшик назарда тутилиши керак.

233. Тўсиқлардаги эшик дастгоҳ (станок) узатмаси билан шундай блокировка қилиниши лозимки, эшик очиқ ёки зич ёпилмаган бўлса узатма автоматик равишда узиб қўйиладиган бўлиши керак.

## 3-§. Спирал шаклдаги арматура каркасларини тайёрлаш учун дастгоҳлар (станоклар)

234. Дастгоҳларни (станокларни) ҳаракатланиши аравачалари симни роторга киритиш учун майдончалар билан жиҳозланган бўлиши керак. Майдончалар тебранишдан ҳимояланган бўлиши керак.

235. Бошқариш пульти томонидан арматура сими узилганда ишловчини шикастланишини олдини олувчи дастгоҳ (станок) ротори олиб қўйиш ёки кўтарма тўрли тўсиқлар билан тўсилган бўлиши керак.

236. Спирал каркасларни пайвандлаш учун дастгоҳлар (станоклар) тўсилган бўлиши керак.

## 4-§. Қолиплар

237. Қолипларни пистолет-пуркагич ёки бошқа пуркаш мосламалар ёрдамида мойлашни, махсус ажратилган ва жиҳозланган участкаларда шахсий ҳимоя воситаларини қўллаган ҳолда бажарилиши керак.

238. Қолипларни илиб олиш (кўтариш) учун мўлжалланган қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши керак.

239. Очилиб қайтувчи бортли қолипларда бортнинг очилиш бурчагини чегараловчи қурилмалар кўзда тутилган бўлиши керак (чекловчи тиргаклар ва шунга ўхшашлар)

240. Борт, қулф, илмоқ, чекловчи тиргаклар носоз бўлганда, қолипларни эксплуатация қилиш тақиқланади.

241. Қолипларни жойлаштирганда борт ёпилган ҳолда (қулфда) бир хил ўлчамда, ён томони билан бир масофада қистирмалар билан текис териб бажарилиши керак.

242. Қолипларни (борт, таглик ва бошқа элементлар) тозалаш механик тарзда ёки қўл-қирғичи ёки пневматик қирғич билан амалга оширилади.

243. Қулфларни конструкциялари бортларни ўз-ўзидан очилиб кетишига имкон бермаслиги керак.

244. Бортларни очилиши учун формалар механик ёки қўл мосламалари билан жиҳозланган бўлиши керак.

245. Вагончалар рельсдан чиқиб кетмаслиги учун қолип ва вагонча таглиги огоҳлантирувчи, чекловчи мосламалари билан жиҳозланган бўлиши керак.

246. Стендли қолиплар уларга маҳкамланган виброқўзғатувчи виброизоляция устунларига ўрнатилган бўлиши керак.

247. Босимли виброгидропрессланган қувурлар қолиплари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

болтлар ғилофли (кожухи) тарелкасимон пружиналари билан қолипга занжир ёрдамида маҳкамланган бўлиши керак;

ташқи қолиплар ва ярим қолиплар қисмлари тарирланган болт тарелкасимон пружинаси билан уланиши керак;

анкерли ва калибрли ҳалқалар илиб олиш қурилмалари билан таъминланган бўлиши ва кассеталарда сақланиши керак.

248. Центрифугалаб тайёрланадиган буюмлар қолиплари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

ярим қолиплар уларни кўчишига нисбатан фиксациялаш мосламалари билан ускуналанган бўлиши керак;

қулфли ярим қолип мосламалари уларни беихтиёр бўшашини истисно этувчи фиксаторлар билан жиҳозланган бўлиши керак;

арматураларни олдиндан таранглатиб тортиш қолиплари таранглашган арматураларни узилиш ҳолатида хизмат қилаётган ходимларни ҳимоялаш учун ён томони бўйича яхлит металл тўсиқлар билан жиҳозланган бўлиши керак.

## 5-§. Бетон ётқизгичлар ва бетон тарқатгичлар

249. Бункерлар хизмат қилиш учун майдончалар ва зиналар билан ускуналанган бўлиши керак. Ишчи майдонлари эни 0,7 м дан кам бўлмаган ва панжарага эга бўлиши керак.

250. Бетон ётқизгичлар ва бетон тарқатгичлар товушли сигнализация (электр қўнғироқлар, сиреналар) билан ускуналанган бўлиши керак.

251. Бункердаги тебратгичлар товушдан ҳимояланиш ғилофлар (кожухлар) билан ёпилган бўлиши керак.

252. Бетон ётқизгичлар ва бетон тарқатгичларни автоматик тўхтатиш учун релс йўли охири тиргаклар билан таъминланган бўлиши керак.

## 6-§. Титратувчи ускуналар

253. Титратувчи ускуналар товушдан ҳимояланиш мосламалари билан жиҳозланган бўлиши керак.

254. Титратувчи майдончалари ишлаб чиқариш хоналари пойдеворидан тебраниш даражасини сўндириш мосламалари (пружинали, резинали, пневматик ва шунга ўхшашлар) билан ҳимояланган бўлиши керак.

255. Титратувчи майдончаларида қолипларни горизонтал силжишини истисно этувчи чегаралагичлар ўрнатилган бўлиши керак.

256. Қуйидагилар тақиқланади:

ишлаб турган титратувчи майдончаси ёки унга ўрнатилган қолипга хизмат қилаётган ходимни, уларни устига чиқиб туриши;

осилган ҳолатдаги титратгич юкларини, уларни маҳкамламасдан тозалаш.

## 7-§. Кассетали қурилмалар

257. Кассетали қурилмаларнинг ўз-ўзидан уланиши эҳтимолини ҳамда кассета деворлари орасида ишловчиларнинг бўлиши вақтида ҳаракатини истисно этиш учун силжитиш узатмаларида блокировка мосламалари бўлиши керак.

258. Хизмат қилиш учун майдончалар мустақил пойдеворга ўрнатилган ва кассеталар, қолипларни бўшатиш машиналари рамалари тебранишдан ҳимояланган ҳамда металл панжаралар билан тўсилган бўлиши керак.

Майдон тўшамалари ва зина поғоналари тарам-тарам пўлатдан тайёрланган бўлиши керак.

259. Кассеталар бўлмаларидаги иссиқлик ишчи босим муҳити техник паспортда кўрсатилгандан ошмаслиги керак.

260. Қувурларни (буғ ўтказувчилар ва конденсат ўтказувчилар) улаш ва таъмирлаш уларни магистралдан ўчиргандан кейин ва конденсатни ва буғларни бутунлай чиқариб юборилгандан кейин бажарилади.

261. Қолипларни бўшатиш жойларига, ушбу участкаларда транспорт билан ташиладиган юкларни илиб кўтариш чизмалари ва юкларни кранлар билан хавфсиз кўчиришга масъул шахсларни фамилияси ва исми кўрсатилган плакатлар осилган бўлиши керак.

262. Кассета қурилмаларини бошқариш пульти, кассета қурилмаларини асосий ҳаракатланувчи бўғинларини оператор кўрадиган жойга жойланишини таъминлаш лозим.

Кассета қурилмалари товушли ва ёруғлик сигнализацияси (электр қўнғироқлар, электр лампалар ва шунга ўхшашлар) билан жиҳозланган бўлиши керак.

263. Қўлда ажратадиган листлар ва иссиқлик бўлмаларини мойлаганда ва тозалаганда ишчи пастда бўлиши керак.

264. Кассетали қурилмаларда ва мойланган қолиплаш сатҳ устларида пайвандлаш ишларини олиб бориш тақиқланади.

265. Кассеталарни бўшатиш ва панелларни олишда қуйидагилар тақиқланади:

кассеталарни суриладиган қисмида бўлиш;

буюмларни бузуқ кўтариш илгаклари билан чиқариб олиш ва ташиш;

осилиб турган панеллардан конусларни уриб чиқазиш.

## 8-§. Центрифугалар

266. Центрифугалар товушдан ҳимояланган камераларда ёки қобиқларда (кожухларда) ўрнатилган бўлиши керак.

267. Камера ёпқичларига қолипларни тушириш учун дарчалар қопқоқ билан ёпилган бўлиши керак.

268. Камера эшиклари ва дарча қопқоқлари центрифуга узатмалари очиқ ва бутунлай ёпилмаган ҳолатда автоматик равишда тўхташи учун блокировкаланган бўлиши керак.

269. Центрифуга камерасига киришда ГОСТ 12.4.026-76 1.5 талабига мувофиқ «Бегоналарга кириш ман қилинади!» тақиқловчи белги осилган бўлиши керак.

270. Центрифугалар чиқиндини йиғиш ва чиқариб ташлаш қурилмалари билан жиҳозланган бўлиши керак.

## 9-§. Ўра туридаги қотишма камералари

271. Камералар буғ чиқишини олдини олиш учун гидравлик қулф ёки камера билан қопқоқни зич ёпилишини таъминловчи бошқа махсус конструкция билан жиҳозланган бўлиши керак. Гидроқулфга қум ёки қипиқ сочиш тақиқланади.

272. Камерада ишчи босим муҳити лойиҳада кўрсатилгандан ошиқ бўлиши мумкин эмас.

273. Камераларни олиб қўйиладиган қопқоғи юк кўтариш крани билан илиб олиш учун кўтариш илмоғи билан жиҳозланган бўлиши керак.

274. Камераларга буғни узатиш смена устаси ёки цех бошлиғи рухсати билан бажарилиши керак.

275. Ўра камералари икки томондан эни 1 м дан кам бўлмаган кўчмас металл супача билан жиҳозланган бўлиши керак.

276. Камераларни буюмлар билан юклаш ва юкдан тушириш юк кўтарувчи кранлар билан бажарилиши керак.

277. Ўрали камераларни ичида таъмирлаш, тозалаш ва бошқа ишларни бажариш учун эни 300 мм дан кам бўлмаган қадами 300 мм зина (скоба)лар бўлиши керак.

278. Иш жойида ҳавони ҳарорати 40 — 50°С иссиқлик ишлов бериш камераларида таъмирлаш бўйича ишлар ГОСТ 12.4.045-87 бўйича махсус кийим-кечакда ва ГОСТ 12.4.050-78 бўйича махсус пойафзалда бажарилиши керак.

279. Кўрсатилган ҳароратда узлуксиз ишлаш 20 мин. дан ошмаслиги 10 мин. дам олиш танаффуси билан амалга оширилиши керак.

280. Камераларнинг таъмирлаш бўйича иш жойида ҳаво ҳарорати $50^0$С дан баланд бўлганда ишлаш тақиқланади.

## 10-§. Ковакли, туннелли ва вертикал камералар

281. Камераларни ён томони буғни ишлаб чиқариш хоналарига тарқалишини олдини олиш мосламалари билан жиҳозланган бўлиши керак.

282. Камераларга қолип вагонеткалари жойини ўзгартираётган пайтда киришга йўл қўйилмайди.

283. Таъмирлаш ишларини бажариш учун камералар 700 х 500 мм дан кам бўлмаган ёки диаметри 630 мм дан кам бўлмаган туйнуклар билан жиҳозланган бўлиши керак.

284. Камераларни текшириш ва таъмирлаш учун люк қопқоқлари тиргакланган бўлиши керак.

## 11-§. Автоклавлардан фойдаланиш

285. Автоклавларни қуриш, ўрнатиш, таъмирлаш ва фойдаланиш «Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси томонидан тасдиқланган «Босим

остида ишловчи идишларни хавфсиз эксплуатация этишни ташкил этиш қоидалари» талабларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

286. Буғ қувурлари ва конденсаторлари «Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси томонидан тасдиқланган «Иссиқ сув ва буғ қувурларидан хавфсиз фойдаланиш ва қуриш қоидалари» талабларига мос келиши керак.

287. Автоклавларни хавфсиз ишлашини таъминлаш учун блокировка ва сигнал мосламалари назарда тутилган бўлиши ва қуйидагилар тақиқланиши керак:

чала ёпилган қопқоқда автоклавга буғ юбориш;

автоклавда босим бўлганда байонет ҳалқасини бураш;

автоклавда ошиқча босим ва конденсатни йўқлигига ишонч ҳосил қилмасдан қопқоқни очиш.

288. Автоклавнинг битта элементи носоз бўлганда ҳам фойдаланиш қатъий ман қилинади.

289. Автоклавларга буюмли вагонеткаларни юклаш ва уларни автоклавлардан бўшатиш бўйича жараёнлар механизациялашган бўлиши керак.

## 12-§. Сув буғини ишлатиб иссиқлик билан ишлов бериш

290. Буғ қувурлари ва арматура тўсиқлари «Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси томонидан тасдиқланган «Иссиқ сув ва буғ қувурларидан хавфсиз фойдаланиш ва қуриш қоидалари» талабларига мос келиши лозим.

291. Ёпиқ хоналар ичида жойлашган камералар буғни тортиш вентиляцияси тизими билан жиҳозланган бўлиши лозим.

292. Камералар, ундаги ҳарорат муҳитини назоратловчи асбоблар билан жиҳозланган бўлиши керак.

## 13-§. Конструкция ва буюмларни синаш

293. Синов вақтида буюмлар ва конструкцияларга ишлов беришга имкон беришни таъминлаш, конструкция ва бузилиш вақтида конструкция ва уларнинг қисмларини тўсатдан йиқилиш мумкинлигини бартараф этишда, тиргакларга ўрнатилган конструкция ва буюмлар тортқичлар билан маҳкамланган бўлиши керак.

294. Тақсимловчи траверс, ғалтакли ва шарсимон тиргакларни ўрнатишда эгилувчан тросдан тортқичлар билан маҳкамланган хавфсизлик траверслари назарда тутилган бўлиши керак.

295. Синовларга тайёрлаш ва ўтказиш вақтида, тақсимловчи траверсларда хавфсизлик учун тортқичлар билан маҳкамлашга мўлжалланган монтаж илгаклари бўлиши керак.

296. Хавфсизлик тортқичлари синов узелининг деворига маҳкамланган бўлиши керак.

297. Синалаётган балкасимон конструкцияларни ва буюмларни қулаб тушишини бартараф этиш учун юкловчи қурилмалар ва юкланаётган мате-

риаллар, кўтариб турувчи тиргаклар ва оралиқ ўртаси ёнида хавфсизликни таъминловчи тиргаклар ўрнатилиши керак.

298. Консол конструкцияларини тўсатдан қулаб тушишини бартараф этиш мақсадида, хавфсизлик тиргаклари консол тагидаги бўш бўлган учига ўрнатилади.

299. Конструкцияларни синаш вақтида хавфсиз ҳисобларни олиш учун ўлчов приборлар ва мосламалар кузатув учун қулай бўлган жойга ўрнатилиши керак.

300. Юкларни оғишининг ва йиқилишини бартараф қилиш учун тиргаклардан бошлаб конструкция ўртасига қараб юклашни симметрик олиб бориш керак.

301. Донали юкларни тахламларга жойлаштирилаётганда тўсатдан тахламларни қулашини олдини олиш учун жойлаштирилган юкларнинг мустаҳкамлигини назорат қилиш керак.

302. Конструкция ва буюмларни синалаётган вақтда уларни бузилиши ва ишсиз ҳолатида домкрат қурилмасининг қаттиқлигини таъминлаш учун хавфсизлик тортқичлари бўлиши керак.

303. Синалаётган конструкция ва буюмларнинг бузилиши вақтида синов ўтказишга мўлжалланган тўкилувчи юкли идишнинг қуламаслиги учун хавфсизлик тортқичи (расчалка) бўлиши керак.

304. Синов ўтказишда тўкилувчан юклардан инерт, ёнмайдиган материаллардан (қум, шағал, шебен ва ҳоказолар) фойдаланиш керак.

## V. Транспорт ва юклаш-тушириш ишларида хавфсизлик талаблари

### 1-§. Юклаш ва тушириш ишлари

305. Юклаш-тушириш ишлари (юк илиш, кўтариш ва ташиш) «Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси томонидан тасдиқланган «Юк кўтарувчи кранларни ўрнатиш ва эксплуатация қилиш қоидалари»га мувофиқ бажарилиши керак.

306. Юклаш-тушириш ишлари корхона буйруғи билан тайинлаган масъул шахс назорати остида бажарилиши шарт.

307. Завод ичидаги ва цехдаги транспорт воситаларини хавфсиз эксплуатацияси учун масъул шахслар ҳар куни транспорт воситаларини техник ҳолатини текшириб ишга рухсат этилганлиги тўғрисида журналга қайд қилишлари керак.

308. Юклаш-тушириш майдонлари режалаштирилган, ишлаб чиқариш чиқиндилари ва ахлатлардан, қиш пайтида эса қор ва муздан тозаланган бўлиши ва қум, кул ёки шлак сепилган бўлиши керак.

309. Транспорт воситалари ҳаракати учун мўлжалланган цехларга кириш ва чиқиш жойларида ва цехлар орасидаги технологик ўтиш жойларига ГОСТ 12.4.026-76 нинг 2.9-банди бўйича «Диққат! Транспорт» огоҳлантириш белгилари ўрнатилган бўлиши керак.

310. Завод ичидаги ва цехдаги юкларни ташишга мўлжалланган транспорт воситаларда одам ташиш тақиқланади.

311. Транспорт воситаларига юкларни жойлаш схемалари (электр авто юклагичлари, автомобиллари, темир йўл вагонлари, электр аравачалари) корхона бош муҳандиси томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

312. Юклаш ва тушириш ишлари бўйича хавфсизлик талаблари юкларни ташиш технологик жараёнлар харитасига киритилган бўлиши керак.

313. Эстакадада юклаш-тушириш ишларини олиб боришда, одамларни вагонларга кириши учун тиргаклар билан тўсилган, ўтиш кўприкчалари ўрнатилган бўлиши керак.

314. Юк кўтариш мосламалари (бадялар, ковшлар, грейферлар) юк кўтариш ёки ташиш вақтида уларни ўз ўзидан ағдарилишини ёки очилиб кетишини олдини олувчи қурилма билан таъминланган бўлиши керак.

315. Юк кўтариш машиналарининг юк илгакларидан юкни ўз-ўзидан чиқиб кетишини олдини олиш учун, улар сақлаш қулфлари билан жиҳозланган бўлиши керак.

316. Юк кўтариш мосламаларида унинг вазифаси, рақами ва юк кўтариш қобилияти кўрсатилган бўлиши керак.

317. Контейнерларни қўл билан илиб олишда ГОСТ 26887-86 талабларига мувофиқ ишлаб чиқариш ишларида хавфсизликни таъминлаш мақсадида ҳавоза, махсус нарвонлар, икки тарафга очиладиган нарвонлар ишлатилиши керак.

318. Баллонлардаги сиқилган ёки суюлтирилган газларни, корхона ҳудудида махсус араваларда ташишга рухсат этилади.

319. Кислород ва ацетилен баллонлари транспорт воситаларига уч ярусдан кўп бўлмаган ва бортдан баланд бўлмаган стеллажлар устига қистирмалари билан баллонлар учун ёғоч бруслари кўринишида махсус кесилган тешикчалар, арқон ёки резина ҳалқаларининг қалинлиги камида 25 мм (ҳар бир баллонга иккитадан ҳалқа) бўлган ҳолда жойлаштирилиши керак. Транспортлаш вақтида ҳамма баллонларнинг вентиллари бир томонга қаратиб ётқизилган бўлиши керак.

320. Баллонларни махсус контейнерларда, вертикал ҳолатда, орасида қистирмалар (прокладка) қўйилган ҳолда, йиқилишидан ҳимояловчи тўсиқлар билан ташиш рухсат этилади.

321. Юмаловчи юкларни ортиб-тушириш ишлари, механик усулда автоэлектр юк ташиш билан бажарилиши керак.

322. Иш ҳудудида (зонасида) ҳавонинг ифлосланишига йўл қўймаслик учун чангийдиган юкларни (цемент, гипс, сўндирилган оҳак ва шунга ўхшашлар) ортиш-тушириш ишлари механик усулда (пневматик винтли, тизиллатиб отадиган насослар, пневматик кўтаргич, шнекалар) бажарилиши керак.

## 2-§. Темир йўл транспорти

323. Майдонларда ва шохобча йўлларида юклаш-юк тушириш ишлари ГОСТ 12.3.009-76, ГОСТ 12.3.020-80, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК тас-

диқлаган «Темир йўл транспортида юклаш-юк тушириш ишларида хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидалари» талабларига мувофиқ бажарилиши керак.

324. Вагонларни кириши учун траплар ГОСТ 26887-86 талабига мос келиши ва юк кўтаргич механизмлар (телфер, таллар билан ва шунга ўхшашлар) ёрдамида ўрнатилиши ва туширилиши лозим.

325. Эстакадалардан юклаш-юк тушириш ишларини бажарганда кишиларни ярим вагонларга ёки платформаларга кириши учун ГОСТ 12.2.013.0-91 талабига мувофиқ мосламалар қўлланиши лозим.

## 3-§. Автомобиллар ва автоюклагичлар

326. Автомобил транспортидан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган «Автомобил транспорти корхоналари учун хавфсизлик техникаси қоидалари» ҳамда «Йўл ҳаракати қоидалари» талабларига мос келиши керак.

327. Корхоналар ичида ва цехлараро транспорт воситаси сифатида фойдаланиладиган автомобиллар, автоюклагичлар, электр ва автокарлар созланган тормозлар, овозли сигнал, ёритиш асбоблари ва қурилмалари билан ускуналанган бўлиши керак.

328. Санаб ўтилган транспорт воситалари ҳайдовчилари тегишли транспорт турини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномага эга бўлиши керак.

329. Автомобил кузовида ташиладиган донали юклар силжимайдиган ва сочилмайдиган қилиб жойлаштирилиши ва маҳкамланиши керак.

330. Узун ўлчовли юклар учун мўлжалланган тиркамалар айланма мосламалар (турникетлар) билан ускуналанган бўлиши керак. Тиркамаларни поли баландлиги автомобил кузови поли билан бир сатҳда бўлиши керак.

331. Ағдарма автомобиллардан юк тушириш учун эстакадалар баландлиги 0,4 м дан кам бўлмаган отбой бруслари билан жиҳозланган бўлиши керак.

332. Кранлар ёки экскаваторлар билан автомобиллардан юк туширганда ёки автомобилларга юкланганда ҳайдовчи автомобил кабинасида бўлмаслиги керак.

333. Корхона ичида ташиладиган юклар йўл сатҳидан 3,8 м дан ошиқроқ баланд бўлмаслиги, эни 2,5 м дан ошиқроқ, автомобил ўлчамидан туртиб чиққан орқа нуқтаси 2 м дан ошиқроқ бўлмаслиги керак. Автомобил ўлчамидан чиқиб турадиган юклар ташилганда эни ва узунаси бўйича четки ва охирги юклар нуқтаси кундузи сигнал байроқчалари етарли даражада кўриш имкони бўлмаганда олд томонидан оқ ва орқа томонидан қизил рангли чироқлар билан белгиланган бўлиши керак.

334. Ағдарма автомобилларни кўтарилган кузовлари тозалаш қирғичлар ёки узайтирилган дастали беллар билан бажарилади.

335. Доимо ички цех юк ташишлар учун қўлланиладиган автомобиллар ва автоюклагичлардан чиқадиган газларни таъсирини йўқотиш ускуналари бўлиши керак.

## 4-§. Электр аравачалар ва электр юклагичлар

336. Электр аравачалар ва электр юклагичларда фойдаланиш «Истеъмолчи электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари» (2006 йил 18 август, рўйхат рақами 1614) талабларига мос келиши лозим.

337. Электр аравачаларни хоналарга ва очиқ омборларга кириши ва чиқиши товушли сигналлар билан кузатилиб бориши лозим.

338. Электр аравачаларни юриш ғилдираклари релслардан 10 — 12 мм баландликда яхлит металл ғилоф (кожух) билан ёпилган бўлиши керак.

339. Ҳайдовчи юклаш ва юк тушириш пайтида электр аравачада бўлиши тақиқланади.

340. Ўзи юрар аравачаларни релсли излари берк тиргаклар билан тўсилган бўлиши керак. Электр аравачаларни автоматик тўхтатиши учун тиргаклар олдида охирги ўчиргичлар ўрнатилган бўлиши керак.

341. Электр аравачалар йўлини стрелкаси аравачаларни йўл ҳаракатида стрелкани беихтиёр суриб қўйилишини истисно этувчи қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши керак.

342. Айрили илмоқли электр юклагичлардан фойдаланилганда темир бетон ва бетон буюмлари ҳамда бошқа юклар айриларни юк тагига эркин кириш ва чиқиши учун тагликлар ва қистирмалар устига ётқизилишини таъминлаши керак.

343. Электр юклагичлар юкни баландлиги 2 м дан ошиқроқ бўлганда ҳайдовчини иш жойи усти металл тўсиқлар билан ускуналанган бўлиши керак.

## V. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик

344. Йиғма темир бетон ва бетон конструкциялар ва буюмлар ишлаб чиқариш корхоналарни (цехларни) лойиҳалаштиришда, қуришда (монтаж қилишда) мазкур Қоидаларга амал қилиш учун жавобгарлик тегишли ишларни бажарувчи ташкилотлар зиммасига юклатилади.

345. Мансабдор шахслар ва ходимлар меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилмаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

346. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда ходимларни саломатлигига етказилган зарарлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ БУЙРУҒИ

## 281 Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси томонидан акциялар эгалари реестрини қабул қилиш тартиби ва ҳужжатли акцияларни ҳаракатсизлантириш механизми тўғрисида Вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 12 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1968*

*(2009 йил 22 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисида»ги низомга (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1996 й., 3-сон, 11-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси томонидан акциялар эгалари реестрини қабул қилиш тартиби ва ҳужжатли акцияларни ҳаракатсизлантириш механизми тўғрисида вақтинчалик низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

**Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директори** **К. ТОЛИПОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 6 май
2009-27-сонли

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини
мувофиқлаштириш ва назорат қилиш
маркази Бош директорининг
2009 йил 6 майдаги 2009-27-сон
буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

## Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан акциялар эгалари реестрини қабул қилиш тартиби ва ҳужжатли акцияларни ҳаракатсизлантириш механизми тўғрисида ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ

Мазкур Вақтинчалик низом Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 29-30-сон, 278-модда) Қонунига мувофиқ Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси (кейинги ўринларда — Марказий депозитарий) томонидан акциялар эгалари реестрини қабул қилиш тартиби ва ҳужжатли акцияларни ҳаракатсизлантириш механизмини ўрнатади.

### I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Вақтинчалик низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**депонентлаш** — ҳужжатли акциялар бланкларини депозитарийларга сақлашга топшириш;

**ҳаракатсизлантириш** — ҳужжатли акцияларни очиқ сақлашга депонентлаш;

**охирги реестр** — реестр юритишни амалга оширган шахслар маълумотлари бўйича 2008 йил 22 июлдаги иш кунининг охирига шакллантирилган қимматли қоғозлар эгаларининг рўйхати;

**рўйхатга олиш журнали** — акцияларга бўлган ҳуқуқларнинг ўтиши, шунингдек акциялар эгалари реестрида (кейинги ўринларда — реестр) рўйхатга олинган шахс номига ёзилган акциялар сонининг ўзгариши билан боғлиқ ёки акцияларга мажбуриятлар юклатилиши фактини акс эттирувчи бошқа ҳар қандай ҳодисалар тўғрисидаги ёзувларни хронологик тартибда ўзида сақловчи журнал;

**рўйхат** — депозитарийлар тизими маълумотлари бўйича 2008 йил 22 июлдаги иш кунининг охирига шакллантирилган қимматли қоғозлар эгаларининг рўйхати;

**қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи** — Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази;

**ҳужжатли акциялар эгаси** (кейинги ўринларда — эгаси) — ҳужжатли

акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида тегишли бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

**эгасининг вакили** (кейинги ўринларда — вакил) — эгасининг номидан ишончнома ёки топшириқ (воситачилик) шартнома асосида иш олиб борувчи шахс.

2. Депозитарийлар тизимидан ташқарида сақланаётган, давлат рўйхатидан ўтган, шунингдек депозитарийдаги эгасининг депо ҳисобварағида сақланаётган ва ҳисобда турган ҳужжатли акциялар мазкур Вақтинчалик низомда белгиланган тартибда ҳаракатсизлантирилиши керак.

3. Ҳужжатли акциялар билан битимлар фақат улар ҳаракатсизлантирилгандан сўнг амалга оширилади.

4. Эгаси мустақил равишда ёки ўз вакили орқали ўзига тегишли ҳужжатли акцияларни депозитарийга ҳаракатсизлантириш учун топширишга ҳақлидир.

5.Депозитарий эгасидан ёки унинг вакилидан ҳужжатли акцияларни қабул қилишни фақат эгасида депозитар шартнома мавжуд бўлган тақдирда амалга оширади.

Эгасида депозитар шартнома йўқ бўлган тақдирда, у мустақил равишда ёки ўз вакили орқали депозитар шартнома тузишга ҳақлидир.

Вакил орқали депозитар шартнома тузишда эгаси томонидан вакилга бериладиган ишончномада эгаси номидан депозитар шартнома тузиш ҳуқуқи, шунингдек ҳужжатли акцияларни депозитарийга топшириш ҳуқуқи кўрсатилади.

6. Ҳужжатли акциялар, улар ҳаракатсизлантирилгандан сўнг депозитарийлар тизимида ҳужжатсиз акциялар учун белгиланган тартибда ҳисобга олинади.

7. Марказий депозитарий эмитентга эмитентнинг ёзма сўрови олингандан сўнг икки иш кунидан кечиктирмасдан Рўйхатни тақдим этишга мажбур.

8. Эмитент мазкур Вақтинчалик низом кучга кирган кундан бошлаб бир ой ичида Марказий депозитарийга қуйидагиларни топширади, мазкур Вақтинчалик низомнинг 10-бандида назарда тутилган ҳолат бундан мустасно:

а) Мазкур Вақтинчалик низомга 1-иловага мувофиқ шаклда расмийлаштирилган қоғоз ва электрон кўринишдаги Охирги реестр. Бир бетдан кўпни ташкил қилувчи Охирги реестр тикилган, орқа томонида эмитентнинг, шунингдек Охирги реестрни тузган шахснинг (реестр ихтисослаштирилган реестр сақловчи томонидан юритилган тақдирда) асосий муҳри билан тасдиқланган бўлиши зарур. Охирги реестрнинг бетлари рақамланган бўлиши лозим.

б) Мазкур Вақтинчалик низомга 2-иловага мувофиқ шаклда расмийлаштирилган Рўйхат ва Охирги реестр маълумотларини Солиштириш далолатномаси (кейинги ўринларда — Солиштириш далолатномаси).

9. Қимматли қоғозлар чиқарилишларида эгасининг номи ёзилган ҳужжатли акциялар мавжуд бўлган эмитент Охирги реестр ва Солиштириш

далолатномаси топширилган кундан бошлаб икки ой ичида Марказий депозитарийга қуйидагиларни топширади, Мазкур Вақтинчалик низомнинг 10 ва 11-бандларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно:

а) қоғоз ва электрон кўринишдаги рўйхатга олиш журнали. Қоғоз кўринишдаги рўйхатга олиш журнали тикилган, орқа томонида эмитентнинг, шунингдек Охирги реестрни тузган шахснинг (реестр ихтисослаштирилган реестр сақловчи томонидан юритилган тақдирда) асосий муҳри билан тасдиқланган бўлиши зарур. Рўйхатга олиш журналининг титул варағида уни юритишнинг бошланган ва тугатилган санаси тўғрисидаги ахборот кўрсатилади. Рўйхатга олиш журналининг бетлари рақамланган бўлиши зарур.

б) реестрни юритишга тегишли бўлган ва 2008 йилнинг 23 июлига қадар реестрга ёзувлар киритишга асос ҳисобланган ҳужжатлар (кейинги ўринларда — реестрни юритиш тизимининг ҳужжатлари). Агар реестрни юритиш тизимининг ҳужжатлари ҳажми 200 бетдан ошиб кетса, улар алоҳида жилдларга ажратилиши лозим. Ҳар бир жилд бўйича электрон ва қоғоз кўринишда хронологик тартибдаги рўйхат тузилади. Қоғоз кўринишда тақдим этилаётган рўйхат эмитент раҳбарининг имзоси ва мазкур эмитентнинг асосий муҳри билан тасдиқланади.

10. Мазкур Вақтинчалик низомнинг 8 ва 9-бандларида белгиланган талаблар мазкур Вақтинчалик низом кучга кирган санасига қадар Охирги реестр, Солиштириш далолатномаси, рўйхатга олиш журнали ва реестрни юритиш тизимининг ҳужжатларини Марказий депозитарийга топширган эмитентларга татбиқ қилинмайди.

11. Агар реестр юритиш депозитарий томонидан амалга оширилган бўлса, рўйхатга олиш журнали ва реестрни юритиш тизимининг ҳужжатлари белгиланган тартибда ушбу депозитарийда сақланади.

12. Ҳужжатли акциялар улар ҳаракатсизлантирилганидан сўнг белгиланган тартибда Марказий депозитарийда сақланади.

Бу ҳолда акциялар эгаси ҳаракатсизлантирилган акциялар бланкларини беришни талаб қилишга ҳақли эмас.

13. Ҳужжатли акциялар Марказий депозитарий томонидан эмитентга акция чиқарилишини бекор қилиш ҳолларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўқ қилиш учун берилади.

## II. Марказий депозитарийнинг эмитентдан Охирги реестрни, рўйхатга олиш журналини ва реестрни юритиш тизимининг ҳужжатлари ҳужжатларни қабул қилиши

14. Марказий депозитарийнинг эмитентдан мазкур Вақтинчалик низомнинг 8 ва 9-бандларида назарда тутилган ҳужжатларни қабул қилиб олиши қабул қилиш-ўтказиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

15. Марказий депозитарий мазкур Вақтинчалик низомнинг 8 ва 9-бандларида назарда тутилган ҳужжатларни қабул қилиш ва кўриб чиқишни амалга

ошириш муддати уларни Марказий депозитарийга тақдим этилган санадан бошлаб бир ойдан ошмаслиги лозим.

16. Марказий депозитарий Охирги реестрни, рўйхатга олиш журналини ва реестрни юритиш тизимининг ҳужжатларини агар уларни расмийлаштириш мазкур Вақтинчалик низомнинг 8 ва 9-бандларига мувофиқ бўлмаса, эмитентга қайтаришга ҳақлидир.

17. Эмитент мазкур Вақтинчалик низомнинг 16-бандида кўрсатилган ҳужжатларни тегишли тарзда расмийлаштиради ва улар Марказий депозитарий томонидан қайтарилган санадан бошлаб ўн иш куни давомида уларни Марказий депозитарийга такроран тақдим этади.

18. Марказий депозитарий Охирги реестри маълумотлари асосида қуйидагиларни амалга оширади:

агар эгалари рўйхатдан ўтказилмаган бўлса, уларни депонентларнинг Ягона базасида рўйхатга олади;

агар эгаларга депо ҳисобварағлари очилмаган бўлса, уларга депо ҳисобварағларини очади;

агар эгасининг номи ёзилган ҳужжатли акциялар ҳаракатсизлантирилмаган бўлса, эгалар депо ҳисобварағларига, Охирги реестрда кўрсатилган эгасининг номи ёзилган ҳужжатли акциялар сони ва типига мувофиқ равишда «Ҳаракатсизлантирилиши лозим қимматли қоғозлар» — бўлимига кирим ёзувини амалга оширади;

Эмитентнинг депо ҳисобварағига тақдим этувчига тегишли ҳужжатли акциялар бўйича «Ҳаракатсизлантирилиши лозим жойлаштирилган тақдим этувчига тегишли ҳужжатли қимматли қоғозлар» махсус бўлимига кирим ёзувини амалга оширади.

19. Марказий депозитарий рўйхатга олиш журнали ва реестрни юритиш тизимининг ҳужжатларининг мазмунига жавобгар бўлмайди.

## III. Ҳужжатли акцияларни ҳаракатсизлантириш механизми

20. Ҳужжатли акцияларни депонентлаш қуйидагича амалга оширилади:

а) Марказий депозитарийга:

қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси томонидан — ҳужжатли акцияларни ташкиллаштирилган қимматли қоғозлар савдоларига қўйилганда;

эгасига хизмат кўрсатувчи депозитарий томонидан — бошқа ҳолларда;

жисмоний шахс учун — эгасининг меросхўри, юридик шахс учун — ҳуқуқ ворими томонидан;

б) эгасига хизмат кўрсатувчи депозитарийга — эгаси ёки унинг вакили, жисмоний шахс учун — эгасининг меросхўри ёки юридик шахс учун — ҳуқуқ вориси томонидан.

21. Эгасига хизмат кўрсатувчи депозитарий ва эгаси (эгасининг вакили, эгасининг меросхўри, эгасининг ҳуқуқ вориси) ўртасида тузилган, эгасига хизмат кўрсатувчи депозитарийнинг ваколатли шахси томонидан имзо-

ланган ҳужжатли акцияларни қабул қилиш-ўтказиш далолатномасининг нусхаси эгасининг депо ҳисобварағига унга тегишли ҳужжатли акцияларни сақлашга қабул қилиш ва эгасининг Марказий депозитарийдаги депо ҳисобварағидан ушбу эгасига хизмат кўрсатувчи депозитарийдаги депо ҳисобварағига ўтказиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

22. Қимматли қоғозлар чиқарилишларида оддий ҳужжатли акциялар мавжуд бўлган эмитент депозитарийнинг ёки эгасининг сўрови бўйича мазкур акциялар бланклари (сертификатлари) эмитент томонидан тайёрланганлиги тўғрисида тасдиқлов беради.

Акциялар бланклари (сертификатлари) эмитент томонидан тайёрланмаганлиги ҳолларида, у мазкур факт аниқланган санадан бошлаб икки иш куни давомида шу ҳақда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органини ва тегишли тасдиқлов сўровини юборган шахсни ёзма равишда хабардор қилади.

23. Тошкент шаҳрида жойлашган депозитарий ҳужжатли акциялар қабул қилинган кундан бошлаб, беш иш кунидан кечикмаган ҳолда, Тошкент шаҳридан ташқарида жойлашган депозитарий, ойига бир мартадан кам бўлмаган ҳолда, Марказий депозитарийга ҳужжатли акциялар етказиб беришни амалга оширади.

## IV. Эгасининг номи ёзилган ҳужжатли акцияларни ҳаракатсизлантириш хусусиятлари

24. Агар акция бланкида (сертификатда) бўш жой қолмаганлиги сабабли ўтказиш ёзувида эгасининг номи кўрсатилмаган бўлса, депозитарий Марказий депозитарийга топширилган Охирги реестрдаги маълумотлар асосида эгасининг номи ёзилган ҳужжатли акцияларни ҳаракатсизлантириш учун қабул қилади.

25. Агар эгасининг номи ёзилган ҳужжатли акцияларни топшириш вақтида акциялар эгаси Охирги реестрга киритилмаган ва унинг номи акция бланкидаги (сертификатдаги) ўтказиш ёзувида кўрсатилмаган бўлса, у Марказий депозитарийга ўзининг ушбу эгасининг номи ёзилган ҳужжатли акцияларни сотиб олганлигининг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши зарур.

26. Акциялар бланклари (сертификатлари) қалбакилигининг гумони мавжуд бўлганда, Марказий депозитарий қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган Депозитар ҳисоб ва ҳисоботларининг ягона қоидалари (стандартлари) «Қимматли қоғозларни сақлашга қабул қилиш» бўлимининг 46.2, 46.3-бандларига мувофиқ ҳаракатларни амалга оширади.

Бунда, Марказий депозитарий уч иш куни давомида уларга нисбатан шубҳа пайдо бўлган ҳужжатли акцияларни махсус сақлаш жойига қабул қилиш тўғрисида далолатнома расмийлаштиради ва ушбу акцияларни эгасининг депо ҳисобварағидаги «Текширувдан ўтмаган қимматли қоғозлар» бўлимига киритади.

## V. Якуний қоидалар

27. Мазкур Вақтинчалик низом талабларини бузганликда айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

28. Акциялар эгаси, эмитент, Марказий депозитарий ва номинал сақловчи вазифасини бажарувчи депозитарий ўртасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

29. Мазкур Вақтинчалик низом талабларига амал қилиниши бўйича назоратни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи амалга оширади.

30. Мазкур Вақтинчалик низом ғимматли қоғозлар марказий депозитарийси билан келишилган.

***Қимматли қоғозлар***
***Марказий депозитарийси***
***Бош директори*** *Ш. АБДУЖАББАРОВ*

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 6 май*

Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси томонидан акциялар эгалари реестрини қабул қилиш тартиби ва ҳужжатли акцияларни ҳаракатсизлантириш механизми тўғрисидаги Вақтинчалик низомга
1-ИЛОВА

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**
Акциядорлик жамияти
Бошқаруви Раиси

_______________________________
(Ф.И.Ш.)

_______________________________
(имзо)

«___» ____________ 200__ йил

М.Ў.

**ТУЗДИ**

_______________________________
Реестр тузган ташкилот номи

_______________________________
(раҳбар Ф.И.Ш.)

_______________________________
(имзо)

«___» ____________ 200__ йил

М.Ў.

________________________________________________________________ **ОХИРГИ РЕЕСТРИ**
(акциядорлик жамияти номи)

**2008 ЙИЛ 22 ИЮЛЬ ИШ КУНИНИНГ ОХИРИ ҲОЛАТИ БЎЙИЧА**

*Акциядорлик жамияти тўғрисида ахборот:*

1. Тўлиқ номи: ____________________________________________________
2. Қисқартирилган номи: _______________________________________________
3. Марказий депозитарийда рўйхатга олинган шахс коди: ______________________
4. Устав фонди: __________ сўм.
5. Акция номинали: __________ сўм.
6. Чиқарилишдаги акциялар сони: __________ дона.
   шу жумладан:

ҳужжатсиз шаклда чиқарилган оддий эгаси ёзилган _________ дона.
ҳужжатсиз шаклда чиқарилган эгаси ёзилган имтиёзли _________ дона.
ҳужжатсиз шаклда чиқарилган оддий _________ дона.
ҳужжатсиз шаклда чиқарилган имтиёзли _________ дона.

ҳужжатли шаклда чиқарилган оддий эгаси ёзилган _________ дона.
ҳужжатли шаклда чиқарилган эгаси ёзилган имтиёзли _________ дона.
ҳужжатли шаклда чиқарилган оддий _________ дона.
ҳужжатли шаклда чиқарилган имтиёзли _________ дона.

| Т/р | Марказий депозитарийда рўйхатдан ўтказилган шахс коди* | Қимматли қоғозлар сақловчиси номи | Мажбурият юклатилмаган акциялар сони | | | | | | Мажбуриятлар | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | оддий | | овоз бериш ҳуқуқисиз имтиёзли | | овоз бериш ҳуқуқига эга имтиёзли | | оддий | |
| | | | жами | шу жумладан, ҳужжатли шаклда чиқарилган оддий | жами | шу жумладан овоз бериш ҳуқуқисиз ҳужжатли шаклда чиқарилган имтиёзли | жами | шу жумладан ҳужжатли шаклда чиқарилган имтиёзли | жами | шу жумладан оддий ҳужжатли шаклда чиқарилган |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 |

*Жадвалнинг давоми*

| юклатилган акциялар сони | | | | Эгани тасдиқловчи ҳужжат** | | | | ИНН*** | ОКПО**** | Манзил, телефон | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| овоз бериш ҳуқуқига эга имтиёзли | | овоз бериш ҳуқуқисиз имтиёзли | | тип, серия | рақам | берилган сана | ким томонидан берилган | | | юридик прописка | почта манзили |
| жами | шу жумладан имтиёзли овоз бериш ҳуқуқига эга ҳужжатли шаклда чиқарилган | жами | шу жумладан имтиёзли овоз бериш ҳуқуқисиз ҳужжатли шаклда чиқарилган | | | | | | | | |
| 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 |

*(«excel» форматида тўлдирилади)*

Эгалар — юридик шахслар
Эгалар — жисмоний шахслар
Ишончли бошқарувчилар
Ҳужжатли шаклда чиқарилган оддий акциялар (чиқарилган ва муомалада бўлган акцияларнинг умумий сони кўрсатилади)

**ЖАМИ:**

Охирги реестрни тузиш учун масъул

_______________________________ (Бошқарма ёки бўлим бошлиғи Ф.И.Ш.)    ________________ (имзо)

**Изоҳ:**
* Мавжуд бўлган тақдирда кўрсатилади.
** Жисмоний шахслар учун — паспорт ёки уни ўрнини босувчи ҳужжат.
** Юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги ҳужжат.
** Юридик шахс ташкил этмаган хусусий тадбиркорлар (ХТ) учун — ХТни ҳокимиятда рўйхатга олиш тўғрисидаги ҳужжат.
*** Жисмоний шахс учун — у мавжуд бўлса кўрсатилади.
*** Юридик шахс ва ХТ учун мажбурий тарзда кўрсатилади.
**** Юридик шахс учун мажбурий тарзда кўрсатилади.

Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси
томонидан акциялар эгалари реестрини
қабул қилиш тартиби ва ҳужжатли акция-
ларни ҳаракатсизлантириш механизми
тўғрисидаги Вақтинчалик низомга
2-ИЛОВА

______________________________
(акциядорлик жамияти номи)

**Рўйхати ва Охирги реестри маълумотларини солиштириш Далолатномаси**

2008 йил 22 июлдаги ҳолат
(акциялар эгасига тегишли акциялар сони ва типи ва
унинг анкета маълумотлари бўйича)

____________________ «___» __________ 200__ йил
(далолатнома тузилган жой)

Биз, қуйида имзо чекувчилар, ушбу Далолатномани шу ҳақда туздикки, унга кўра акция эгасига тегишли акцияларнинг типи ва сони ва унинг анкета маълумотлари бўйича Рўйхатдаги ва Охирги реестрдаги маълумотларни солиштириш амалга оширилди.

Ўтказилган солиштирув натижаларига кўра қуйидагилар аниқланди:

1. Рўйхатдаги эгалар сони — __________та
2. Охирги реестрдаги эгалар сони — __________та
3. Типи ва сони бўйича фарқлар МАВЖУД/МАВЖУД ЭМАС
(тагига чизилсин)

*(ушбу Далолатноманинг 3-банди бўйича фарқлар мавжуд бўлса, ушбу Далолатноманинг 3.1-бандига қаранг)*

3.1. Типи ва сони бўйича фарқлар ушбу Далолатноманинг 1-иловасида акс эттирилган*

4. Реквизитлар (анкета маълумотлари) бўйича фарқлар МАВЖУД/МАВЖУД ЭМАС.
(тагига чизилсин)

*(ушбу Далолатноманинг 4-банди бўйича фарқлар мавжуд бўлса, ушбу Далолатноманинг 4.1-бандига қаранг)*

4.1. Реквизитлар (анкета маълумотлари) бўйича фарқлар ушбу Далолатноманинг 2-иловасида акс эттирилган*

* Ушбу Далолатноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

______________________________________________________________

*Реестр юритишни амалга оширган шахс номи*
*(акциядорлик жамияти, депозитарий ёки ихтисослаштирилган рўйхатга олувчи)*

______________________ ______________________

(раҳбар лавозими) (Ф.И.Ш.)

______________________

(раҳбар имзоси) М.Ў.

______________________________________________________________

*Акциядорлик жамияти номи*

______________________ ______________________

(раҳбар лавозими) (Ф.И.Ш.)

______________________

(раҳбар имзоси) М.Ў.

«____» ___________ 200__ й.даги
Далолатномага
1-ИЛОВА

## Рўйхат ва Охирги реестрдаги (анкета маълумотлари бўйича) маълумотлар натижаларига кўра аниқланган фарқлар тўғрисидаги ахборот

_______________________________________________
(акциядорлик жамиятининг номи)

| Т/р | Акция эгаси номи | Рўйхатга олинган шахс коди | Рўйхатдаги акциялар сони (дона) | Охирги реестрдаги акциялар сони (дона) | Акциялар сонидаги фарқ (3-устун айирув 4-устун) | Фарқ сабаби | Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ўзгартириш учун асос | Депозитарийда қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ўзгартириш учун асос — ҳужжатнинг мавжудлиги | Фарқни йўқ қилиш бўйича ҳаракатлар | | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | реестр юритувчи бўйича* | депозитарий бўйича | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | | 11 |
| *(«excel» форматида тўлдирилади)* | | | | | | | | | | | |
| **I. Ҳужжатсиз шаклда чиқарилган оддий акция** | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| **II. Ҳужжатсиз шаклда чиқарилган имтиёзли акция** | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| **III. Ҳужжатли шаклда чиқарилган эгаси ёзилган оддий акция** | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| **IV. Ҳужжатли шаклда чиқарилган эгаси ёзилган имтиёзли акция** | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |

* 2008 йил 22 июлга иш кунининг охирига қадар реестр юритишни амалга оширган шахс

«____» __________ 200__ й.даги
Далолатномага
2-ИЛОВА

**Рўйхат ва Охирги реестрдаги (реквизитлар (анкета маълумотлари) бўйича) маълумотлар натижаларига кўра аниқланган фарқлар тўғрисидаги ахборот**

______________________________________________
(акциядорлик жамияти номи)

| Т/р | Акция эгаси номи | Рўйхатга олинган шахс коди | Рўйхатдаги маълумотлар | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Эгани тасдиқловчи ҳужжат | | | | ИНН | ОКПО | Юридик манзил / рўйхатдан ўтган | Почта манзили / яшаш жойи |
| | | | тип, серия | рақам | берилган вақти | ким томонидан берилган | | | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 |
| | *(«excel» форматида тўлдирилади)* | | | | | | | | | |
| 1. | | | | | | | | | | |
| 2. | | | | | | | | | | |
| 3. | | | | | | | | | | |

*Жадвалнинг давоми*

| Охирги реестрдаги маълумотлар | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Эгани тасдиқловчи ҳужжат | | | | ИНН | ОКПО | Юридик манзил / рўйхатдан ўтган | Почта манзили / яшаш жойи |
| тип, серия | рақам | берилган вақти | ким томонидан берилган | | | | |
| 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 6 июндан 12 июнгача бўлган маълумотни маълум қилади**

## *I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:*

1. «Бюджет ташкилотлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган давлат мулкини бошқа корхона ва ташкилотларга ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2009 йил 2 июндаги 59, 01-16-18/13-сонли қарори.*

***2009 йил 10 июнь рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 869-2 (2009 йил 20 июндан кучга киради).***

2. «Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишга қамраб олиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2009 йил 20 майдаги 16/ҚҚ, 22, 155, 25 Қ/Қ-сонли қарори.*

***2009 йил 11 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1964 (2009 йил 21 июндан кучга киради).***

3. «Почта ва телекоммуникация ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 27 майдаги 27/Б-сонли буйруғи.*

***2009 йил 11 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1965 (2009 йил 21 июндан кучга киради).***

4. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасига қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 16 майдаги 15/1-сонли қарори.*

***2009 йил 11 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 773-27 (2009 йил 21 июндан кучга киради).***

5. «Иккиламчи хом ашё тайёрлаш омборхоналари, база ва пунктлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»

*Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 30 апрелдаги 18/Б-1-сонли буйруғи.*

***2009 йил 11 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1966 (2009 йил 21 июндан кучга киради).***

6. «Йиғма темирбетон ва бетон конструкциялар ва буюмлар ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 8 майдаги 19/Б-сонли буйруғи.*

***2009 йил 11 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1967 (2009 йил 21 июндан кучга киради).***

7. «Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси томонидан акциялар эгалари реестрини қабул қилиш тартиби ва ҳужжатли акцияларни ҳаракатсизлантириш механизми тўғрисида Вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 6 майдаги 2009-27-сонли буйруғи.*

***2009 йил 12 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1968 (2009 йил 22 июндан кучга киради).***

## *II. Давлат реестридан чиқарилди:*

1. Бюджет ташкилотлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган давлат мулкини бошқа корхона ва ташкилотларга ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низом, 1-сон ўзгартиришлар. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 869, 2000 йил 7 январь), (рўйхат рақами 869-1, 2001 йил 10 сентябрь).*

***Адлия вазирининг 2009 йил 10 июндаги 130-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

2. Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишга қамраб олиш тартиби тўғрисида Вақтинчалик низом. *Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан тасдиқланган. (рўйхат рақами 1779, 2008 йил 26 март).*

***Адлия вазирининг 2009 йил 11 июндаги 131-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

*III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:*

1. «Кўмир конларида хавфсизлик қоидалари. «*Саноатконтехназорат*» *давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

***Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди.***

**Мазкур ҳужжат белгиланган тартибда кўрсатилган идоралар томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин.**

**Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ МАЪЛУМОТЛАРИ МИЛЛИЙ БАЗАСИ**

**ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ**

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚҲММБ LexUz) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

***LexUZ фойдаланувчиларга ҚҲММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:***

*норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:*

*— Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;*

*— қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;*

*— тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;*

*— алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.*

*излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:*

*— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;*

*— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гуруҳлаш;*

*— ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;*

*— излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;*

*— ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;*

*— ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;*

*— ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;*

*— «Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент / респондент ҳужжатлар рўйхати;*

*— ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;*

*— ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;*

*фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:*

*— танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;*

*— излаш шартларини сақлаб қолиш;*

*— фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;*

*фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш;*

*базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.*

***WWW.LEX.UZ***
***сайтига марҳамат қилинг***